

**МУАССИСЛАР:  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ, ЁШЛАР  
ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ  
ҚЎМИТАСИ**

**ЕТМИШИНЧИ ЙИЛЛАР АВЛОДИ**

---

*Бош муҳаррир  
вазифасини бажарувчи:*

---

**Собир ҲНАР**

---

*Таҳрир ҳайъати:*

---

Одил ЁҚУБОВ  
ШУКРУЛЛО  
Гаффор ХОТАМ  
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ  
Абдул Ғани ЖУМА  
Алишер ТЕШАБОЕВ  
Абдусайд ҚҮЧИМОВ  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Низомиддин МАҲМУДОВ  
Тўра МИРЗО  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Тўхтамурод РУСТАМ  
Дилшод НУРУЛЛОҲ —  
*масъул котиб*  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Йўлдош ЭШБЕК  
Шодикул ҲАМРОЕВ

---

*Жамоатчилик кенгаши  
раиси:*

---

**Абдулла ОРИПОВ**

---

*Жамоатчилик кенгаши:*

---

Жамол КАМОЛ  
Бегижон РАҲМОНОВ  
Қулмирза ҚАМБАРОВ  
Аҳмад УСМОНОВ  
Темур ХИДИРОВ  
Эргаш РИЗАЕВ  
Ҳамроқул АСҚАР  
Абдишукур АШИРБОЕВ  
Келдиёр ИСРОИЛОВ  
Шаҳодат ИСАҲОНОВА  
Эркин ЙЎЛДОШЕВ  
Убайдулло ОМОНОВ  
Йўлдош СУЛАЙМОН  
Рустам ХУДОЙҚУЛ  
Усмон ҚҮЧҚОР  
Тоҳир ҚАҲҲОР  
Ҳабибулло САИД ҒАНИ

---



**Шоир Хуршид Даврон**

Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали

© «ЁШЛИК» № 1, (138) 1994 й.

**1982 ЙИЛДАН ЧИҚА  
БОШЛАГАН**



1-муқовада хушовоз хонанда Мо-  
хира АСАДОВА.

Абдул Ғани ЖУМА сурати.



"Ёшлик" ўн икки ёшга тўлди. Шу йиллар орасида унинг остонаси не-не зотларни кўрмади. Не бир умидлари рўёбга чиқди, не бирлари армон бўлди. Ўн икки йилдан бери ҳаёт неча бор ўзгарди, неча бор эврилди. Ҳеч бир нашр йўқки, бундан ўн йил аввалги фаолиятига бирров назар ташлаб кулгиси қистамасин. Бироқ ўша пайтдаги ҳаётимиз ўша пайтда ўзимиз учун кулгилими? Майли, мозийга қайтиб иш кўриш хайрли дейишади. Не бўлганда ҳам еримиз бут, Ватан бут. Жонни нисор этсақда камлик қилувчи беқиёс Ватанимиз бор. Шу юртни деб жонлари ҳалок ўтган аждодларимиз ҳаққи, нурафшон истиқболимиздан муждалар кутаётганимиз - "зўр карвон" - насларимиз ҳаққи, Ватанни мен севмасам, сен севмасанг, у севмаса - ким севади?! Юртга ошиқлигимиз иймонимиздан дарак берар экан, ёлғон сўзлар ила шайдолик баён этишганда ҳуқуқимиз йўқ. Зеро, Ватан қиймати тилло билан ҳам ўлчанмайди. Унинг қиймати иймон, содиқлик билан ўлчангуси! Дилларимиз меҳрли, зийрак бўлсин. Тилларимиз эса ҳар кимнинг олдида доим узун бўлсин. Биз "ёшлик"чиларнинг тилимиз бултур обуначилар олдида бир оз қисқа бўлди. Нарху навонинг бу даражада кескин сакрашлари панд берди. Умидимиз - бу йил панд емайлик.

Авваллари эшиқларимизни бўрондек очиб келгувчи муаллифларимиз ҳам энди бир оз ийманиб, қимтинибгина: "Ўзи аҳволларинг яхшими?" деб сўраб қўйишади. "Чидаса бўлади", деган жавобни олгач: "Манови бир асаримни опкелган эдим, имкониятларинг кўтарармикин?" деб яна сўрайди. Яхши асар эса ҳеч вақт ерда қолмайди. Кўзга тўтиё бўлгулик асарларни ҳар куни кутамиз. Яна бир доvon ошдик, яъни 1994 йилни ҳам эсон-омон бошлаб олдик. "Ёшлик"да йирик асарларни ҳам пешма-пеш босавериш имкониятимиз бир қадар чегараланган. Шундай бўлса-да, биз ноумид эмасмиз.

"УМИДИМ ШУЛКИ"...

Яқин орада бизни қийнаб турган қоғоз индаллоси ҳал этилса, йирикроқ ҳажмдаги қиссаю рўмонларни ҳам эълон этиш ниятимиз бор.

Жўрнал ижодий жамоаси эса ғайрат камарини бир дам бўлсин, белдан ечгани йўқ. Ҳайтовур йилимиз яхши келсин.

"Ҳа" деган туяга мадад", деган гап бор. Биз бу йил ҳам эллик минг сонли муштарийларимизнинг қўллаб-қувватлашига ишониб ҳаракат қилаяпмиз. Улардан келаётган акс-садолар бизни тагин ҳам ҳушёр торттиради, илҳом бағишлайди. Зеро, ҳукуматимиз жўрнал учун икки йилдан буён ёрдам пулини аямади. Бу эса матбуот ҳали-ҳамон эътибор ва ёрдамга муҳтож эканлигини кўрсатади. Илло, "Ёшлик" бу йил мудом хонадонингизни тарк этмагай!

Мана, жўрнални варақлаб, ўзингиз гувоҳи бўлгандирсиз: безакларда, асарларнинг жойланишида анча-мунча ўзгаришлар бор. Янги рукнлар очдик. Булар эса ўқувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб қилинаётган ишлардир. Муҳтарам жўрналхонлар! Ғаладонларимизда бир талай Сизга ваъда этишимиз мумкин бўлган асарлар турибди. Насиб этса, улар билан йил давомида Сизни баҳраманд этиб бориш ниятидамиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, ниятларимиз эзгу. Ҳали ҳеч жойда асари эълон қилинмаган ўсмир ижодкорлар ҳам, адабиётимизнинг улуғлари ҳам эътиборли асарлари билан меҳмонимиз бўлишаётгир. Илми нужум билимдонларининг таъкидлашларича, бу йил кишилар орасидаги меҳр-оқибат мустаҳкамроқ бўлар эмиш. Валлоҳи аълам бис-саваб. Шоир айтганидек, "умидим шулки, умидингга етил!"

"УМИДИМ ШУЛКИ"...

Собир ЎНАР

## ЕТМИШИНЧИ ЙИЛЛАР АВЛОДИ

НУРАЛИ ҚОБУЛ

### "Руҳида илоҳий исён бор"



Ҳурматли жўрналхон!  
Ёдингизда бўлса керак, ўтган  
1993 йил жўрналимиз  
саҳифаларида "Етмишинчи йил-  
лар авлоди" рукни остида Ус-  
мон Азим, Йўлдош Эшбек,  
Хуршид Дўстмуҳаммад каби  
шоир ва адибларнинг фикр-му-  
лоҳазалари билан танишган  
эдингиз.

Биз янги 1994 йилда ҳам уш-  
бу рукни давом эттириш ния-  
тидамиз. Сиз йил давомида  
Ғаффор Ҳотам, Хуршид  
Даврон, Шавкат Раҳмон,  
Мурод Муҳаммад Дўст каби ет-  
мишинчи йиллар авлодига ман-  
суб бўлган ижодкорларнинг  
қизиқарли суҳбатларидан  
баҳраманд бўлишингиз мумкин.  
Қуйида истеъдодли адиб  
Нурали Қобулнинг фикр-му-  
лоҳазаларини сизнинг эъти-  
борингизга ҳавола этаётимиз.

Бу авлод зиммасидаги масъулият оғир эди.  
Адабиётимизда ҳеч бўлмаганда оқни оқ, қорани  
қора, дея оладиган кўзи очиқ авлоднинг пайдо  
бўлиши кутилаётган эди десам  
ҳамкасбларимизга малол келмасин. Бизда  
ўттизинчи йиллар боши ва охири, ҳамда  
эллигинчи йиллар бошидаги жисмоний-маънавий  
қирғинлардан омон қолган, совуқ сувни ҳам  
пуфлаб ичадиган, кечмиш тузум нотабиий  
ғояларининг қулига айланган ўтмиш авлодлари  
бор эдиким, булар ичидан бирорта ҳам дунёвий  
фикрлайдиган, катта ҳақиқатларни айта олади-  
ган санъаткор етишиб чиқмади. Бунинг учун  
иқлим ҳам йўқ эди. Дунёнинг қаерига борса  
тан олиниши мумкин бўлган битта бутун  
санъаткор сифатида Ботир Зокировни айтиш  
мумкин. Бироқ ўша пайтдаги асл миллий  
маънавият ва қадриятлардан йироқ коммуколо-  
ниализмнинг маънавий малайлари унинг "ўз  
вақтида" бошига етдилар. Унинг санъати энди  
кунда бир чақаликка айланган "СССР халқ  
артисти" унвонидан юз чандон устун бўлса-да,  
лозим кўрмадилар. Аксинча, бу бетакроп  
миллатдошимизнинг шахси ва номи ҳар қандай  
унвону мукофотдан устун эди. У миллат ва  
Ватаннинг фахри бўла билладиган бутун инсон  
эди. 1981 йил насрига бағишланган йиғилишда  
мен "Раҳмат қозоқ халқига, раҳмат Дин-  
муҳаммад Қўнаевга, Улжас Сулаймоновни асраб  
қолганлиги учун ва дунёга байроқ қила  
билганлиги учун! Агар у бизда бўлганида эди,  
аллақачон кабоб қилиб юборардик! Нима учун

Абдулла Орипов ёки Эркин Воҳидовни дунёвий адабиёт саҳнасига олиб чиқа олмадик? Нима учун ҳам ҳурматли Абдулла ака, "Икки дарё орасида қолиб кетди овозим!" дея бонг ураяпти" деб гапирганим учун тегишли қаватларда эшитганимни эшитганман. (Бу ҳақда кейинчалик, хотираларда ёзиш керак шекилли)

Демоқчиманки, бизда етмишинчи йиллар охиригача қулоқлар фақат марказдаги катта тоғамизга маъқул келадиган ясама ҳақиқатни эшитишга мослашган ва ўрганган эди. Бундайлар бизда ҳалиям истаганча топилади. Бизнинг авлод аввало мана шу, пойдевори зулму истибоддан иборат бўлган, қуллик тузумига хизмат қиладиган ярим ҳақиқатга қарши бош кўтара оладиган авлод эди. Бу авлоднинг энг камтари истибодга қарши бош кўтара олмасда, катта дунёвий ҳақиқатларга хиёнат қилмас эди деб ўйлайман.

Энг муҳими, бу авлод ўқимишли, саводли, дунё адабиёти сабоқларидан фикри ва дунёқараши равшан тортган авлод эдиким, ишончим комилки, бу авлоддан сўнг адабиётимизга чаласавод ижодкорлар кириб келмайди. Сабаби бу авлод мана шу йўлни тўсиб қўйди. Нотабиий тузум маддоҳи ва адабиётни тушунмаслик оқибатида бу оламга кириб қолганлар фаолияти барҳам топиши баробарида бизда том маънодаги профессионал, дунёвий адабиёт шаклланиб бораверади. Бу адабиётнинг илдизи сўзсиз — Ватан, миллат, тарих, мукамал туркий ахлоқ, иймон, ҳақиқат каби умуминсоний эътиқодлар бўлади. Энг муҳими энди адабиёт ва санъатимизга давлат миқёсидаги кўмак ва бақувват ҳомийлар керак.

Ноҳақлик билан келиша олмаслик. Бошига қилич келса ҳам тўғри гапни айта билиш. Умуммиллат манфаатини шахсий ва маҳаллий манфаатлардан устун қўя билиш. Бу авлод катта ишларни қилиш йўлида хато қилиб қўйишдан чўчимайдиган мард ва жасур авлод ҳамдир. Бироқ кучли, ўрта ва ўртадан паст асарлари бўлмаган адабиёт тўқис адабиёт эмас деган гап барча авлодларга тааллуқлидир. Шунингдек, барча даврларда бўлганидек бизда ҳам зоҳиран ёзувчилик ролини ўйновчиларда бор. Ёзувчилик байроқ эмас, тақдир! Бизда уни "поза"га айлантириб олганлар ҳам йўқ эмас.

Ҳар қандай ижодкор фикрлаш қобилиятига қараб адабиёт ҳақиқат ва адолатнинг олий нуқтаси деб билади. Мен ҳам сўзсиз шундай деб ўйлаганман. Ёзувчи дегани фақат ҳақиқатни, миллатнинг онгини юксалтирадиган, фикрини чарчлайдиган, ўзалигини танитадиган ҳақиқатларни айтиб, ёзиб юради дея ўйлар эдик. Давлат хизмати, ёзувчилик, журналистика, бола-чақани оч қолмаслигига ва ниҳоят, "кўрмаган қаргаларга кўзни чўқитмаслик" учун онгли

равишда изтироб билан ўзни тийишга мажбур эдик. Бизнинг авлод ўша давр маъмуриятчиларининг ҳам, ўзидан олдинги авлодларнинг ҳам қолипига сиғмас эди. Шу боис биз ёзган қатор наср ва назм намуналарини ҳамон айримлар бирданига ҳазм қила олмайдилар. Сабаби миллат сунъий равишда асл ҳақиқатдан юз ўгириб яшаган. У онгли равишда Ватан, Миллат, Озодлик, Ҳуррият каби илоҳий туйғулардан мосуво этилган. Ваҳоланки, айтингчи, бу эътиқодларсиз халқ ва унинг адабиёти бўладими?

Ҳозир мен бир нарсани англаб, изтиробга тушмоқдаман. Мустақиллик дея аталмиш илоҳий неъмат олдида биз чумоли каби майда бир нарса эканлигимиз мени ҳайратга солиб, қийнайди. Мустақилликни бор бўй-басти билан англаб етмаган оддий деҳқонни тушуниш ва кечириш мумкин дир. Бироқ, бизда бу эътиқоддан бебаҳра зиёли ва арбоблар қатламларини кўриб, фикрлаш даражасидан воқиф бўлганда тепа сочинг тик туриб кетади. Охири бахайр бўлсин дея ўйлайсан руҳинг тушиб. Халқнинг истиқболли келажagini, ҳуқуқий давлат тузумини, ривожланган мамлакатлар сафида бўла билишнинг энг биринчи шarti миллий бирликка эриша билиш эканлигини англаб етмагимиз шарт.

Ишончим комилки, бу авлод миллий мустақиллик кураши деймизми, меҳнати деймизми, унинг олдинги сафида бўлади. Хоҳ қаламда бўлсин, хоҳ фаол меҳнатда бўлсин, бу авлод ҳеч қачон ва ҳеч кимга ўз оғирлигини туширмайди. Аксинча ўзгалар, миллат оғирини енгил қилиш учун курашади. Ижодда... Шахсан мен ўзимга олиш учун айтмоқчиманки, узоқ тайёрланиб юрганам — тарихий мавзуга астойдил киришмоқчиман. Турк улуси, Темур ва Темирийлар ҳақида уни бутун вужуди билан севган, унга қондош бўлганлар ёзиши керак. Акс ҳолда яна беш юз йил давомида унинг нурли сиймоси халқимиз кўз ўнгида хиралигича қолиб кетиши мумкин.

Истаймизми-йўқми, бу авлоднинг руҳида илоҳий бир исён туйғуси бор. Бу миллатни хароб қилиб келган тақдирга тан бериб яшаш, ҳар ким ўз кўмачига қул тортиши каби ҳаёт ва фикрлаш тарзига нисбатан онгли, охиригача ўйланган маънавий исёндир. Буни виждон ва иймон инқилоби деса ҳам бўлади.

## АДАБИЙ САБОҚ



Муҳсин ЗОКИРОВ

### Гар тарих эврилса шуҳрат тожини...

"Мирзо Улуғбек" фожиасини ёзиш фикри Мақсуд Шайхзодада 1943 йилда туғилган. Бундай дейишимга сабаб, ўша йил феврал ойида "Қизил Ўзбекистон" газетасида чоп этилган устознинг "Аждодларимизни эъзозлайлик" номли мақоласида домла "Хоразмий ким! Ибн Сино ким? Беруний ким? Улуғ аллома Улуғбек ким?" деган саволлар қўйиб, ўзлари: "Агар ҳар бир халқ ўз улуғ аждодларини эъзозлаб, уларнинг қадрига ета билмас экан, бундай эл истиқболдан ҳам маҳрум бўлади", деб жавоб берадилар.

Ўша вақтларда домла Шайхзода бир қайд дафтарида "Беруний ва Улуғбекни саҳнага олиб чиқиш керак" деб битиб қўйган эканлар. Адибнинг режаси бўйича "Жалолиддин Мангуберди"дан кейин "Улуғбек" саҳна юзини кўриши керак эди.

Аммо кетма-кет ёғилган кулфатлар бу мақсадни амалга оширишни 15 йиллар кейинга суриб юборди. 1952 йилда Мақсуд Шайхзода 33 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилди. Фақат Сталиннинг вафоти Мақсуд Шайхзода ва у янглиғ оташин инсонларни муқаррар ҳалокатдан асраб қолди.

Домла қамоқдан қайтиб келган 1955 йилдан бошлаб "Мирзо Улуғбек" фожиасини бундга келтириш устида жиддий иш бошлаб юбордилар.

Домланинг улуғ ижодкорларга хос бир фазилатлари бор эди: энгил-елни ишни ёмон кўрардилар. Қаламга олинган мавзунинг энг майда-чуйда нуқталаригагина аниқлаб олмагунча ёзишга киришмасдилар. Мен ўша йилларни яхши хотирлайман. Мақсуд ога 100 га яқин маъхазларни — тарихий-илмий асарларни кўздан кечириб чиқдилар. Улар орасида муаллифи номаълум "Тарихи Темур Курагоний", "Темур ясоқлари", Али Кушчининг "Улуғбек ҳақида хотиралар" сингари Истамбул кутубхонасида сақланаётган нодир қўлёзмалар; Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Абдураззоқ Самарқандийнинг "Ҳиндистон сафарномаси", "Тарихи Муҳиддин Истизорий", Мирхондин "Ҳабибус сир", Зайниддин Васифийнинг "Бадоил вақо" каби ноёб асарлари; академиклардан Бартолд, Бертелс, Якубовский, Қори Ниёзий ва бошқаларнинг ишлари ҳам бор эди. Албатта Улуғбекнинг "Зижи Курагоний"си ҳам асар яратилишида беқидс катта рол ўйнайди.

Мақсуд ога ўша даврнинг урф-одатлари, жамият аъзолари ўртасидаги муносабатлар, одамларнинг турмуш йўсинлари, тирикчилиги, турли табақаларнинг ўша даврда ишлатадиган қурол-аслаҳаларининг номи ва ишлатилиши ўрнини синчиклаб ўргандилар. Ҳатто фолбинлар, қурачилар билан ҳам кўп бор мулоқотда бўлдилар. Мақсад ўша замонни аниқ тасаввур этишни истардилар.

1959 йилнинг ёз ойлари эди. Бир кун мени домла ўйларига чорладилар. Бордим.

— Самарқанда ўтиб келайлик, — дедилар.

Хуллас, Самарқанда бордик. Кечга томон домла:

— Қани, мулла Муҳсин, Улуғбек мадрасасига кетдик, — деб қолдилар.

Мадраса қоровулнинг хонасида анча маҳал гаплашиб ўтирдик. Шом қоронгусидда:

— Мулла Муҳсин, сиз меҳмонхонага бораверинг, мен мадрасада тунаб қолиб, ҳазрат Улуғбек билан гойибона суҳбатлашмоқчиман, — дедилар.

Ҳайрон бўлдим. Бироқ билардимки, оршиқча сўз у кишининг кўнглига сиғмайдди.

— Эрталаб келарсиз, — қўшиб қўйдилар домла.

Кейин билсам мендан кейин қоровулни ҳам уйига жўнатиб юборибдилар.

Эрталаб кун чиқар-чиқмас борсам, домла мадрасанинг жилвонасида ўтирибдилар. Лабларига учуқ тошиб

кетган. Лекин кайфиятлари жуда яхши, хурсандлар. Кўзларида нур чақнаб турибди.

— Домла, тинчликми? — дедим жон ҳолатда.

— Тинчлик, тинчлик, ҳамма иш жойида ва энг аъло гап шуки, хобимда Улуғбек ҳазратлари билан мулоқотда бўлдим. У киши менга: "Азиз фарзандим, бизни йўқлаб келибсан, яхши ниятларинг борга ўхшайди. Ниятларинг қутлуғ бўлмай. Менинг ўғитларимни унутмасдан жуда катта ишга қўл урибсан, ўша насиҳатларимни авлодларимга етказгайсан", деб оқ фотиҳа бердилар.

Шу вақт қаердандир ваҳимали жанг саболари яхши эшитила бошлади. Ҳаммаёқни "урҳо-ур" деган овозлар, қурол-аслаҳаларнинг жаранг-журунги босиб кетди. Улуғбек ҳазратлари: "Ана кўрдингми, яна бошланди, умримиз шундай таҳликаларда ўтиб кетди", деб кўздан гойиб бўлдилар.

Шундан кейин Мақсуд ога "Мирзо Улуғбек" фожиасини битмоқча жиддий киришиб кетдилар. 1960 йил ёзида вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти курсларида маърузалар ўқирдим. Талабалар Шайхзода билан учрашувни каттиқ илтимос қилдилар. Домлага учрашдим: — Бўпти, борамиз, — дедилар.

Курс бошлиғи Абдулхай Аъзамов елиб-югуриб учрашув кунини белгилади. Домла бунга қадар "Мирзо Улуғбек"нинг биринчи пардасини тугаллаган эдилар. Шунини учрашувда ўқиб бердилар.

Қайтишида домла мамнуният билан таъкидладилар:

— Талабалар "Мирзо Улуғбек"ни тушунди, жуда яхши қабул қилди. Ёғилган саволлар бунинг муҳри ва гувоҳидир. 1962 йилнинг май ойларида беш пардадан иборат фожа тугади. Ҳажман жуда катта: 180 қоғоз. Бунчалар мардона ижодий ишни амалга оширган Мақсуд Шайхзодага ҳазор офарин демай иложимиз йўқ.

Кўп ўтмай домланинг уйига машҳур санъаткорларимиз Шукур Бурхонов, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Олим Хўжаев, Замира Ҳидоятюва, режиссёр Александр Гинзбург ва бошқалар тўпналишиди. Пьесани ўқиш бошланди.

Домла қироат билан ҳар бир образни ўзига мослаб ўқирдилар. Бир неча кун давомида ўқиб бўлдик. Александр Гинзбург унинг саҳнавий кўрinishини яратди.

Асарни Ҳамза номли академик театримиз саҳнасида саҳналаштириш жараёнида Шайхзода домла жуда фаол қатнашдилар.

Бир кун ўзлаштириш пайтида Шукур ака айрим сўзларни нотўғри талаффуз этдилар. Шунда домла:

— Мулла Шукур, андак сабр, қулоқ солинг: "буддаий" эмас, "буддойи", "савий" эмас, "исавий" деб ифода этсангиз тўғри бўларди, дея дакки бериб қолдилар.

Бу каби аралашувлар пьеса саҳна юзини кўргунга қадар жуда кўп марта бўлган эди.

Пьеса саҳналаштирилгандан кейин 1964 йилда китоб ҳолида чоп этилди. Шайхзода домла китобдан бир донасини менга дастхат ёзиб бердилар. Дастхат таъига Улуғбек тилидан араб алифбосида тўрт қатор ушбу шеърни ҳам битдилар:

Илм инсон кўзин очар, қулоғин очар.

Фан мияга идрок билан ёруғлик сочар.

Фан мияга кирган жойдан, билинг, муҳаққақ,

На шайтонга ўрин бору ва на фолбинга.

— Мулла Муҳсин, — дедилар менга китобни бера туриб. — Самарқанд ёдингизда борми? Ўша кундаги мулоқотда ҳазрат Улуғбек худди мана шу маънода иш туттишимга маслаҳат берган эдилар. Мен уни баҳоли қудрат амалга оширдим. Энди буёғи ҳалойиқ ҳукмига ҳавола.



Ражадбой  
ота йўқ



КИНО ҲИССА

**- Ж**оон акажон, бугун Ҳамида деманг... Энди Ҳамидаҳон демайсиз-а? — Ҳамид ўн еттига тўлиб-тўлмаган йигитча. У янтоқ чопувчилар бошлиғи қаршисида қумга ёнбошлаган гўлабир, қоп-қора, шоп мўйлов Ҳотам Танбалга шу таҳлит ялинар, Ҳотам эса унинг кўзларига тик боққанча жим турар эди.

— Жоон акажон...  
— Яна, тагин бир қайтар! — Ҳотам Ҳамиднинг "жон" сўзини чўчиб, овозига қиз боладек майин тус бериб айтганидан роҳатланар, бардошини синар, қани, яна нима қаромати бор бунинг, деб ажабланир эди.

Ҳамид "жоон акажон..." деб, Ҳотамнинг буйруғини тагин бир марта бажарди.

"Сўз қурсин, сўз, — дея Ҳотам кулимсиради, — ажаб сўзларимиз борда! Масалан Эркин, биргина "а" ҳарфини қўшсанг — Эркина. Ёки Салим, "а" ҳарфини қўшсанг — Салима..."

Ҳотам керза этигини ечиб, шимининг пойчаларини тиззасидан юқорига тортди. Ҳар кун тушликдан сўнг одат шу — Ҳамид Ҳотамнинг бу имосини сўзсиз англайди. Танбал этигини ечишга уннаса, Ҳамид кўйлаги енгини биллагигача шимара бошлайди. Сўнг Ҳотам йигитчанинг қорамтир, нозик биллагидан кўз узмай, тикилиб туради-да, шивирлайди: — Ҳамида, Ҳамидаҳон...

Шунда "Ҳамида" енг шимариб, Ҳотамнинг узатилган оёғини уқалашга тушади.

Ҳотам Танбал чалқанча ётиб, тиниқ, кўм-кўк осмонга тикилганча ўй суради. Кўпинча Танбалнинг ўйлари телба-тескари — чалқаш, тутуруқсиз кечади. Мана, ҳозир ҳам у иссиқ қумга чўзилганича, ўй суриб ётибди. Тепасида осмон — улкан, оёқ учида Ҳамид — "Ҳамидой", кичкина Ҳамид. "Нега осмон олис — қўл етмас? Нега киши чўзилганида роҳат қилади, яйрайди? Осмонни бўлақларга бўлиш мумкинми? Нега баъзи эркаклар хотинмижоз?" Бир ҳафтадирки, у шу таҳлит фикрлайди. Бугун саволларига яна савол қўшилди. "Сотқинлар кимнинг боласи, қўрқоқлар чи, ўз ақли қолиб, бировнинг гапи билан юрадиганлар-чи? Уларни ҳам аёл — она туғадими, тугса, тўлғоқ тутармикин?..." Аввалига бир саволдек туюлган хаёлнинг чеки кўринмади. СОТҚИН ва ҚўРҚОҚдан сўнг СЎЗ — қурс, СЎЗ — қурс қўшилаверди, қўшилаверди... Охири уни уйқу элитди, кўзи юмилиб, осмонни, оёғи учида гимирлаётган Ҳамид — "Ҳамидаҳон" кўрмади, саволлари хотирдан чиқди. Кўп ўтмай атроф — янтоқзор, қип-қизил барханларнинг пана-насида Ҳамидга ўзича жазо ўйлаб топган Ҳотамнинг "хур-пуш" этган овози эшитилди.

Ҳамид унинг ухлаганига ишонгач, оёғидан аста қўлини олади. Чеккароқда

мунгайиб, Танбалнинг уйғонишини кутади.

Танбал қуш уйқу эди. Уч-тўрт дақиқа ўтар-ўтмас, чўчиб уйғонар, ёнида "Ҳамидаҳон"ни кўриб жилмаяр, тезда жилмайган тусини қумга кўмиб, бошқа одамга — шафқатсиз, золим Ҳотам Танбал қиёфасига кирар, Ҳамиднинг орини қўзғаш, кўзида ғазаб шамоиллини кўриш учун ўзини қийнаб бўлса-да, шундай сўзлар топар ва айтар эди. Масалан, мана, бундай:

— Ҳамидаҳон, Ҳамида, онангни менга берасанми, а?.. Гапир...

Ҳамиддан садо чиқмас, у бошини эгиб, қумни чуқалаб ўтирар, Танбал эса бу орада унинг ҳолига сассиз йиглар, томоғига тикилган тошдай аламини ютиб, туйқус:

— Тур, дафтар-қалам топ! — деб бақирар эди.

У уч юз қадамлар нарида, ташландиқ — эски қўра атрофида ҳамқурлари дам олиб ётишган чодир томон кетганида, Ҳотам Танбал Ҳамиднинг қайтаражак жавобини шу таҳлит ёзар эди: "Онангни менга берасанми, а? Гапир!" — бу, менинг гапим. Ҳамиднинг жавоби эса бундай: "Онанни сизга берсам, отам сизни хотин қиладимиз?" — Дафтарга шундай деб ёз, қайта-қайта ўқи, ёд ол, дейман. Сўнг менга қайтарасан!"

Ҳамид шу кетишича қайтиб Танбалнинг ёнига келмайди. Чодирга кириб борганида, жўралари уни пойлаган шекилли, бир-бирига "оёғим, оёғим" деб қочирим қилишади. Шу таҳлит вақт ўтгани сезилмайди, қуёш тафти сал пасайгач, болалар тамадди қилишга тушадилар. Ҳамид уларнинг хушламаганини сезади, ўзи бир четда сувга нон ботириб ейди...

Бугун Танбалнинг уйқуси одатдигидан хийла узоқ чўзилди. У туш кўрган, тушида юпун болалиғи, очарчилик, қари онаси, сингиллари... ва яна отасининг ҳарбийдан юборган суратини қўйнига яшириб, пана-панада сурат билан суҳбатлашганлари кириб, безовта бўлди. У уйғониб ҳам анчага довур ўзига келолмади. Танбал ўша воқеани ҳали-ҳануз унутолмайди. Машъум очарчилик йиллари онаси қарамогидаги ёлғиз қўчқорни сотиб келишни Ҳотамга ишонди. Қўчқор икки ҳафта ҳам бозордан "қайтди". Учинчи гал онаси Ҳотамга ҳамроҳ бўлди, биргалашиб қўчқорни бозорга етаклашди. Йўл яримлаганда у онасини гафлатда қолдириб, уйига қочиб кетди... Ушанда онаси бир сўз демади, койимайди ҳам. Тушунди: ўғли қўчқорни сотишга кўзи қиймаган. Шу воқеани хотирлаб, муҳтожлик, очлик голиб чиқиб, суюкли қўчқорига ўзгалар эга бўлганига ачиниб, ҳўшини йиғдию, кўзи Ҳамидга тушиб, кўнгли баттар хира тортди. Йўқса, қўчқор ҳам гапни, нари борса, у бир мол, баҳоси беш-ўн

сўм қоғоз пул, сўйса, ўн-ўн беш кило гўшт. Ҳа, Ҳотам унга мол деб эмас, хонадоннинг аъзоси, ўзи тенги бола санаб, онасио сингилларидан яшириқча юрагидаги соғинч, армонларни тўкиб — суҳбатлашган. Қўчқорни бўйнидан кучоқлаб йиғлаган... Қора қўчқор Ҳотамнинг соғинчларини олиб, армонларини эшитиб бозорда сотилди.

"Мана бу бола, мана бу бола... дорилмомон замоннинг боласи... куппа-кундузи жўраларини..." — у алам билан кўзини очса, қаршисида Ҳамид! Яна Ҳамид, яна...

— Йўқол, кет, кўзимга кўринма!

Қочса, Танбал гўё тутиб, бўғизлаб қумга кўмадигандек, у уч-тўрт қадам тисарилиб, дийдираб тураверди. Танбал икки қўли билан чаккасини маҳкам сиққанича бошини кўтармади. Бир пайт панжаларини бўшатиб қаради: Ҳамид — "Ҳамидахон" ҳали ҳам турган жойида дийдираб, кўзи тўла қўрқув, юракни эзгудек жовдираб турибди.

— Совқотяпсанми-а, Ҳамидой, саратонда-я? — кесатди у. — Чопонимни киясанми, ма, ол! — Танбал ёнбошидаги букланган чопонини қўлига олди-да, уни синчиклаб кузатди. Бу орада "Ҳамидахон" бош силкиб, Танбалнинг саволига жавоб қилди: "Совқотяпман".

Танбал қишин-ёзин чопонини ташламас, ўзи билан олиб юрар эди. Чопон гўё унга қурол — ҳамроҳ, ҳам кўрпа, ҳам ёстиқ.

— Тилинг борми?

— Совқотяпман...

— Э, энағар Ҳамид, — Танбал гулдираб кулди, — ёлгонни ҳам бошлайсан-да, а, ундан кўра, қўрқяпман десанг-чи!

"Ҳамидахон" тагин бош силкиб, Танбалнинг гапини тасдиқлади: "Қўрқяпман".

— Яқинроқ кел.

"Ҳамидахон" қўрқа-писа Танбалга яқинлашди.

— Тиз чўк, ҳа, шундай, қани айт-чи, чиндан ҳам, қўрқяпсанми ё совқотяпсанми?

Ҳамид титроғини босолмай:

— Совқотяпман, — деди.

Танбал кўзини чирт юмди, очди, қуёшга қаради ва:

— Кет, Ҳамид, кет, кет!! — деб бақирди.

Ҳамид — "Ҳамидахон" эса қотиб туравергач, ўзи ундан узоқлашди — кетди.

\* \* \*

Алам-аччиқнинг боиси бор, бунга Ҳамид сабаб бўлди. Ўша куни туш маҳали раис чўпон отарлари томон кетаётиб, ҳашарчиларнинг чодирига тушиб ўтди. Ҳашарчилар — ўрта мактабни тугатган йиғирма чоғли бола, яқинда хизматдан қайтган Малик (у қишлоқ хўжалик техникумида ўқимоқчи) ва Ҳотам Танбал бошлиқ бригада. Болаларнинг барида ҳам бир бор шаҳар кўриш, ўқишни давом эттириш орзуси авж. Олий даргоҳга ҳужжат топшириш учун эса, шахсининг яшаш жойини тасдиқловчи бир парча қоғоз зарур. Таомил шундай. Раис буни тушунади. Шунинг учун ҳам ҳар йили қишлоқ Шўроси билан келишиб, болаларни чўлга — янтоққа сафарбар этади. Улуш белгилайди, уларга бир одамни бош тайинлаб жўнатади. Марҳамат, улушини бажарганга ҳужжат тайёр... Одатдагидек, бу гал ҳам текин хизматкорларга Ҳотам Танбал бош бўлди. У буни истамаса-да, чўлга боради. Чунки у раисга, колхозга қарам — колхозчи, унинг бундан бўлак касб-кори, мансаби йўқ...

Ҳотам Танбал... У ҳам бир пайтлар бола бўлган, орзу-умидлари қўл етмас, учқур эди. Аммо... Орзусининг кетидан қувмади эмас, қувди, лекин етолмади, орзуси орзулигича — тепада осилиб қолди — қўли етмади.

Танбалнинг бир армони шундан...

У ҳам бир пайтлар (гарчи тўрт синф илми бўлса-да) мактаб кўрган, муаллим кўрган. Мактабни тугатолмади, қўли калталик қилди, қари онаси-ю сингилларини деди, рўзгор деган ғор оғиз очиб, топганини ютиб турди. Ҳалигача шу-шу!

Танбал (у пайтлар лақаб олмаган эди) зорланмади, юрагини бировга ёрмади, халқумидагини зўрлаб бўлса-да, ютди. Заҳарми у, заққумми у — ютди, ютаверди. Ҳалигача шу-шу!

Унинг бир эмас, минг армони шундан...

Баъзида у ўйлаб-ўйлаб, ўқисам, катта одам бўлармидим деб ўкинади... Сўнг қўл силтайди, ўқиб осмоннинг эгаси бўлармидим, қўл-оғим бут, кўзим кўр эмас, шукр, ерда юрибман-ку, деб ўзини овутади. Бу ўй, бу галаёиларнинг босилганига ҳам анча бўлиб қолди. Танбал илгаригидек жўшмайди, қийналмайди. Рўзгори бут, ўзи кўрмаганини икки ўғли кўрар, тўнғичи шаҳарда, муаллим бўлмоқчи...

Ҳар йил саратонда учирма болаларга қўшилиб бир ҳафта янтоқ чопишга чиқади-ю, олисларда қолган хира армони қайта жунбушга келади, қийнайди. Болаларга ўзича куйинади, вақтни совуришяпти, буларнинг қўлига кетмон даста эмас, қалам тутқазиб керак, деган ўйга боради, лекин буни ҳеч кимга айтолмайди, айтган билан биров қулоқ осармиди. Қўлидан келгани — болаларни ўз ихтиёрига қўйиб, қийин-қистовга олмайди, жазирамада бошни қайнатиб, янтоқ чопинглар, демайди, неки ҳаракат, инсоф бўлса, болаларнинг ўзидан.

Раис келмасидан бир кун олдин у шомда болаларга:

— Эртага янтоқ чопмайсанлар! — деб буйруқ берди. Барини қуёш чиқмасдан илгарироқ уйғотиб, қўл-бетини ювдиртирди-да:

— Юртни ювиқсиз кўриш мумкинмас, тарқалинглар, — деди. — Сенлар эрта-индин учиб кетадиган полапонларсан. Менинг давримда бир ўйнанглар, тўйиб-тўйиб юртларингни кўриб, таниб қолинглар. Ҳозир қуёш чиқади, шошилинглар, ораларингда рассом бўламан, деганинг борми, қайсинг шеър ёзасан?

## НАЗМ

Алишер НАРЗУЛЛО

### ЮРАКДАН УЗИЛГАН ЮЛДУЗЛАР

БУ ТУПРОҚДА...

Бу тупроқда...

Умр каби меҳнатлар сингган,

Оч кўзлардек мозий йўлда

ётган чўзилиб.

Бу тупроқда...

Бир пайтлари шамоллар тинган

Ва иймоннинг оёқлари кетган узилиб.

Бу тупроқда...

Бир пайтлари баҳор келмаган

Чўққиларда синиб тушган яланғоч

ой ҳам

Ва яна бир аллақайси мунглиг саполда

Бир пайтлари  
Одам каби хор бўлган одам...

Бу тупроқда...

\* \* \*

Мен ҳали ўтаман бир куни  
бу йўлдан тиззалар сирқираб.  
Ланг очик шу эшик тагидан  
кўзимдан томчилар тирқираб.

Сен кетиб қолгансан қачонлар  
ахтариб топмайди кўзларим.  
Юракдан судралиб чиқади  
бандидан узилган сўзларим...

"Қайдасан, дарак бер қайдасан..."

О, еллар мен қайга кетаман?

Тўрт кулик дунёда кўксимдан

тирқираб қон оқса нетаман?..

Оқшомлар чиқаман кўп ғариб  
оқизиб кўзимдан ёшимни.  
Топмасдан қайтаман, Хув-в яланг —  
Эшикка ураман бошимни...

\* \* \*

Шовулламас тунда қамишлар,  
тутун чиқмас  
тунд мўриллардан.  
Ташқарида боғланган сигир  
Омон қолди хув ўғриллардан.

Тунда туриб шукр қилди кампир,  
Тилдан қўймай чиқди: "Оллоҳ...ни,  
Сўнг ухлади: тушида кўрди  
Йиғлаб турган Қобил бобони..."

### БИР КУН

Остонада умид йиғласа,  
Бир ношуддек қилсанг сен ҳазар.  
Қулоқлари кесилган итга  
Энг сўнгги бор ташласанг назар.

Кўзларингда умид йиғласа,  
Бир кун қайтсанг берк бўлса эшик.  
Қулоқлари кесилган итнинг  
Кўзларига қаролмасанг тик...  
Остонада умид йиғласа.

### КЕТМА

Кетсанг  
бу Хўжандда адашгум буткул,  
Куз юпун кўксимни кетар пичоқлаб.  
Дил ёниб, ўртада совиб қолса кул,

Мен кейин ки  
Хазоним  
бағримда титра  
Япроқлар изи  
Ва мени яла  
еллар: "Дарви  
Кетма.

## НИШУВ



Бу ингроқ дил, азоби оғир  
кириб келма,  
у сени қутмас.  
Асли армон бу — заҳил бағир  
Қора тунни хоҳодек ютмас.

Қобирғасин ёриб чиқар ғам,  
кечар,  
кечиб борар даъфатан...  
Олов каби қизариб кетган —  
кўзларида сарғайган ВАТАН...  
Кечар,  
Кечиб борар.



Кофарниҳон ҳайқирмайди, Баҳодир  
дилдираган чолдек...  
сокин оқади.  
Ун уч йилки Тўлгон кампир бир ўзи  
Чиллаларда йиглаб таппи ёқади.  
Кофарниҳон асов отмас, Баҳодир.

Зарчўққида чўпон ташлаб кетган  
Толнинг Сойини.  
Тоҳир чўпон тупроқ бўлган  
Давлатхол кампир,  
Қарғаб, қарғаб сўқир бўлди  
сафар ойини.  
Зарчўққида баҳор келмас, Баҳодир.

Тонглар эса отаверар оппоқ, Баҳодир,  
Хув қишлоқнинг соддагина  
кўчаларида.  
Келинлари эрларининг билагин кўрар  
Болаларин муштдеккина  
қўлчаларида.  
Шукр, тонглар отаверар оппоқ,  
Баҳодир...



Алишер Нарзулло — 1967 йил  
Тожикистонда туғилган. 1992 йил  
Хўжанд Давлат дорилфунунининг ўзбек  
филологияси куллиётини битирган.  
Ҳозир Ўзбекистон радиосида ишлайди.  
Алишернинг шеърларида руҳга куч-  
ли таъсир қиладиган, уни олам ҳақида  
чуқур мушоқаладашга ундовчи тирик  
оҳанг, сўз яратишга интилиш бор. Бу  
интилиш йўлида қозғога тушган сара  
сатрлар дунёнинг бир чимдим  
ёдуларига ўхшайди.

6 — Юрт, қайси юртни кўрамиз? — олдинга болалар Танбални мазах қилиб  
қулишти, устма-уст савол ёғдиришти. Бириси аямади:

1 — Яхшиси ухлайлик, шу янтоқзору қумтепалар юрт бўлса, тушимизда ҳам  
кўраверамиз...

Тагин бири:

— Анови, Шароф рассом бўлмоқчи, шуни бошлаб боринг, юртини кўрсин,  
таниб қолсин, — деди.

— Басе, каллаварамлар! — дея Танбал тутотди. — Кўриб турганларинг юрт  
бўлмай — нима, онангининг ковушимми?! Юртнинг тили бўлса, айтсин, мен юртман,  
деб қичқирсин сен тирранчаларга ўхшаб! Шунда ҳам сенлар бу жойларнинг  
тилига тушунмайсан, қадрига етмайсанлар... Қани, марш!



Болалар қуёш нурига тўйган барханлардан ошиб, саксовуллар панасига  
яширингач, Танбал чодир ёнида ўй суриб, ёлғиз қолди. Мўйлови сабза уриб  
қолган йигитчаларга унинг ҳаваси келди. Улар ҳали ёш, бола, ўйин-қулги бўлса,  
бас... Улар ҳали кўп нарсанинг фарқига боришмайди. Мана қозир ҳам Танбалнинг  
ниятини тушунишмади, кулишти. Кунлар ўтаверди. Тезроқ улғайсам дейсан,  
улғаясан, улғайганингни эса сезмайсан. Назарингда ҳеч ким, ҳеч нима  
ўзгармагандай: ўша ер, сув, дарахтлар, кўча, кўни-қўшни... Биров ўлади, кимдир  
туғилади. Яна мана бундай хавотир, йўқ, хавотирга монанд ҳаракат, гап-сўз:  
"Ун қиммат бўлармиш, ош тузини ғамлаб қўйиш зарур, кир совуннинг тори  
камайди..." Кунлар эса ўтаверади, ҳа, Танбал билган, кўрган кунлар... Кимдир  
сени алдайди, сен кимдир алдайсан, бари бир пулга қиммат. Ютасанми,  
ютқизасанми бунинг ҳам фарқи йўқ. Шундаймикан-а?.. Агар ақлингни йиғиб,  
ёлғиз ўтирсанг, атрофингда қуртдек сочилган кимсалар, уларнинг тинимсиз  
ғимирлашини, қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-суронни тепадан кимдир —  
улкан бир одам кўриб, кузатиб турганга ўхшайди.

Пастда эса оломон, навбат, тақсимот, ғийбат... Танбал навбатни билмайди.  
У анча бўлди, харид учун навбатга турмаган. Баъзида ўғли таътилга келганида  
пул керак бўлади. Кассирга учрайди, у палон куни келинг дейди йўқса, беш-олти  
кишидан сўнг навбатга туради. Бундай пайтда доим Танбалга малол келади,  
уялади, орланади. То гали етгунча оғирлигини гоҳ ўнг, гоҳ сўл оёғига ташлаб  
қисиниб, оладиган ҳаққини-ю, ўзини койиб, кассир белги қўйган қозғога қўлини ювади.  
Ростми, ёлғонми пулни ҳаром деб эшитгани бор. Сўнг уйига боради-да, камзулини  
қозикқа илиб, хотиними ё ўғли бўлсин, ана чўнтагимда пул бор, ол дейди...

Пул ҳақидаги ўйидан хижолат тортиб ўрнидан турди, гўё болалардан бирови  
Танбалнинг қулоғига "Юрт қолиб, пулга ўтдингизми?" дегандек бўлди.

— Э, йўқ, — деди Танбал ўз-ўзига, — мен навбат, тақсимот ҳақида ўйладим.  
Булар, бари сенларнинг пешонанга ёзилган. Мен... — у "баридан йироқ, четдаман"  
дегиси келди-ю, айтолмади. Навбат, тақсимот ҳақидаги ўйи, билган, эшитгани  
гўё кенг гардиш — ҳалқа бўлиб, Танбалнинг атрофини ўради. Танбал ҳалқага  
тушди.

...Кўёш чиқиб, болаларнинг олди чодир томон қайта бошлаганда, Танбал  
самоварга саксовул қалади. У ҳамон ўй-хаёллари таъсирида чўк тушганича оловга  
термулиб ўтирар экан, ҳалигина ҳис қилгани — ҳалқа калитини топгандек бўлди.  
Калит — қоринми, нафсми — шунга ўхшаш қиёфага кирди-ю ғира-шира юз  
кўрсатди. Ҳаял ўтмай у — калит Танбалнинг фикр-ёдини банд этди.

— Қорин, қорин! — дея шивирлаб ўрнидан турди-да, атрофга қаради: кенг  
саҳро, олисда афсонавий Ҳазор нур\* тепалиги, ундан нариса яна чўл — Қизилқум,  
бағри ҳисобсиз бойлик билан тўлган Қизилқум...

Зум ўтмай Танбалнинг гирдини ўраган ҳалқани бузиб, отлар, найза, қилич,  
қалқон билан қуролланган ёв лашкарлари ўтди. Сўнг яна отлар дупири, оқ  
байроқ, қизил байроқчилар, сўнггида киноларда кўргани бомба портлади, ёнидаги  
бархан титилиб сочилди: қуёшда олтин заррачаларидек товланиб Танбалнинг  
бошидан қуюлди. У қум остида юзгубан ётганича:

— Қорин, қорин! — дея шивирлайверди. — Қорин деб бу юртга лашкар  
тортганининг саноғи йўқ... Келган кетар экан, ахийри кетади, хароб бўлсин, хор  
бўлсин, мен кўмилган шу юрт, шу тупроқ қолади! Болаларга айтаман буни. Мен  
бир суякман-да, дейман, майли, тешишсин, итга ташлашсин, барибир қоламан...

Шукрки, қоринни танадан ажратиб ерга алоҳида кўмишмайди. Агар таомил  
шундай бўлганида, қорин ерни қам ер эди. Эшитгани рост бўлса, дастлаб,  
мурданинг ичи емирилиб заҳарга айланади, сўнг ана шу заҳар танани емиради.  
Бутун бошли одамдан бир ҳовуч суяк қолади.

— Эҳ, суяк, суякжон, сен менсан, сен ёлғизликка монанд яна юртга —  
Қизилқумга ўхшайсан... Дўстинг ташлаб кетса, ёлғиз қоласанми — қоласан.  
Инонганнинг суянмаса, сотса, ёлғиз қоласанми — қоласан. Ахир суяк Ватан бўлмай  
— нима, этмиди, тирноқмиди? Қоладигани суяк экан-да!

Танбал хўрсинди. У кўмилган тупроқнинг тили бўлса, айтсин, шундай эмасми,  
ё Танбал адашдими — у бир чаласавод-да. Йўқ, ер гапирмайди, у Танбалга  
қасдма-қасд бардошли, сўнг. Вақт етиб, болалар буни ўз кўзлари билан кўришади,  
қудуқ қазишса, ердан Танбалнинг кучи етишмайди... Умиди сўнгтанмас, лекин  
умид кимдан? Танбал шунисига гаранг, лол...

Кимдир "кўмилган" Танбалнинг елкасидан туртди ва:

— Эй, бригадир, — деди, — юрт конец — тугади!

Суяклари сирқираб ўрнидан турди, қараса, ёнида аскарча хўйлагининг ёқаси  
киндиғига очик Малик, болалар тиржайиб туришибди.

...Эртасига раис янтоқ ғарамларини кўздан кечирар экан, қовоқ уюб Танбал  
бошлиқ болаларни йиғди-да, танбех берди:



— Инсоф борми ўзи сенда-а, Ҳотам? Бу найрангбозларни ўйинга бошла келдингми?

Танбал одатича бўйинини қашиб жим тураверди, индамади.

— Гапирсанг-чи, тилинг борми оғзингда?

— Чопазмиз, шу... кўкламда қўй ёйилган эканми, сира баракаси йўқ...

— Ҳамма жой янтоқ, раис бова, тезроқ чопайлик, кетайлик, десам, булар... — кутилмаганда Ҳамид исмли бола тўдани ёриб олдинга чиқди, сирни ошкор қилди.

Танбал ялт этиб Ҳамидга қарадио қизарди, тагин бўйинини қашиди, ерга тикилди.

— Эшитдингми, бу боланинг гапини, — раис Ҳамидни кўрсатди. — Ўле, бу кунингдан! Онангни... сени!

— Онамни сўкманг, раис! — Танбал бўйиндан қўлини олди, қаддини ростлади. — Сизга янтоқ керак бўлса чопазмиз... чопаман! Аммо сўкишингизни қайтиб олинг, уятга қоласи!

Болалар бирин-кетин тарқалишди, Ҳамид эса раис томонга силжиб, Танбални зимдан кузатиб турди.

— Кимнинг боласи бу?

— Билмайман, ўзидан сўранг, раис, — Танбал қовоғини уюб, ҳансираб бурнидан нафас олар, кўз олди қоронғилашиб, қўлидаги таёғини қумга қаттикроқ санчар, таёқ қумга ботган сари унинг қадди ҳам эгилиб борар эди. — Ешимни, болаларни ҳам менсимадиз. Майли, онангиз ҳали ҳаёт, сўкишингизни қайтиб бўйингизга осдим...

\* \* \*

Оқшом Танбал болаларга қўшилиб овқатланмади. Томоғидан овқат ўтмади. Бир тишлам нонни оғзига солиб, ҳасса ўрнидан тутадиган таёқни қўлига олиб, чодирдан олислаб кетди. Юриб-юриб, бир бархан тепасига чиқди-ю, чўнқайиб ўтирди. Қўлидаги таёғини ой нурига тутиб томоша қилди. "Шу таёқча қадрим йўғ-е, — деб кўнгли бузилди, ҳассани синдирмоқчи бўлиб тиззасига тиради, букди. — Шуни бутун тутаман, эгмайман, десам, хўрлашади, ҳақорат устига ҳақорат! Синдирсам, эъозлашади, ярим мол, ярим жоннинг, яримта ноннинг қадри баланд! Тик турсанг — ўласан, эгилсанг — ўқ устингдан учади, эҳ, бутунликка ҳам ишонмадим, эгри йўл тўғри йўлга олиб чиқади, дегани шумикан ёки?.. У ниятидан қайтди — таёқни синдирмади, қумга тиккасига санчди. Ёнбош тушиб, унга термулиб ётди-да: "Омон бўлсам, сени бутун тутаман, эгмайман, — деди, — қўлимдан қўймайман сени..."

Ой ёғдусида барханлар зарҳал тусга беланди. Сокилик. Осмоннинг туб-тубида юлдузлар порлади. Шу чексиз маконнинг бир бурчида — чодирда Ҳамид тенгқурлари билан ётибди. У бугун тенгсиз жасорат кўрсатди ... Танбал икки қўллаб таёқча суянди. Унинг таёқ тутган муштларигина кўмилмади, панжаларини бўшатган эди, ҳасса бир қарич қумдан қоziққа ўхшаб қолди. "Мен сени қўйвормайман, — деб яна у "қозиққа" қўл чўзди, — суяйдиган, суянадиганим сенсан, мен сенинг ўғлингман! Ҳеч ким бир пулга олмаган Танбал ўглининг қасами шу, сўзи шу!..."

Кўп ўтмай Танбалнинг ҳўнграб йиғлагани, ўз-ўзи билан сўзлашгани эшитилди. — Муштдай бола жигарларини сотди-я, сотди! Янтоқ деб, бир парча қоғоз деб сотди. Отангга балли-е, Ҳамид...

Дарвоқе, у кимнинг боласи?

Болалар ухлаган маҳал чодирга қайтди...

Эрталаб болалар юмушга тарқалаётганида Танбал Ҳамидни имлаб чақирди.

— Шер, сен кимнинг ўғлисан?

Ҳамид бироз ўйлашиб тургач, отасининг отини айтди. Қайта сўради, у яна ўша номни такрорлади. Танбал ёқасини жуфтлаб, боладан нарироққа кетди. Ер чишиб хаёл сурди, ортига қайтди, зимдан Ҳамидга тикилди.

Танбал боланинг ота-онаси, ҳатто бобосини яқиндан танир, у ҳақда кўп эшитган, узунқулоқ гаплар рост бўлса, чолни Ўрмон полвоннинг бесоқоли эди дейишади... Қўрбоши Ўрмон полвон ҳақида Айний\*\* китоб ёзганмиш... "Э, кароматингдан, бу болада нима айб, — Танбал Ҳамиддан кўзини олди. — Бечора дейинми сени, шўрлик дейинми? Қонингда гуноҳ оқади сенинг... Энди мен кетай... Сен беморсан, болам..."

Кун бўйи юраги ғашланиб, Ҳамид ҳақида ўйлади. Болаларни ўз ихтиёрига ташлаб, уларга яқинлашмади. Гўё Ҳамиднинг хавф-хатар кутмоқда-ю, Танбал бундан гофил ҳам чорасиз. Ўйлаган сари боланинг бобоси ҳақида эшитганлари бот-бот ёдига тушиб, ўзини доҳас, бемор ҳис қилди. Бир зум бўлсин, кўз ўнгидан қишлоқ қариялари таърифлаган қўрбоши ва елкасига оппоқ сочиқ ташлаб эгилиб, Ўрмон полвоннинг қўлига сув қўяётган Ҳамидга монанд қорача, жиклакка бола кетмади. Туйқус чодирдан чиқди-ю, ўз-ўзига:

— Қон тортади, дегани шу-да! — деди. Бироз туриб:

— Йўқ, ҳовлиқма Танбал, — деб шивирлади, — бу гапни биров эшитмасин, эл-улус бор, номус бор, боланинг шаънига доғ бу гапинг.

...Минг ўйласин, андишага борсин, барибир, тинчимасин. Туриб-туриб "Синайман уни" деган хулосага келди. Кечга томон (кўпинча салқинда ишлашарди) болалар янтоқ чопаётган тепаликка яқин бордио Ҳамидни чақириб олди. Кўздан йироқ бархан панасига етишганда Танбал тўхтади. Ўзини мажбурлаб бўлса-да, ортидан эргашган Ҳамидга қарамасликка, бир хаёли аҳмоқона қилигидан воз кечишга, болани ортига қайтаришга рой қилди-ю, яна феъли айнади. "Яхшиси, кечаги айби учун жўраларига урдираман, ўзлари бошлаб таъзирини беришсин. Йўқ, — Танбал сўнгги важидан ҳам кечди. — Бобосидан ўтган касали рост бўлса, бу билан тузалмайди, қайтага, болаларга батар ўчакишади, кин сақлайди, бўлар-бўлмасга сотади..." — У жаҳл билан, тупурди-да:

— Ҳамида, Ҳамидяхон, — деб болани имлади. Уни атай қиз боланинг номи

Гурсунбой МАХАЕВ

## КЎНГИЛДАДИР ФАҚАТ ФАРОҒАТ

Жабр чекма излаб ҳақиқат,  
Фусса ютма, умр ғанимат.  
Соврилади олтин лаҳзалар,  
Чумолиллар биздан кулсалар...

Қорин дарди этар ҳалокат,  
Кўнгилдадир фақат фароғат.  
Жимгина кут, жимгина унут,  
Бўриларни йиғлатсин сукут.

"Оллоҳ, оллоҳ", дилда йўқ оллоҳ,  
Оҳ-воҳларда сузади нигоҳ.  
Куй бағрида ғарқ бўлгин, ботгин,  
Шаффоф булутларни уйотгин...

Томчиласин қирларга чироқ  
Севинади қонталаш тупроқ.  
Келар, келар излаб ҳақиқат,  
Бахтсизликнинг бахтсизлиги БАХТ!

## ХОТИРА

Зулматларда жудо меҳрдан  
Изларингни излаб юраман.  
Оёқ-қўлим гўё занжирбанд,  
Сенсиз энди қайга бораман.

Тунда ёлғиз қолган чоғларим,  
Ениқ ишқинг ҳамдард бўлади.  
Хувиллаган яшил боғларим  
Тун қўйинини армон чўлгади.

Сукунатни маҳкам кучаман,  
Хаёл кезар телба, сарсари.  
Остонадан ҳатлаб чиқолмай,  
Қон йиғлайди соғинч дардлари.

Сўзларимни эшитмас ҳеч ким,  
Қар ва соқов қолган бокира.  
Ёлвораман, кўнглимдан кечма  
Мени ташлаб кетма хотира.



Турсунбой МАХАЕВ 1958 йил Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган. Жиззах Давлат дорилмуаллимни тугатган. Ҳозир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилади. Шеърлари жумҳурият матбуотида ёритилган. "Ёшлик"да илк бор чиқиши.

## ТАНИШУВ



### Маҳфират ЖҰРАЕВА

1968 йил Сирдарё туманидаги Малик қишлоғида таваллуд топган. Ҳозир Гулистон дорилфунунида сирдан таҳсил олиш билан бирга Сирдарё муаллимлар тайёрлаш билим юртида ўқитувчилик қилади.

Шеърлари "Ёшлик"да илк бор ёруғлик кўрмоқда.

### МАНГУЛИКДАЙ ШОШҚИН ФАСЛЛАР

\* \* \*

Олисларда сарсон кезасан,  
Дилинг мафтун этмиш ёт эллар.  
Сендан мужда келтира олмас  
На булутлар, на озод еллар.  
Нелар топдинг? Меҳр, ҳарорат?  
Ё азиз дўст — севар, қадрлар?  
Менга эса мудом ҳамнафас  
Ҳажрингдан сўз очмиш сатрлар...

\* \* \*

Сўра, сўра — ким бўлдийкин у —  
Тирик зот ё шунчаки шарпа?  
Ўтар шундай ёнгинамиздан —  
Қарашлари қақшатқич зарба.

Ҳар сўзимиз эшитида жим,  
Ҳар қадамда кузатар беун.  
Кўрар — бизлар ўйламай-нетмай  
Нени қурбон қилдик, не учун?

Кўрар — қандай виждонни пуллаб,  
Қалбимизни босар ғам-андух.  
Кўрар — кўкдан меҳр кутамиз —  
Гуноҳимиз ювмай туриб ҳам...

\* \* \*

Олтин кузак эди,  
Учратдим сени...  
Сўнгра аста учунлади қор,  
Сўнгра қулди фалакда қуёш.  
Гуё мангуликдай туюлган  
Қандай шошқин фасллари биз  
Қандай бахтли, қанчалар беғам  
Яшаб қўйибмиз...  
Яна олтин кузак, ай, ғариб —  
Келди, барин олди қайтариб...

билан чақириб, орини қўзғамоқчи — бу билан кечадан бери ором бермаётган ўй-хаёлларию, Ҳамиднинг қавми ҳақидаги оғиздан-оғизга кўчиб юрган маломатнинг рост-ёлгонлигини болада синаб кўрмоқчи, билмоқчи бўлди. Унга жавобан Ҳамид бир сўз демади, аввалига "ҳи-ҳи"лаб жилмайди, сўнг ҳадиксираб яқинлашди.

"Э, кароматингдан, тавба қилдим, гуноҳга ботмай тагин, — Танбал ўзидан-да жирканиб яна қумга тупурди, ҳечқиси йўқ, — деб далда берди ўзига, — ўзим даволайман бунни, тузатаман..."

— Этигимни торт! — у қумга ёнбошлаб, ўнг оёғини Ҳамидга узатди, Ҳамид тиз чўкиб, Танбалнинг этигига қўл чўзди. "Башарасига телсам" кўзини чирт юмиб, ижирганди Танбал. Кўзини очганида этиги Ҳамиднинг қўлида турар эди. У шу куйича бошини қумга қўйди-да, иккинчи оёғини узатди. "Э, кароматингдан, — деб ранжиди, — дунё дунё бўлсанг, сирингни пинҳон тутмада, мен англаб кетай, агар мен одам бўлсам, сен ҳам кимлигимни бил-да!.. Мана бу бола, мана бу Ҳамид ким бўлди? Уни синашга ҳаққим борми менинг? Йўқ! Ҳа!"

Уни "Ҳа!" йўлдан оздирди. Шимини тиззасига довр тортдида:

— Оёғини уқала, Ҳамидаҳон, оёғини уқала, — деди. Кўзини юмиб ётди. Қайноқ қум азойи-танини қиздирди. Бармоқлари мушт бўлиб тугилди. Шу ер — Танбал чўзилган, Ҳамид эса унинг узатилган оёғини уқалаб ўтирган ер иккисига ҳам тенг, бир хилда қадрдонми? Ер деб бош қўйган сароб ё бир рўемасмикин? Йигирма чоғли боладан нега ёлғиз Ҳамид Танбалнинг оёғини уқалайди? Ҳамид... Ҳамид... Сен кимнинг боласисан?..

\* \* \*

Тунда у чодирга яқин қўйилган йиғма каравотида босинқираб уйғонди. Тушида Танбални ечинтириб, қора кигизга ўрнашган, тақир супада думалатиб, тепиб-тепиб очисаки, танасида ёпишган узук-юлуқ намат парчалари тушмасмиш. Оёқ остига ёйилган кигиз эса илма-тешик...

Танбал баданига чиндан ҳам кигиз нимталари илашгандек, жон-ҳовли кўкраги, оёқларини сийпалаб кўрди. Кўнгли бир қадар таскин топиб, қайта-қайта "шукр" деб жойига чўкди. Бош учига қўйиб ётган таёғига қўл чўзди. Қайта ухлаёлмади. Наридан бери юриб, туши ҳақида ўйлади: "Ҳосиятсиз туш кўрдим, қилмишимга яраша жазо бу туш... Танбал, сен худомидингки, Ҳамидни синасанг, отаси бўлак, онаси бўлак, сен унга бор-йўғи бир ҳафта, ошиб борса, ўн кун бош-қош..."

Юриб-юриб шундай важ топди: "Раис сўкмасин эди. Шу тирранчаларни деб, раис онамни... Э, барига онагар Ҳамид сабаб бўлди. Тусига... шу бир парча қоғозни, сабр қил оласан, шаҳарга ҳам борарсан..."

Пешинга яқин Танбал Ҳамиддан яна бир қўср топди: "Овози ипақдай, аёлтахлит". Уйлаб-ўйлаб, бунинг чорасини ўзича топган бўлди. Тушликдан сўнг болаларга Ҳамидни улкан саксовулни қучоқлатиб боғлатди-да, буюрди:

— Ҳамиднинг гуноҳини биласанлар-а, чақимчилик айб эмас — гуноҳ, оғир гуноҳ! Ҳар қайсинг қудуқдан икки челақдан сув торт. Бошидан қуямиз, гуноҳи ювилсин...

Сув тўла биринчи челақни Танбал қўлига олатуриб, Ҳамидни огоҳлантирди: — Сен қўрқма, Ҳамидаҳон, мен ва жўраларинг бир бўлиб, сени даволаймиз. Шамоллаб очилсанг, овозинг йўғонлашади, мана булар тахлит дўриллаб гапирасан. Шунда сени Ҳамидаҳон эмас, Ҳамид деб чақираман.

Бошидан қирқ челақ сув қуйилгач, Ҳамидни саксовулдан ечишди. Танбал уни офтобда турмасин, деб бир ўзини чодирга қамади, қочиб кетмаслиги учун икки тенгқурини қоровулликка қўйди. Эшикда туриб, муолажа йўригини тушунтирди:

— Ҳамидаҳон, совқотиб аксирсанг — бўкир, уялма, зўриққанингни ҳеч ким эшитмайди. Тамоғ-парданг йиртилса, овозинг гулдираб чиқади. Сал қулоғингга зўр тушади, зарари йўқ, зато эркакка ўхшайсан...

\* \* \*

Танбалнинг одатлари бор бўлсин, "за то" деб сўзлашни у ошнани Мўмин Носирдан ўрганган. Сал бўлмаса, бунни унутмаёзди. Сафга аскар бола Малик қўшилди-ю, у яна "зато"ни ёдига солди. Ҳотам номига қўшиб, Танбал дейишса-да, у жуда нозик феъл. Қишлоғида шаҳар кўрган, палончиман, деса, кишининг ҳаваси қўзғайдиган ҳамтенглари йўқ эмас. Шундайлардан бири ошноси — Мўмин Носир. Аслида у билан ошначилиги йўқ, шунчаки тенгқур, қишлоқда бирга ўсишган. Унинг тўлиқ исми-шарифи — Мўмин Носир Хусанқул ўгли. Бирда район пахта режасини бажарганида ҳаваскор қаламкаш билан ҳамкорликда шеър битиб, остига М.Н. Хусанқул ўгли деб имзо чеккан. У талай касб-корга ўралашди, охирида бахти чопдими ё кургурнинг ўзи зўрми, район рўзномасида муҳаррир Уринбосари лавозимига минди. Сал оқсаб юриши — бир оёғининг калталлигини айтмаганда, ўзи суқсурдай йигит. Оқсоқлигига аввало ўзи, сўнг нафси сабаб бўлган. Болалигида тути ейман деб дарахдан йиқилган... Майли, шўхлиги ўз йўлига, олифталитини денг, улғайди ҳамки, шу-шу! Кўк барра теридан тикилган қулоқчинини қошига довр бостириб, қаддини тик тутиб юрсами, Мўминга тенг келадигани йўқ. Тополмайси. Масъул идораларда, мажлису йигинларда ўзини тутишга чоғлайди-ю, лекин оёқ оқса са қийин экан, қад улгур ҳадеганда роининга бўйсунмайди. Оёқ босганида, елка бешиқдек тебраниб, Мўминни узоқдан элга ошкор этади, танитади. Майли, гап бунда ҳам эмас, бўйинг пакана бўлсин, оёғинг чўлоқ-кичкина амалинг бўлса, бас экан, ҳеч ким Мўмин Носирни чўлоқсан деб бетига солмайди. Орқаваротдан бир-ярим шундай гап эшитган, лекин ўзини эшитмаганга олган. Рост-да, гапи бўлса, қўрқмаса, юзига айтсин. Шундай деймиз-у, барибир, тўғри гап отанга ҳам ёқмайди. Тўғри гапни айтмаган маъжул. Мўмин Носир бу ҳақда хўп ўйлаган, ўйлаб-ўйлаб шундай хулосага келган. Беайб парвардигор, деганлар. Мўмин Носир ҳам ўзига яраша хислатли одам-у, баъзида

бошлиғига тақлид қилади. Бошлиқ бировни кўр деса, кўр дейди, кал деса, кал. Ўзининг эса кимлигини унутди. Шундан уни Лаққа, Лаққа балиқ ҳам дейишади. Ҳотам Танбал унинг сузганини кўрмаган, лекин айтишларича, Мўмин сувда тиккасига сакраганида, унга бас келиш мушкул. У сувда кўп ўйин кўрсатган, томоша берган, териси силлиқ — сирпанчиқ, қўлга турмайди, қочади. Бир балиқ бўлса, Мўминчалик бўлар. Одамлар қизиқ-да, сувда сузиб юрган балиқни ҳам тинч қўйишмайди-я? Йўқса, Лаққа балиқ билан Танбалнинг ошнаси Мўмин Носир ўртасида қанча фарқ бор?

Булар бари ўтиб кетаверсин, Мўмин Носирнинг айтса, айтулик фазилати кўп: бири — бошлиғи хушламаган кишини ўзининг душмани деб билади. Йигит шундай бўлиши керак. Гапига кирадиган жўраларига шундай ўгит берган, Танбал буни ўз қўлоқлари билан эшитган: "Хас бўлсин, хашак бўлсин, бошлиқми — бошлиқ. Бетига қарама, юзига сапчима, гапини гап де, бажар, бошингни эг..." Ҳеч ким Мўмин Носирга бу ўгитларни ўргатмади, кирои донолигидан ўзи уққан. Мўминнинг донишлиғи шунда. Шундан уни бошлиғи ҳеч қозикдан ечмайди, қўйвормайди, ёнидан бир қадам бўлсин, силжитмайди. Йўқса, теваракда одам камми, мўмину муслимликда Мўмин Носир танҳо.

Бошлиқ ҳам бегонамас, ҳамқишлоқ, отаси қазо қилганида қишлоқчилик, урф-одат — барча қатори Ҳотам Танбал ҳам таъзияга борди. Кўрсаки, дарвозахонада азадорлар қабатида Мўмин Носир ва яна бир сариққина бола (бошлиқ унда ўзининг "иқтидор"ини кўради) тўн кийиб, бел боғлаб туришибди. Танбалнинг кулгиси қистади, лабини тишлади, зимдан улларга қараб ўтди, ўзича тавба қилди: "Ҳеч кимни худо шу кўйга солмасин..." Одатда, марҳумнинг энг яқинлари бел боғлаб, тўн кийишади, аза тутишади. Мўмин Носир сариққина бола марҳумга на ўғил, на қавму қариндош? Танбалнинг боши қотди. Мулла тиловатини тутатди ҳамки, сезмай мум тишлаб ўтираверди, охири кимдир уни туртди...

Чикаётиб у ошнасида ҳол сўраган бўлиб, қўлоғига:

— Қутлайман, отанг ўлибди, — дея шивирлади. "Азадор" сариққина бола кўришмоқчи бўлиб, қўл чўзган эди, Танбал кўрмаганга олди. Ким билсин, қўли ҳалолми, ҳаромми? Шу пайтдан Мўмин Носирнинг йўлини тутибдими, унга ишониб мушкул...

Йўл бўйи "Уялмайди булар, буларнинг ҳазар қилгулик нуқси бор, — дея ранжиди. — Дунёни бузса, шулар бузади, қачонки, бошимга осмонни ташласа, шулар ташлайди. Катталиқ шу бўлса, кечдим, ўн марта, юз марта кечдим!" Танбал уйига етгунча ошнаси Мўмин Носирга кек сақлаб, шаънига аччиқ сўзлар ёғдирди. Алами босилмади. Хотинига кўк чой буюра туриб:

— Мўмин Носирнинг отаси нечта? — деб сўради.

Аваллига хотини тушунмади, гапи жавобсиз қолди.

— Кармисан, сендан сўраяпман?

— Мен қайдан билай, қадрдон ошангиз — сиз биласиз!

— Ошна дема-е, сатқан ошна кетсин! Мен ҳам билмапман, бошим гаранг.

— Танбал хаёлга толди: "Бундайларнинг отаси кўп, жинси номаълум. Ҳазар қилгулик булар, барининг зоти паст..."

Шунақа, Танбалнинг одатлари бор бўлсин, Ҳотам номига тиркаб Танбал дейишса-да, у жуда нозик таъб...

\* \* \*

Эртасига Танбал кутган мўъжиза юз бермади: Ҳамид шамолламади. Ташқари иссиқ, чодир ичи салқин, Ҳамид тўшакка ўраниб ухлаган, шу ётганича болалар кечликка қайтган маҳал озодликка чиққан эди.

...Танбал Ҳамидга, Ҳамид Танбалга ўчакишмади — у нима деса, бола бажарар, натижа эса бир хил, кутганининг тескариси бўлиб чиқарди.

— Нима бало, умуртқанг йўқми сенинг, одаммасмисан, гапир, кимсан?! — Танбал қумда ялангоёқ турганича ўшқирди. — Урсанг-чи мени, сўксанг-чи ярамас, ахир бунча хўрламанг мени?!

Ҳамид Танбалнинг бир пой этигини чангаллаганча мўлтираб турар, Танбални тушунмас, қочини сўқишни хаёлига келтирмас эди. У боланинг қўлидан этигини юлқиб олди-да, юзига тарсаки тортиди. Ҳамид қумга ағанаб, заиф ингради.

— Овозинг бор экан-ку, номард, сен ҳам йиғларкансан, одам экансан-ку! Йиғла, қаттиқроқ йиғла, жўраларинг эшитсин!

Инграган овоз тинди.

Танбал уни шу кўйи қолдириб, ортига қарамай кетди. Чоғроқ саксовул соясида ёнбошлаб нафас ростлади. Тўйиб тамаки тортиши келди. Чекмасди у. Бир пайтлар ҳавасга — бирсўларга тақлидан чеккан. Гоҳида ўша кунларни хотирлаб "рост-ёлгон кунларим" деб мийиғида кулади. Нима бу — ёшликми, ҳавасми ё бир ўзга кунга ташналик, ўзни тайёрлашми? Ўйлаб қараса, ҳеч нимани ҳатто чекишни ҳам урдасидан чиқмаган. "Ношуд, ношудман, — Танбал алампидан қуриган қакра шохчасини чайнаб тупурди, — эҳ, умрни ёлгонга беладим. Ношудман! Шу кунгача рост-ёлгоннинг фарқига бормай, умрим сув қўйгандек жимжит, беҳавотир, сокин кечди. Мени ҳеч ким сўрамади, мен ҳеч кимни сўрамадим. Ҳеч кимга даъвом йўқ менинг! Аслида-чи?.. Вақт етиб, рост кун сени худодай қаршиларкан. Тили йўқ гўдакдек, нима қилишингни билмайсан, ҳайратдан ёқа жуфтлайсан, шундан бошқага ярамайсан. Ношудман, ношуд!.."

Қизиқ, қўлга чиқмасидан сал илгарироқ у аёлига ғалати гап қилган: "Хотин, кимнидир ургим, бўггим келади". Хотини эса қулиб, "Мана, менда ўша урадиган, бўгадиганингиз", деди. Танбал туриб-туриб "Сен тушунмайсан" дея мингирлаб қўйди. Тўғри-да, ўзи тушуниб, тубига етмаган ҳолни хотини қайдан билсин, тушунсин? Инсоннинг феъли ғалати. Бирда у ҳафтанинг етти кунинда ҳам ичиб, кайф бўлиб юрадиган ёғочор уста Мустафониң "Рухсат берсанглар, космосга учардим" деб Москвага хат ёзганидан дохил бўлиб, устидан кулган эди. Мана

## НАЗМ



### Туроб НИЁЗ

1959 йил Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Қоратош қишлоғида туғилган. 1985 йили Тошкент Дорилфунунининг журналистика куллиётини битирган. "Муҳаббат осмони" номли шеърлар тўплами нашр этилган. Айни пайтда Ўзбекистон радиосининг Адабиёт, маданият ва санъат муҳарририясида хизмат қилади.

## САМОГА САНЧИЛГАН ГУЛЛАРИМ

Сабр ҳақида икки шеър

I

Сариқ олтин сабрнинг таги,  
Бу ҳикматда йўқ зарра фириб.  
Фақат сабр қилган вақтингда  
Олтинингни қўйма олдириб.

II

Сабр — яхши, сабр — соз —  
Топажаксан бахтингни.  
Аммо қанча қишу ёз? —  
Билиш керак вақтини.

## ҲУЖЖАТ

(1938)

Бу қўлларда қоннинг доғи бор,  
Наҳот тоза қўллар қолмаган?!  
Бу ҳужжатда кўпнинг номи бор,  
Бахтиёрдир номи бўлмаган.

Ҳаёт, гоёт синовинг оғир,  
Бунга кўплар беролмайди дош...  
Бу ҳужжатни ўқиса ахир,  
Қайта чиқмай қўяди қуёш.

## БАҲОР

Баҳор менинг шодлик, қувончим,  
У келган чоғ тарқар ғамларим.  
Баҳор менинг яқин суянчим,  
Масрурликда кечар дамларим.

Уни ёзга бергим келмайди,  
Қолса дейман ёнимда абад,  
Ёз ҳам уни менга бермайди,  
Ёз ҳам унга қўйган муҳаббат.

### САМАРҚАНДДА

Юрагимга ғурур кўчади,  
Нигоқимга тўлади ҳайрат.  
Хаёлимда ўтмиш кечади,  
Кўз ўнгимда тарих тиклар қад.

Бибихоним ва Шоҳизинда,  
Гўри Амир, Шердор... минорлар  
Муъжизалар эрур — заминда —  
Боболарим эккан чинорлар.  
Нимагадир йиғлагим келар  
Обидалар қошида тўйиб.  
Мен уларни тинглагим келар  
Пойларига бошимни қўйиб.

### БАХТ

Сен бахтлисан, жуда бахтлисан,  
(Балки менга шундай туюлар).  
Шунга лойиқ, шунга ҳақлисан, —  
Ўзаёлларнинг омади кулган...  
Сендан ҳеч не қилмасман талаб —  
Тилагим шу: омон бўл фақат,  
Юзларингга термулиб, қараб  
Юришимнинг ўзи улкан бахт.

## Аслият

Курт ШВИТТЕРС,  
Олмон адиби.

### ALPHABET VON HINTEN

(Тескари алифбо)

zyx  
wvu  
tsrq  
ponm  
lk ih  
g fe  
dc ba

Луи АРАГОН  
Фаранг адиби

### SUICIDE

(Ўз жонига суиқасд)

Abcdef  
ghijkl  
mnopqr  
stuvwx  
zyx

энди ўзи... кимнидир калтаклагиси, бўғтиси келиб, хотинига дардиқол қилиб турибди. Биров ишонармиди бу гапга? Ишонса нима — осмон узилиб ерга тушармиди?

Сўнгги кун у хотинига "Жимлик жонимга тегди! — деб бақирди. — Гўнг титиб, молга қарашдан бошқа ишинг йўқ, тилинг борми сенинг? Сен ҳам бундай хотинга ўхшаб жаврасанг-чи! Эки рўзгоринг бут, оғзингдан ёғ оқизаяпманми?!" Бу гал у "Дами ўткир бир мулла топиб, ўзингизни ўқитинг, отаси, — деди. — Сизга жин-пин йўлиққан..."

"Кошки эди... Бошқаларга йўлиққан жин мени кўрмайди ҳам..." Танбал ҳафсаласи пир бўлиб далага отланди. Оқшом "Эртага чўлга кетар эканман" деб кириб келди.

"Сен менинг кўзимни очдинг, Ҳамид, барибир, кўрман-да, кўр! Қўлим қисқа менинг... болам. Йўқ, сен болам эмассан. Бегонасан, менгада бегона, юрт деб сизинганим шу чўл, тупроққа бегонасан!"

Томоғи қақраб, ютинди. Тирсагини қумдан кўтарди. Яқин атрофда сув йўқ, чодирга боришга эринди. Бугун оддий сув ҳам Танбалдан йироқ. Кераклиси ҳамиша ҳам ёнингда муҳайё бўлавермас экан. Керакли ҳар бир хасга қўл чўзасан, у эса... "Керак ҳам гапми, — Танбал бор аламини йиғиб яна Ҳамидга сочди, — раҳбар бўлади бу бола, ошман Мўмин Носирдек, йўқ, ундан ўткирроқ, дами кескир раҳбар бўлади бу бола!..."

Энсаси лўқиллаб кўзини юмди. Пешонасини биллагига тираб, қумга чўзилди...

\* \* \*

Кенг, узун хона. Деворда дунёнинг сиёсий харитаси, яна кимнингдир сурати осиглиқ. Тўрда савлатли ёзув столи, стол устида тарвуз палласидек қора муҳр. Ҳамид ўнг қўли билан муҳр дастасини маҳкам сиққанича, оғирлигини курси суянчигига ташлаб, таъзим билан бош эгганларга кўзлари ёниб қарайди. Ниҳоят, Ҳамид ўрнидан турди. Таъзимдагилар кичрайди — митти ҳамқишлоқлари, тенқур синфдошларига айланди. Ҳамиднинг боши шифтга тегай деди, белида камар, камарида узун гилофли қилич осиглиқ. Хона бўйлаб наридан-бери юрганида пол "тақ-тақ" этиб овоз чиқаради. Туйқус йиғилганларга қаради-да, ўртада тўхтади. Кутилмаганда, у қиличини қинидан суғурди, хона бўйлаб сочилган митти ҳамюртларини бир-бир имлаб чақира бошлади. Миттилар чувиллашиб бир бурчакка сиқилишди. Юрак ютиб ҳеч ким Ҳамидга яқин йўламади.

— Барингни чопаман, қираман! — у ғазаб билан сапчиди-да, тўдага қилич солди. Хонани дод-фарёд, қарғиш қоплади. Миттиларнинг фарёди ҳадеганда тинмади. Хонада овоз билан қўшилиб қон оқди.

Ҳамид тагин қилич яланғочлади.

— Тўхта, тўхта ноинсоф! — қилич дамини Танбалнинг овози тўсди.

— Уф, чарчадим, булар бунча кўп, буларни қириб тугатолмайсан!!! — Ҳамид овоз келган томонга қайрилди, қилич учини полга тираб, қад ростлади. Омон қолган сўнгги митти Ҳамиднинг оёғини қучди. У оғир қиличини миттининг устига ташлаб, полга ётқизиб қўйди.

— Мени танимаяпсанми Ҳамид? — овоз эгаси ўзини танитди, — Мен Ҳотам Танбалман! Қарғишга қолдинг, сен касофат, жигарларингнинг қонини ичдинг!

Ҳамид совуқ жилмайди-да, эгилиб қиличини олди, полда типирчилаб ётган сўнгги миттининг юрагига санчиб, Ҳотам чолни имлади.

— Чопмоқчимисан? — чол ҳайиқмай Ҳамид томон интилди-ю, оёғи полдан узилмади, қараса, тўпигигача қонга ботган.

Кўз очиб юмгунча Ҳамиднинг қонли қиличи Ҳотам чолнинг боши узра пайдо бўлди.

— Майли, чоп, чоп Ҳамид, қондошларинг битган тупроқда мен яшаймики— мурод ҳосил бўлсин?!

Ҳамид қаҳрли тиржайди.

— Шошма, — Танбал қўлини кўтарди, — сўнгги сўзимни айтай. Сен кимнинг ўғлисан? Ўшанда раис сўраганида ҳам билмаган эдим. Ҳозиргача билмайман.

Ҳамид деворга осиглиқ суратга ишора қилди.

Кимнинг сурати бу, Ҳотам Танбал билмасди. Сўнг у боши узра кўтарилган қиличга термулиб сўради:

— Сен бу қилични қаердан олдинг?

Жавоб ўрнига Ҳамиднинг қаҳқаҳаси қулоқни қоматга келтирди. Туйқус Ҳотам чолнинг кўз ўнгидан колхоз томошахонасида кўрганлари — эски кийим-кечагу занглаган қиличлар, мис кўнгироқчалар, бешик, жувоз кундалари ўтди.

— Йўқ, мени ўлдирма Ҳамид, қама, яхшиси, хонангни томошахонага айлантир-да, қама! Дуо қиламан. Бандалар... Худонинг тирик бандалари қали кўп, узоқ-яқиндан мени кўрмаган, билмаганлар келиб кўришади. Унда сен баланд курсига ўтирасан, мартабанг улуг, қиличинг ўткир бўлғай! Улар — келганлар мени сенинг яқин қавминг, оғанг, бобонг деб эмас, сўнгги саҳройи деб томоша қилишади. Сийлашиб, қанд улашади, мен эса қанд емайман, Ҳамид, емайман! Фақат панжараларни қўл сиққулик қилиб буюр, уста янглишмасин... Мен...

— Бас! — Ҳамид тиккасига қилич солди. Ҳотам чол тенг иккига бўлиниб, танаси икки ён деворга тиркалиб қолди. Нечундир қон оқмади.

— Қон чиқмади-ку, ёмон, ёмон, бу, охири ёмон бўлади... — Чолнинг синиқ, бўлинган овозидан Ҳамиднинг қилич тутган қўли бўшашди.

— Ҳой, ким бор?! — бақирди Ҳамид.

— Мен, мен, мен...

— Уф, чарчадим, ўлиб битмайди булар, булар бунча кўп...

Ҳамид бор сабру тоқатини тўплаб, қиличга қўл узатди. Шу асно қулоқларига синиқ бир хўрсиниш эшитилди, сўнг қулоқлари битди, Ҳотам чолнинг нима деганини эшитмади...



## МОЗИЙДАН

### ЗИЁ ГЎШАСИ

Танбал терга ботиб уйғонди. Чўчиб атрофига қаради. Оёқ учиди кетмон дастадек чипор илон бошини тик тутиб турибди.

— Рост, ҳақроост, — деб ютинди Танбал, — тушим алдамайди мени, раҳбар бўлади бу бола! Ёлгон бўлса, сен айт! — илон бурилиб кумга шўнғиб кетди.

\* \* \*

Каловланиб ўрнидан турди. Чодирни мўлжаллаб олиб кетди. Кун оғиб, болалар енгил тамадди қилиб, энди ишга киришишган пайт эди. У чодир ёнида бир пас ўй суриб турди-да, сўнг гарангсиз янтоқ гарамлари бўйлаб юрди. Ҳамидни топди.

— Ортимдан юр, — деб йўл бошлади. Йўл бўйи ёнида ҳеч ким йўқдек, ўз-ўзига сўзлаб борди:

— Энди этигимни ечтирмайман. Сени Ҳамидой деб қийнамайман. Ҳар кимга ўзи инсоф берсин. Ҳар кимки ўзини одам санаса, у инсофнинг боласи. Сен кимнинг боласисан-а, Ҳамид? Тунов куни раис шуйтиб сўровди, мен билмайман, раис, ўзидан сўранг, дедим. Сен раҳбар бўласан Ҳамид, ишонмасанг, илондан сўра...

Танбал ҳушини йиғиб, пойма-пой гапларини тўхтатгунча, Ҳамиднинг ранги бўзарди. Танбал ҳар кунги Танбалга ўхшамас, бир қадар мулойим, шафқатли кўринса-да, барибир, нимаси биландир кўрқинчли, гўё Ҳамидни номаълум, мақсадсиз манзил томон етаклар, ҳайратини ошироқда эди. Кетаётиб, саксовул шохидан синдирди-да, Ҳамиднинг қўлига тутқазди:

— Бугун мени бошлаб калтакла, бир роҳат қилай.

Таниш манзилгоҳга етишганда тўхташди. Танбал эски жойига чўкди. Ўтиришгандан ўтиришди. Танбал жим, Ҳамид жим. Бир пайт Танбал сўз бошлади:

— Энди нима қиламиз-а, Ҳамид?

Ҳамид елка қисди, индамади.

— Эса, мен ёздирган гапни такрорла:

— ...

— Эсингдан кўтарилдимми? Мана бундай: "Онангни менга берасанми-а? Гапир". — бу менинг гапим. Қани, энди сен жавобингни айт, ҳа!

— ...

У Танбал ёздирган жавоб — ўз сўзи ўрнига қимтини:

— Анави, Малик янтоқ чопмайди, тўп тепамиз деб болаларни қийнайди, — деди.

— Нима? — Танбал гўё қудуққа тушиб кетди. Чўкаётиб, боши тош деворларга урилиб, чатнади — ўтирган жойида мувозанатини йўқотди, кулоқлари шангиллаб битди, очилди... Ҳамидга сездирмаслик учун атай пешонасини сикди. Бироз ўзига келгач, ҳолатини ўзгартирмай:

— Яна кимлар янтоқ чопмайди, дангасалар борми? — деб сўради.

— Сулаймон, Баҳром, Усмон, Султон...

— Бас, бас! — Танбал икки қўлини бошидан юқорига кўтарди — таслим бўлди. Ҳамид эса ҳамон ўша, мунгайган қиёфада исм санар, исм сотар, исм ер эди.

"Ғаффор, Зоҳир, Олим, Ўқтам..." — Танбалнинг дод солиб қочғиси келди, қаршисида қимтгайиб, ер қизиб ўтирган Ҳамиднинг оғзидан чиқажак сўзлар ўтли ҳалқа бўйнига тушди, сикди. Туролмади. Назариди, юраги шишиб, кўкси оғирлашди, оғзидан ҳаво симирди. Йиқилмаслик учун қўлларини ёнига тираб, илк дафъа Ҳамидга ҳадик билан кўз ташлади. "Бу болани енгши қийин, бу бола эмас, маҳлуқ, худонинг юборган маҳлуқи, бу мени ўлдирди!" — ютиниб бошини ортга ташлади-да:

— Ҳамид, Ҳамиджон, — деди кучаниб, — яқинроқ кел.

Ҳамид Танбалнинг ёнига сурилиб, буйруқ кутди. Индамагач, секин этигига қўл узатди, болдирини ушлади.

"Ё кароматингдан! — Танбал сергак тортиб, бошини кўтарди. — Яна қандай ҳақорат, кир сўз қолди мен айтмаган?! Калтак кор қилмаса, гап кор қилмаса — ким бўлди бу мараз??? Тўхта, охири бор синай, қани..."

Танбал оғриниб жилмайди. Ҳамид янада яқинроқ сурилди.

— Ҳамидой, Ҳамида, — шивирлади Танбал — бетингни тут, бир ўпай...

Ҳамид — "Ҳамидой" аввал юзини, сўнг елкасини буриб, Танбалга қиялаб қаради.

"Бир лозиму рўмол кам", — деб ўйлади Танбал Ҳамиднинг ноз билан товланишига минг бор тавба қилиб.

— Кел, уялма...

Ҳамид тагин бир бурилиб, бетини тутган эди, ўнг юзи Танбалнинг тупуғига беланди.

— Кет-е!... — у шайтонга ҳай бериб, ўрнидан турди, — Тавба қилдим, тавба қилдим, онасида гуноҳ йўқ, онасида гуноҳ йўқ... Қаршисида ғариб, мунгайиб ўтирган Ҳамид зимдан нафратини қўзғар, жимликда ўтаётган ҳар лаҳза ҳали иккисига ҳам номаълум фалокатдан мутлақо йироқ, нари борса, Танбалнинг кундалик машғулотини — этик ечиш-у "Онангни менга берасанми-а?" ни тагин ёздиршидан дарак берар эди.

Кутилмаганда самолёт учиб ўтди. Танбал тепага қараб қолди. У

Ўтмишда алломаларимизнинг аксарияти биз йиллар давомида қоралаб келган мадрасаларда таълим-тарбия олишган.

Абдурауф Фитрат таъкидича, биргина Бухоро мадрасаларида ўқиганлардан 400 нафари жаҳон илм-фанига сезиларли ҳисса қўшишган. Маълум бўладики, мадрасалар қолақ, ҳаддан ташқари саводсизликка асосланган, отигагина илм маскани бўлмасдан, Шарқда энг табаррук ва муқаддас ўқув даргоҳи, алломалар бешиги бўлиб келган.

Юртимиз мустақилликка эришиб, миллий ўқув тизимимиз шаклланаётган айна кунларда асрлар синовидан ўтган мадрасалардаги ўқув услуби ва шароити обдон ўрганилса, бу ўқув даргоҳидаги энг яхши томонларни янги таълим жараёнида жорий этилса, бизнингча, бу фақат фойдали бўлади.

Ўрта Осиё мадрасаларида ўқув-тарбия жараёни диний руҳда бўлиши билан бирга илмий нуқтаи назардан анча кенг қамровли эди. Уларда таълим 20-25 йил давомида берилган. Улаштириш талаби қаттиқ бўлиб, агар талаба бир китобни яхши ўрганиб, домласи синовдан ўтмагунча, иккинчи бир мураккаброқ ҳамда билимини юксалтирадиган қўлланма таҳсилга ўтолмаган. Ўз навбатида талабалар ҳам илмга чанқоқлик кучли бўлиб, домла дастурида бўлмаган рисола ва асарларни ҳам қизиқиш билан ўрганишган.

Мадрасада ўқитиш уч босқичга бўлинган: биринчи босқичда 7-9 йил давомида илму сарф (сўз турлари), илму наҳв (гап турлари), мантиқ, мухтасари виқоя, фикҳи-кайдона каби фанлардан сабоқ берилган. Иккинчи босқичда аъқонднинг шарҳи, шарҳил виқоя, учинчи босқичда эса ҳидоя, ҳидоий шариф, қофия, иноя, талқ тафсиридан толиблар билим олишган. Бундан ташқари, араб, форс тилларида битилган диний китоблар, қуръони карим, ҳадис, шарият қонунларидан ҳам таълим берилган. Албатта, табиий фанлар, жумладан арифметика, жўрофия, ҳандаса, риёзиёт, фалакиёт, ҳикмат (физика) кабилар ўргатилган. Аруз илми, мантиқ, тарих сингари ижтимоий фанлар ҳам мунтазам ўтилган.

Уларнинг ўтилиши, ўрганилишида ҳам ҳозирги ўқув тизимидан фарқ қиладиган, афзалликка эга томони анчагинадир.

Сабоқлар эрталаб соат 8 дан 12 гача ўтилган. Уларнинг вақти тахминан бир соат қилиб, белгиланган бўлиб, талабалар ва муаллимларнинг хоҳишига кўра 2-3 соатгача ҳам чўзилиши мумкин бўлган. Ҳафтанинг шанба, якшанба, душанба, сешанба дарс кунлари, қолган 3 кун дам олиш ҳисобланган. Бир йиллик сабоқ вақти эса 6 ой — мезонда бошланиб, ҳамал ойи киришигача давом этган. Қолган 6 ой таътил даври бўлиб, талаба келгуси йил мадраса ҳаётига йиғинган. Ўз қишлоғи ёки бирон жойга бориб ишлаган. Масжид имомлигини қилган. Ёки ўлка бўйлаб, ундан ташқарида саёҳатда бўлган, соғлигини яхшилаган.

Мадраса ўқувиди муаллим танлаш ҳам асосан талаба ихтиёрида бўлган. Шу боис у имкон қадар билимдон ва яхши муомалали домла таҳсилни олиш ҳаракатини қилган. Бу таҳсилни ҳозиргидай 30-40 нафар киши биргаликда ўқимаган. Балки дастлабки йилларда ортиб борса 3-4 талаба иштирокида таҳсил олинган. Агарда талабани домланинг дарс бериши қониқтирмаса ёки услуби ва феъли ёқмаса, ўқувнинг хоҳлаган даврида бошқа домлага қатнаш имкони бўлган. Шу боис мадрасада муаллимнинг ўзи ҳар доим билимини оширишга, талабага яхши муомалали бўлишга уринган.

## САДО

Ўқитишда кўпроқ муқолима ҳамда мунозара усуллари қўлланган. Ўқув жараёнида, машгулотлардан ташқари пайтларда талабаларнинг мударрисларга мурожаат қилиш, тинглаш, ўз фикрини ифода этиш одоби алоҳида аҳамият касб этган.

Фанни пухта ўзлаштиришнинг ҳозир олий ўқув юртларида ҳам кўрилмаган яна бир жиҳати бўлганки, беихтиёр унга ҳавасингиз келади. Масалан, Бухоро мадрасаларида бир фанни кунда бир неча марта — аввал "кунжаки домла" деб аталувчи муаллим билан ўз хонасида, иккинчи бор "дарсхона домласи" ҳузурда, ҳатто бир шухратлироқ муфти ёки мударрис олдида ўз гуруҳи билан ўрганишган. Натижада бу фан талаба миёсида ёд бўлиб, хотирасида бир умрга нақшланиб қолган.

Сабокларнинг ўтилиш жойи ҳам қарийб талаба истагича белгиланган. Уларнинг ҳаммаси талаба яшайдиган биргина мадрасада бўлмаган. У бир машгулотни ўз хонаси ёки бошқа бир ҳамгуруҳи хонасида ўтказса, ўшанга оид иккинчи сабоқни ўзи танлаган бошқа бир мадрасага бериб олган. Учинчи бир такрорни эса баъзи омадлилар муфти ёки бирон-бир амалдорнинг уйига бориб ўрганган.

Бундан ташқари ўқув йили охирида айрим муаллимлар ўз меҳнатининг натижасини кўрсатиш, талаба билан даражасини билдириш мақсадида ота-оналар олдида шогирдларидан имтиҳон сафи ўсишига, билимдонлар кўпайишига сабаб бўлган.

Мадрасаларда таълим жараёнидан сўнг маълум даражада тарбиявий ишлар ҳам амалга оширилган. Жумладан, асримиз бошларига келиб, Зиё Камол асос солган "Мадрасаи олия диния" (Уфа)да илгари айб саналган соз чалиш, адабий кечалар ўтказиш, муסיқа тинглаш, адабий йиғинлар ўтказиш йўлга қўйилганди.

Кўпчилигимиз мадрасаларда ўқиган талабанинг яшаш ва ўқув шароити оғир бўлганлигини ўқиганмиз, эшитганмиз. Бунга эътироз билдириб бўлмайди. Аммо уларга бир қанча қўлайликлар яратиб берилганлигини шу пайтгача яшириб келишгани ҳам инсофдан эмас.

Инқилобгача бўлган даврдаги Самарқанд, Хива, Гурганж, Уфа, Қозон... мадрасаларида талабаларга бепул кунига тўрт маҳал овқат, ётоқ, айрим ўзлаштириш юқори бўлганларга вақф тушумлари ҳисобланган нафақа (стипендия) ҳам берилган. Вақф тушумидан ҳар йили Бухоро мадрасаларидаги муаллим ва муллабаччаларга 4 миллион олтин танга тақсимлаб берилган. Бундан ташқари талабалар бир йилда бир марта амирлик хазинасида ҳам ўз ҳақларини олишган.

### Дилмурод Холмуродов,

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган халқ таълими аълочиси, Қарши давлат дорилфунунининг ўқитувчиси.

### Зафар Дархонов,

ТошДД тарих куллиёти толиби.

ҳалигача бирор бир шаҳарга учмаган. Ким билсин, балки самолёт Москвага йўл олгандир? Ичиди кимлар бор экан, улар не хаёл, не мақсадда учишяпти экан? Қуёшдек қайнаган шу қумтепаларда Ҳотам Танбал деган бир янтоқчи, саҳройи ўзбек борлигини билишармикин? Қаршисида мум тишлаб, тўрт боғич янтоқ деб жўраларини сотган Ҳамид ўтирганини кўришдимикин?

Танбал қўлини белига тираганича, осмонга узоқ тикилди. Осмон баланд, тиник, кимсасиз, Танбалнинг жунбушга келган армонларидек йироқ — қўл етмас эди. Ушанда уста Мустафо ҳақ — у осмоннинг баландлигини, учса, орзу-умидлари рўёбга чиқишини билган экан-да. Танбал унинг устидан кулиб чакки қилган. "Ношудлик ҳам эви билан-да!" — унинг бўйни оғриб кўзини осмондан узди. Ҳамидга қарамади, унга кўзи тушса, гўё юрагига бўлиб ўт кирган армонларидан айрилиб қоладигандек, йироқ бўлса-да, рўё бўлса-да, ҳозир шу соғинчу армонларга суянгиси, ишонгиси келди.

"Нечундир бўғиялман, сиқиялман, менга нима бўлди ўзи? Ё чиндан ҳам хотиним айтган жин йўлиқдими-а?" — Туйқус Ҳамидни илғадию важоҳат билан тепасига боттириб борди. У қўқиб тисарилди.

— Қочма, қочма Ҳамид, сен жинсан, одам бўлсанг айт, осмоннинг эгаси ким?! — Танбал Ҳамидни билагидан тортиб ўзига қаратди-да, — айт, айт! — деб қистовга олди.

— Билмайман.

— Айт!

— Билмайман.

— Билмайсан, билмайсан сен! — у икки қўллаб Ҳамидни бўғди. Боланинг ориқ, кучсиз панжалари Танбалнинг билагига тирмашди. Икки-уч дақиқа ўтар-ўтмас, беҳол, жонсиз тана қумга аганаб тушди. Танбал шунгача ҳам не ҳол юз берганини билмай, Ҳамиднинг оқарган юзига тикилиб турди-да, сўнг телбавор бўкирди, жасадни таталади...

Қуёш ботиб келар, баланд барханларнинг сояси бири-биридан ошиб, узун қора йўл ҳосил қилган, Танбал Ҳамиддан бир қадам нарида ҳайкалдек қотиб турар эди.

— Ниятимга етдим, — ниҳоят, руҳсиз пичирлаб тилга кирди у, — урадиганим, бўғадиганим сен экансан-да, бадбахт... — Танбал Ҳамиднинг жасадини қўлига кўтарди-да, ботаётган қуёш томон юрди.

— Ма, ол, гуноҳкор бандангни, ўзинг билан олиб кет, куйдир, тафтингда эрит... — у чўкирткақа қоқилиб йиқилди, пешонаси мурданнинг очиқ қорнига тегиб, сапчиб тушди. Яна телбавор қичқирди. Кийимларини юлиб олди, этинини ечди, оппоқ сурп иштонда қумга ботиб-ботиб қочди. Узоққа кетолмади, қайтди. Туйқус Ҳамиднинг устига қум торта бошлади. Кўмди. "Қабр" остидан Ҳамиднинг бармоқлари чиқиб қолди, сезмади. Ҳансираб атрофни кузатар экан, кимса кўрмагач, бир зум нафас ростлаган бўлиб беихтиёр дўппайган қумга тикилди. Хаёлига қунодек ўралашган узук-юлуқ тиловат сўзларини бошламай туриб, Ҳамиднинг бармоқларига кўзи тушди-ю эти жимирлаб кетди. Назарида бутун танаси бўйлаб, этсиз, нозик панжалар ўрмалаб оёқларини қайта бошдан уқалай бошлади.

— Йўқ, Ҳамид, йўқ, мени тинч қўй энди! — у бора солиб, боя юлиб отган кийимлари орасидан белбоғини топди-да, пичоғини қинидан сугурди. Почасини кўтариб қоп-қора жун босган оёғини қирди. Ўткир тиг жун аралаш терисини кесиб оёғи қип-қизил қонга беланди.

— Уф, — у пичоқни қумга санчиб-санчиб, гўё қайраган бўлди, — меникимас, бегона... бу! Ўтмас, Танбалдек кунда! Билмапман, кўрман, қизилнинг пичоқлари ҳам ўтмас бўлибди! — пичоқни улоқтирди-да, Ҳамиднинг очиқ бармоқларидан ушлаб тортиди, жасадни қум остидан сугуриб олди.

— Нимангни яширай, кўммайман сени, сени бармоқларинг ўлдирди, мана шу, оёқларимни уқалаган бармоқларинг, тилинг ўлдирди... ўлдирди! — қумга мук тушиб, ўкраб йиғлади. Атрофни ўраб жимгина кузатиб турган болалар — Ҳамиднинг тенгқурларидан беҳабар йиғлайверди.

Эртаси чошгоҳ маҳал раис, ортидан болаларни-ю, қуриган янтоқ ғарамларини ташишга юк машиналари етиб келди.

Ҳамма жим. Болалар ташқарида, Танбал якка ўзи чодирда — Ҳамиднинг мурдаси ёнида.

Раис болалардан воқеа тафсилотини сўради. Синфдошлар бири қўйиб, бири Танбал Ҳамидга оёғини уқалатгани, саксовулга боғлаб бошидан сув қуйдиргани, якка ўзини чодирга қамагани-ю, қийнаб ўлдиргани ҳақида йиғлаб гапирдилар. У сигарет чекиб болаларни асабий тинглар экан, ёнида бирин-кетин тўпланган шоферларга қарата:

— Нима қиламиз, Ҳамидни олиб чиқиб, чодирга ўт қўямизми? — дея мурожаат қилди.

— Урамиз, урамиз! — жаврашди болалар.

— Боғланглар! — дея буюрди раис.

Болалар эгилган Танбални ташқарига судраб чиқишди. Икки кун илгари Ҳамидни боғлашган саксовулга тиркаб арқонлашди.

— Бир, икки, уч! Бошладик! — бирин-кетин Танбалнинг юз-кўзи аралаш мушт, тепки туша бошлади.

Танбалдан сўнг болаларнинг "шеф"и — яқинда хизматдан қайтган Малик тунда "бригадир" ётадиган йиғма каравот остидан таёқни топди-да, барини нари суриб:

— Сенлар ҳали салага! — деди. — Уриш мана бунақа бўлади, ўрганинглар...

Ҳотам Танбал кўкси бўйлаб шариллаб оққан қонни, Маликнинг қўлидаги қадрдон таёғи — ҳассани кўра олди, холос. У бир зум ўзига келиб, қон чаплашган кириқларини зўрга очиб осмонга қаради. Осмон баланд, тиник, назарида бир

улкан қўл чўзилиб, уни тепага чорлар, Танбал эса унинг қиёфасини илғамас, илғаёлмас эди...

Янтоқ гарамлари ортда қолди. Иккала жасадни ёнма-ён юклаган машина қишлоқ сари йўл олди.

#### ХОТИМА

Бу воқеа ҳали-ҳануз хотирда. Ҳар йил ёзда болалар янтоқ чопишга келадилар, янтоқ чопадилар. Болалар янтоқни, янтоқ болаларнида тарк этмади. Марҳум Ҳамиднинг тенгқурлари бугун ота!

Катталар Танбални қотил, Ҳамидни фаришта билиб эшлашади. Ким билсин, бу воқеани яна қачонгача эшлашаркин?

Ёзда, қишда — бугун йил бўйи Қизилқум осмонида самолётлар учиб ўтади. Қизилга яқин Саврак\*\*\* аҳли — катталар ҳам, болалар ҳам бунга эътиборсиз, бахтиёр — ким келади, ким кетади — барибир, улар аллақачон самолётларга кўникишган...

Чўпонларнинг гувоҳлик беришича, Танбал кўз юмган жойда бир овоз ҳукмрон. Улар буни ўз қулоқлари билан эшитганмиш. Кимнинг овози бу, қаердан келади — ҳеч ким билмайди.

...Ойлар ўтди, йиллар ўтди. Ўз сўзи, ўй-ёдига эга йигитларнинг соч-соқолига оқ тушди. Чўлда, қишлоқда бўлсин, айтувлик янгилик йўқ. Илгарилари ҳар бир қишлоқ, элнинг Қизилда ўз қудуғи, отари, яйлови бўларди. Кутилмаганда бир дониш (халқ уни зўравон дейди) чиқди-ю, чўлдаги мавжуд тартиб-қоидалар, чегарани бузди. Осмондек, ҳаводек муаллақ, эгасиз чўл ястаниб ётади. Кенг... Келинг, келаверин! Ишонмасангиз, ўз кўзингиз билан келиб кўринг. Ахир юз бора эшитгандан бир бора кўрган афзал, дейишади-ку. Келинг... Харитадан Ҳотам Танбал деган янтоқчи, саҳройи ўзбек яшаган юрт — Қизилқумни топинг-да, келинг... Уйингиз бўлмаса, Танбалнинг уйи — уйингиз, Танбалнинг юрти — юртингиз.

"Тилим-чи, тилим нима бўлади?" — деб қайғурманг, Танбал тирик бўлганда, Сизни бус-бутун, ҳатто тилинги билан қабул қилар, фақат унга ишора, луғатингиздан бир ҳарф ўргатсангиз бас, марҳум бағри кенг, Сизбоп одам эди. Афсус, пешонага сиғмади. Келинг...

\* \* \*

— Ҳотам Танбал қандай одам эди? — бугундир, эртадир кимнингдир бўғзида шу савол. Айтишларича, уни жанозасиз\*\*\*\* кўмишган. Ҳар икки марҳумнинг дафнида тик туриб раҳнамолик қилган раиснинг буйруғи шундай бўлган. У кофир кетди. Савракдаги мусулмон қабристонидан бир "кофир" ётибди.

— Ҳотам Танбал қандай одам эди?

Бугуннинг овози:

Эртанинг овози:

*ИЗОҲ: Танбал ўлими олдиан хизматдан қайтган навқирон Маликнинг келбатига тикилиб (бу — ўша, янтоқ фаслида кўнглидан кечгани) "бештагина аскарим бўлса, шуларга бош бўлсаму Қизилни девор билан ўрасам, аскарларимдан бирини мағриб, бирини машиқ томон чегарага қўйсам... яна Қизилнинг осмони ҳам ўзимники бўлса-ю, ким учса, мендан сўраб учса" — деб орзу қилган эди. Марҳумнинг сўнги тилагини унутиб вақтида қаламга олмаганим учун унинг руҳи-ёдидан узр сўрайман.*

1989 йил, март.  
Москва.



"Ёшлик" жўрнали Ўзбекистондаги энг бой-бадавлат нашрлардан ҳисобланади. Шу маънодаки, мушкул кунларда дараклайдиган, биздан қол сўрайдиган ҳамрозларимиз бор, эллик мингтадан ортиқ улар. Бу — жўрнал салкам 50 000 нусхада чоп этилади ва ҳар бир нусха ўртача тўрт-беш кишининг қўлига тушади, деб фараз қилинганда. Ким билсин, балки бу фақат бизнинг тахминимиздир, ўзларини "Ёшлик" муштарийси деб билувчи кишилар сони бундан ҳам кўпроқдир... Ҳар нечук, таҳририятимизга кунда, ҳар соатда келиб турган мактублар шундан далолат беради. Муштарийлар нафақат ўз дардлари билан ўртоқлашишади, бизнинг дардларимизга малҳам бўлиш истагини билдиришади, балки жўрналхон таклиф этган мавзуларни давом эттириш, кенгайтиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшишади. Шундай жўшқин қалбни муштарийларимиздан бири Маъмур Умаралиевдир. У Фаргона шаҳрида истиқомат қилади. Жўрналнинг бултурги сонларида эълон қилинган Адолф Гитлер ўлими ҳақидаги турли тахминларни олға сурувчи мақолалар билан танишгач, у бақсни янада авж олдириш мақсадида матбуотда ўқиган шу мавзудаги кичик бир хабарни ўзбекчага ўгириб, бизга юборибди. Ўйлаймизки, бу ниҳоятда қизиқарли маълумот сизларни ҳам асло бепарқ қолдирмайди.

\*Ҳазор нур қадимий қалъа.

\*\*С.Айний — "Қуллар".

\*\*\*Саврак — қишлоқнинг номи.

\*\*\*\*Одатта кўра ўз жонига қасд қилган мусулмон жанозасиз дафн этилади.

АДОЛФ



КАК ДА  
ТИРИКИМ?

"Қалтираб қолган, 102 яшар Адолф Гитлер тириклайи. Перу расмий доиралари шундай хабарни эълон қилди. Бу Ироқ айти қизгин паллага кирган кунларда содир бўлди. Маълум бўлди, Ироқ айти Ироқ томонга жўнаётган кемага ўтириб кетишни мўлжаллаб, бир пайтда қирғоқда қўлга олинган.

"Гитлер Саддам Хусайн қўшинига бориб қўшилмоқчи бўлган экан", дея эътироф этмоқда Перу матбуоти. Америко матбуотининг айрим вакиллари эса инсоният тарихидаги энг ёвуз шахслардан бирининг ҳанузгача тириклиги ҳақидаги аниқ тасдиқланмаган бу миш-мишлардан ниҳоятда ажабланишмоқда.

Гитлерни Перу соҳилида қўлга олиш жараёнига шўҳид бўлган шахс — таниқли олим Лео Райф эса шундай дейди: "Адолф заррача бўлсин қаршилиқ кўрсатмади. Зеро, у қаршилиқ кўрсата оладиган аҳволда ҳам эмасди. Фақат қўлида ҳасса ўрнига олиб юрган қамиш таёғини таҳдид билан қаваго сермади, холос".

Шунингдек, олимнинг таъкидлашича, у умр бўйи Гитлернинг ҳаётлигига, 1945 йилдаги оила аъзолари ҳам ўз жонига қасд шунчаки ниқоб эканлигига ишониб келган. "Ҳа, ҳа, жин ҳам урмаган эди унга! — дея шўҳидлик беришда давом этади Лео афанди. — Қирқ бешинчи йилдан шу кунларга қадар у чакалакзорларда усталик билан биқиниб яшаган, маҳаллий аҳоли унга худди худога бўйсингандек итоат қилган".

Қўлга олинган, Гитлер деб ҳисобланаётган шахс Перу политсияси назорати остида Платанал кемалар қўналгасига жўнатилган.

Лео Райф афандининг тахминича, Хусайнга араб дунёси устидан ҳукмронлик ўрнатиш фикрини айнан Адолф Гитлер "шипшиган" бўлиши ҳам мумкин. "Икки йўлбошчининг сиёсий дунёқараши, тутган йўлларидаги ўхшашлик ҳам ҳайратомузидир. Яхшилаб эътибор берсангиз шунга гувоҳ бўласизки, Хусайн Кувайтни баайни Гитлер Австрияни босиб олгандек истило этган. Шунингдек, иккала зобит ҳам урушда кимёвий қуроллардан фойдаланиш ғоясига ижобий ёндошган".

Перу политсиясидан олинган маълумотларга қараганда, маҳбус қамоқ бўлмасида икки қўлини орқага қилганча жақонгирларга хос салобат ва вазминлик билан у ёқдан бу ёққа юришини сира қўймаяпти. Ёши бир жойга бориб қолганига қарамай, феъл-хўйида заррача ҳам ўзгариш йўқ: ўша-ўша фюрер, буюк ирқ ҳақидаги ягона буюк таълимот асосчиси. Фақат сочлари қордек оқариб кетган, холос.

"Биз ушлаб турган шахснинг собиқ фашистлар йўлбошчиси эканлигига сира шубҳа йўқ, — деди политсия бошлиги мухбирлар билан суҳбатда. — Нигоҳи этни жунжиктирар даражада совуқ, лаблари аламли қимтилган. Ҳалигача оғзидан биронта сўз суғуриб олганимиз йўқ. Саволларимизга жавоб беришни истамаяпти. Лекин "буюк фюрер" деб мурожаат қилишимиз билан дарров ўзгаради, ўридан даст туриб ўнг қўлини юқорига кўтаради, айти чоғда товонларини ҳам бир-бирига тарақлатиб уриб қўяди..."

Мазкур маълумот нақадар шубҳали, ҳақиқатдан узоқ туюлмасин, Лео Райф афандининг гапларида жон ҳам йўқ эмас кўринади. Кейинги пайтда жаҳон матбуотида эълон қилинган Гитлернинг 1945 йилда куйиб кул бўлган рафиқаси ҳамда қизининг тириклиги ҳақидаги хабарлар шундан ҳалолат беради. Тўғри, бу ҳам шунчаки бир чўпчак бўлиши мумкин, лекин хабарларга фюрер рафиқаси ва қизининг аввалги ҳамда айти чоғдаги фотосуратлари ҳам илова қилинганки... Бу ҳақда энди — келгуси сонда!



ҚИЁФАДОШЛАР УЧРАШУВИ. САНКТ-ПЕТЕРБУРГ. 1992 ЙИЛ.



## НАЗМ

Анвар ОБИДЖОН

ЭЪТИҚОДИМ —  
УМРЛИК СЕВГИМ

Олтиариқдан қолган дафтарлардан



\* \* \*

Биродарлар,  
Раҳмингиз келсин,  
Кўтарманглар мени амалга.  
Эрка қалбим ўйнасин, кулсин,  
Чидолмас у руҳий қамалга.

Ким нафсидан бўлолса ғолиб,  
Яшай олар содда, эркин, шўх.  
Ўзимдан паст турганни чалиб,  
Юқорига сажда қилгим йўқ.

Мансабга қул бўлган муштипар  
Ё ҳашамдан топар тасалли,  
Ё юраги ёрилиб ўлар  
Муҳри қўлдан кетган маҳали.

Ин қурволиб ваҳмаҳонага  
Дўстларга ҳам боқишар сергак.  
У ғанимми?  
Қаҳвахонада —  
Ичиб олиб дўппослаш керак.

Шум рақибнинг йиртиб ёқасин  
Маст ва ғолиб юрганга ялли.  
Қарзга шароб ичганга таҳсин,  
Қарзга шароб берганга балли.

"Энг эътибор топмас бадбахтни  
Юрагига боқчи, қарачи...  
Ўзингиздан қидиринг тахтни  
Пул — жодугар,  
Мансаб — алдоқчи.

Мени эса қўриқлар қалбим  
Одамлардан эмас,  
Нафсимдан.  
Саёқлигим — олий амалим,  
Ўз юртимда беркинаё кимдан?

Биродарлар,  
Раҳмингиз келсин...



1978 й.

\* \* \*

Қайсарлигим, очиқ сўзлигим  
Хуш келмайди баъзи бировга.  
Сабоқ беринг гўл ва меровга,  
Менга қолсин менинг ўзлигим.

Ҳатто ўта янглиш бўлса ҳам  
Эътиқодим — умрлик севгим,  
Ўша севгим — сиёсий сезгим,  
Менинг сезгим — менинг фалсафам.

1979 й.

## ЮЛДУЗИМ

Юлдузим,  
Розиман,  
Майли бўл хира,  
Майлига мунажжим олмас бўлса тан.  
Нолишинг хирадир, кулишинг хира,  
Қимтинма бир умр сендан розиман,  
Юлдузим.

Юлдузим,  
Йиғлама,  
Ажибсан ўзинг,  
Чўлпонга суқланиб дилни доғлама.  
Тож сари интилма, етмаса кўзинг,  
Борлигинг, ҳақлигинг тождир, йиғлама,  
Юлдузим.

Юлдузим,  
Сўнмагил,  
Учма бемаҳал,  
Орзуим кул этиб чўлга қўнмагил.  
Тонг яқин, тонг яқин, сабр қип тур сал,  
Ақалли илк нурун кўрай, сўнмагил,  
Юлдузим.

1977 й.

\* \* \*

Булутсимон парқувга  
 Ойдек маъюс ботаман.  
 Ҳушаб етим оҳуга  
 Ёлғизгина ётаман.  
 Раҳминг келсин, сулувжон  
 Имо қилар юлдузлар  
 Нур киприги пириллаб.  
 Ҳароратсиз ўй-ҳислар  
 Юрагимда дилдирар,  
 Раҳминг келсин, сулувжон.  
 Қунишгунча ухлайман  
 Дардларимга биқиниб.  
 Тушларимда йиғлайман  
 Сенга қулдек сизгиниб,  
 Раҳминг келсин, сулувжон.  
 Кўтараман тонгда бош  
 Иситмадан ловуллаб.  
 Кипригимда қайнар ёш,  
 Юрагимда — довуллар...  
 Раҳминг келсин, сулувжон...  
 1979 й.



\* \* \*

(Ҳазил)  
 Ҳуш кўраман азалдан  
 Тўп пахтада ётишни.  
 Ўқиб қичиқ ғазалдан  
 Қизларга гап сотишни.  
 Эски дардим бошланар  
 Кўрсам биби Тўхтани.  
 Топиб бўлмас, ошнолар,  
 Ундан момиқ "пахта"ни  
 1979 й.



\* \* \*

Иккимизга бўлинг диловар  
 Ё куйдиринг бизни баробар.  
 Биздан тез-тез сўраб туринг ҳол,  
 Бизга кимдир бир дона иқбол.  
 Иккимизини бирдек этинг ром,  
 Бераверинг теппа-тенг илҳом...  
 Иккимиздан борса ишқий хат,  
 Бўлақолинг менга бешафқат.  
 1979 й.

\* \* \*

Шодон хушлаш, малагим,  
 Кўз ёш тўкма бекорга.  
 Боғлангандир юрагим  
 Шу мағизранг шудгорга.



Сизиб кирган қонимга  
 Бу сўқмоғу тепалар.  
 Мен қайтаман ёнингга  
 Гуллаганда бедалар.  
 Қайтсам, таниб тўзғоқлар  
 Йўлга парқув сепгайлар.  
 Бинафшалар ўйноқлаб  
 Оёғимни ўпгайлар.

Фақат ўша паллада  
 Сен ношудлик қилмагин.  
 Ёт йигит-ла панада  
 Ухлаб ётган бўлмагин.  
 1979 й.

\* \* \*

Учрашмаймиз энди заминда,  
 Кўришмаймиз қиёматда ҳам.  
 Биладан, энг аламли кунда  
 Эслагайсан номимни, санам.

Муштоқларинг камайган сари  
 Қўмсагайсан кутишларимни.  
 Ҳушторларинг ўтганда нари  
 Соғинарсан қучишларимни.

Лоқайдланиб сўрсалар ҳолинг,  
 Ташна кўзлар тушар ёдингга.  
 Унут бўлган ҳазин тимсолим  
 Яна маъюс келар олдингга.

Шаън туйғунгдан бичарлар қайғу,  
 Лабларингга бўзаради дард.  
 Қайғунгдан мен ахтариб туйғу,  
 Дудоғингга қўндирмасман гард...

Йироқ кетар бўлдим қаҳрингдан  
 Ва унутдим сени бемотам.  
 Учрашмаймиз энди заминда,  
 Кўришмаймиз қиёматда ҳам.

### ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ

Ғариб кемам шикорга чиқиб,  
 Юрар жулдур тўрларин судраб.  
 Маъданларни қўйнига тиқиб,  
 Очкўз денгиз ётибди мудраб.

Шунча ганжлар камми?  
 Гувланиб —  
 Сапчиб кўрар гоҳи қирғоққа.  
 Босқинларга зимдан шайланиб,  
 Тил чизмоқчи бўлар йироққа.

Йўл тополмай чекинар мулзам,  
 Яна ўзин кўрсатар лоҳас.  
 ....Сен қирғоқда турволиб, укам,  
 Тўлқинларга боқаверма маст.

Майли, тан бер, ҳайбати ажиб,  
 Жилваларга алданма фақат.  
 Бу жилвалар тагида сасиб  
 Сузиб юрар сарқит ва ахлат.

Нопоклардан буриб бир кун юз,  
 Бошқа йўлдан оқар ирмоқлар.  
 Саёзланар шунда кир денгиз,  
 Пайдо бўлар янги қирғоқлар.  
 1977 й.

Анвар ОБИДЖОН. 1947 йилда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида туғилган. ТошДД журналистика кулли-етинини тамомлаган. "Жуда қизиқ воқеа", "Кетмагил", "Даҳшатли Мешполвон", "Безгакшамол", "Ерликлар" каби ўнлаб китоблар муаллифи. "Чўлпон" нашриётининг бош муҳаррири.

Анвар Обиджон шеърини аллақачон ўз ўқувчисини топган. Улар меҳри ва эътиборига сазовор бўлган. Унинг болалар кўнглини излаб катталар юрагига ҳам қувонч ҳадя этган қувноқ шеърларидан тортиб, қажвиёт мақомидаги ўткир манзумалари руҳни чуқур ковлоччи игнабарг сатрлари, оҳорли қўшиқлари шеърхонга бир олам, бир ўзанга сиғмовчи ҳаяжон ҳадя этади.



## НУР УЛ-УЛУМ

Хуросон сўфийларининг пири Шайх Абу-л-Ҳасан Харақонийнинг маноқиби

Тасаввуф таълимотини ўрганишда буюк сўфийлар, яъни ҳар бир тариқат силсилаларига кирган улуғ пир ва муришларнинг шахсий ҳаётларини таҳқиқ қилиш катта илмий аҳамиятга эгадир. Улуғ орифларнинг ҳаёт ва фаолиятлари — маноқибларини ўрганишимиз ўтмишни аниқ билиб олишимизга мадад беради, уларнинг ҳаётлари, хоксорона ва оддий яшаш, сабр-тоқат билан инсонлар кўнглида из қолдиришлари биз учун ибратдир.

Сўфийликда Хуросон-Ажам заминиде шакланган маломатия тариқати катта ўрин эгаллаган. Маломатия тариқатининг буюк намоёниси ориф ва муриш, "Хуросон пири" лақабини олган, Шайх Абу-л-Ҳасан ибни Аҳмад Харақонийдир. У Нишопурнинг Харақон қишлоғида 1034 йили оламдан ўтган.

Маломат фирқаси, маломатда қолганлар ҳаминиша ўз руҳларини риъзат билан сайқал бериб уни кучлантириб, тақмил берадилар. Бу тариқатга кирган солиҳнинг дили ва тили бир бўлиб, унинг уйи ва фикри бошқалардан яшириниши лозим эди. Маломатияда риё (иккиюзламачилик), ҳасад, кибру гурур энг оғир гуноҳ ҳисобланарди. Уларда дарвеш бўлиб яшаш, қаландар либосида оламни кезиш, гурурларини босиш учун садақа сўраш, энг наст ишларни ҳам бажариб юриш қоидага кирган эди. Улар айтардилар "Мўмин кўёга ва ойга ўхшайди, унинг манфаати ҳаммага тегиши лозим".

Абу-л-Ҳасан Харақоний ҳам шу тариқатга кириб, ўз шахсий ҳаёти орқали бу таълимотга инсонсеварлик гоъларини киритди, инсонлар жамиятининг қоидаларига риёя қилиб яшашни тарғиб этади, ўзи ибрат кўрсатади. Унинг ҳаёти ва таълимоти тасаввуф оламида маълум ва машҳурдир. Харақоний ҳақида Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа орифлар ўз асарларида ўрин берганлар.

Абу-л-Ҳасан Харақонийнинг ҳаёти, фазилат ва қароматлари (маноқиби) ягона бир асар "Нур ул-улум" (Илмлар нури) номли китобда битилган. Бу асарни Е.Э.Бертельс ўз устози В.А.Жуковский архивидан топиб, нодир бир асар сифатида тартибга солиб, унинг матнини Атторнинг "Тазкират-ул-авлиё" асари билан муқояса этиб, рус тилига таржима қилган.

"Харақоний, — деб ёзади Бертельс, — шундай сўфийлардандирки, ҳақиқий муҳаббатни ишор қилиб ўз ҳаётларини мусофир инсонлар хизматларига бағишлаган". Аттор асари орқали бизга етиб келган Харақонийнинг мана бу сўзлари кўп машҳур. Харақоний айтади "Олим эрталаб туриб донишини оширишини ўйлайди, зоҳид эса зухдини ўйлайди, аммо Абу-л-Ҳасан қандай қилиб ўз биродарларининг қалбини хурсанд қилиш гамидадир". Бошқа жойда у дейди: "Намоз ўқиш, рўза тутиш обидлар амалидир, аммо диллардан офатни олиб ташлаш мардларнинг ишидир".

Худди шундай инсонсеварлик гоълари, одамларга яхшилик кўрсатиб яшаш, кибр ва гурурни кўнглига йўл бермай ҳақ эди билан умр кечиришини, ҳар лаҳза, ҳар кунни ганимат деб билмоқ бу асарнинг ҳар бир боб, ҳар бир саҳифасида ўз аксини топган. Бугунги кун ўқувчилари бу ажойиб ва мўътабар гоълардан маънавий руҳ ва куч олишлари шубҳасиз. Шу боис ундан айрим ўринларни сиз азиз журналхонларга тақдим этмоқдамиз.

Шайх Абу-л-Ҳасан Харақонийдан сўрадилар:  
— Дарвешлик нима?

Деди:

— Уч булоқдан иборат булоқ. Бири тийилиш, иккинчиси саҳоват, учинчиси бу Оллоҳ яратган халқидан озод бўлмоқдир.

\* \* \*

Шайх (Абу-л-Ҳасан Харақоний) бир сўфийдан сўради:

— Сизлар дарвеш деб кимни айтасизлар?

Деди:

— Бу дунёдан хабари бўлмаган кишини.

Шайх дейди:

— Бундай эрмас, балки дарвеш улким, дилида андеша бўлмас, сўзлайди-ю гапи эшитилмас, кўрадио кўзи, эшитар-у, қулоғи бўлмас, еганда таом лаззатини сезмас, ҳаракати, тинчлиги, ғам ва хурсандчилиги ҳам йўқ. Дарвеш шул кишидир.

\* \* \*

Шайх бир муридидан сўради:

— Ҳеч заҳар ичганмисан?

Деди:

— Йўқ. Ахир кимки, заҳар ичса ўлади?

Деди:

— Унда сен ҳеч қачон ҳалол нарса емаган экансан. Ким нон еб, заҳар еб юришини тушунмаган экан ҳеч қачон ҳалол нарса емайди.

Сўрадилар: "Ғариб кимдир?"

Деди: — Бу жаҳонда жисми ғариб бўлган киши ғариб эмас, балки юраги жисмида ғариб киши ғарибдир, сири дилида мағорлаган киши ғарибдир.

Сўрадилар: "Уйғоқ бўлишимиз учун нима қилайлик?"

Деди: — Ўз келажакларингни ўйламанглар. Шундай тасаввур қилинглarki, умрларингнинг охири нафаси келган ва у ҳам икки лабларингиз ўртасида кутиб туриб, энди чиқиб кетмоқчидир.

\* \* \*

Сўрадилар: "Васвос нимадан бўлади?"

Деди: — Ҳаром луқма юракни кир қилади, шунда васвосга йўлиқилади.

Бир кун шайх бир сўфидан сўради: "Сен Хизр алайҳис-салом билан дўст бўлмоқни истайсанми?"

Деди: "Истайман".

Деди:

— Неча ёшга кирдинг? Жавоб бердики: "Тўқсон еттига".

Шайх деди:

— Тўқсон етти йил еган худо нонини

— Тўқсон етти йил еган худо нонини қайтариб бергин. Оллоҳ нонини еб яна Хиэр билан дўст бўлишни исташ яхши эмас!

\* \* \*

Шайх деди: — Мўмин учун ҳамма ер масжиддир, барча кунлар жума куни, жами ойлар рамазон ойидир.

\* \* \*

Рақс (зикр) ҳақида сўрадилар. Деди: "Рақс ул кишининг ишидирки, ерга қадамин уриб ер остини кўради ва енгини ҳавода силтаб осмондаги аршни кўради. Нимаики шунга қарши бўлса, Абу Язид, Жунайд ва Шиблий обрўларини тўккан бўлади.

\* \* \*

Бир донишманд киши шайхга савол берди: "Хиёнатсиз насиҳат қайси?"

Деди: — Насиҳат қилиб ғурурланиб кетмаслик, ўзини бошқалардан яхши демаслик ва дунёга таъма назари билан боқмасликдир.

Сўрадилар: "Ориф кимдир?"

Деди: — Ориф ўз инидан овқат қидиришга чиқиб кетиб егулик топмай яна уйига бориш йўлини ҳам йўқотган, ҳайронликда турган қушга ўхшайди.

\* \* \*

Сўрадилар: Дилида худонинг борлиги ғолиб бўлган кишининг нишонаси нимадир?" Деди:

— У оёғидан бошигача худо борлигини иқдор қилади. Юриш-туриши, кўриши, ҳатто бурнидан чиқадиган нафаси ҳам "Оллоҳ", дейди. Мажнун кимга яқинлашса "Лайли" деганига ўхшар. У ерга йиқилиб тушса ҳам, дарё сувига чўкса ҳам, деворга бош урса ҳам, одамлар ёки молу қўйларга тегиб кетса ҳам, ҳаммаша дерди: "Мен Лайлиман, Лайли менман".

\* \* \*

Шайх деди: "Нолиб юрадиганлар ва оғир юк кўтарганлар бор. Нолийдиганлар — бу ярадор бўлган кишилар, оғир юк кўтарганлар эса булар "вақт хўжаларидир".

\* \* \*

Шайх деди:

Ким ерда сафар қилса оёғи қадоқ бўлади ва кимки, осмон сафарига бўлса, дили қадоқланади.

\* \* \*

Сўрадилар:

— Бақо ва фанода кимга сўзлаш насиб этади?

Деди: — Толанинг бир тори билан осмонга осиб қўйилганга. Бир шамол эсадикки, ҳамма дарахтларни илдизи билан қўпаради ва ҳамма биноларни хароб қилади, аммо уни жойидан қимирлата олмайди. Бас, унга бақо ва фано ҳақида сўзлаш насиб этади.

\* \* \*

Сўрадилар: "Бировнинг ботини (зоҳири билан) бир хил эканлигини қандай билиб олса бўлади?"

Деди: — Унинг тили ва дилининг бирлигидан. Кимнинг тили тарқоқ бўлса, унинг дилининг тарқоқлигидан дарак беради. Улуғлар деганларки, "Дил бу қозондир, тил эса кафғир. Нимаики, қозонда бўлса кафғирга шу чиқади". Дил дарё,

тил эса соҳилдир, агарда дарё мавж урса, соҳилига ўз лаш-лушларидан чиқариб ташлайди.

\* \* \*

Шайх деди:

Эҳа! Қанча кишиларни ер устида тирик деб биламизу улар эса ўлганлар. Ва яна кўп кишилар борки, ер қорнида бўлсалар ҳам улар тирикдирлар!

\* \* \*

Шайх деди: — Ҳаммамизда бир хиллик ғафлат оғриғи бор. Унинг даъвоси уйғониш. Келинлар уйғонайлик!

Шайх деди: — Нақл бордирки, юрак энг охири шундай ҳолга тушадикки, ўз овозини ўзининг қулоғи билан эшитар ва агарда овоз эшитилмай қолса, дил ўз нуруни ўз бошининг кўзи билан кўрар.

Шайх деди: — Мингта кўз менга берди. Биринчи қарашда Худодан бошқа ҳамма нарса куйиб кетди. Тўққиз юзу тўқсон тўққизтасининг ҳолини мен ўзим биланман.

\* \* \*

Шайх деди: — Худованд жалла ва жалолоҳу менинг қалбимга садо қилди, эй, бандам сенга қўл бериб, ўлганингдан кейин сенинг қабрингга зиёратга борадиганлардан ҳушёр бўл. Чунки сен улар билан менинг орамизда бўласан.

Шайх деди: "Худованд жалла ва жалолоҳу менинг юрагимга нидо қилдики: "Эй қулим менинг меҳмонимнинг ҳақини бергин"

Мен дедим: — Илоҳо, мен қаердан билиб, сенинг меҳмонинг ҳақини бераман?"

Деди: "Ким сени олдингта "Салом" нияти билан меҳмон бўлиб келса, "Алайка ассалом"ни эшитиши керак. Шундай киши борки, мени севиб, шу муҳаббати билан сени кўришни орзу қилади. Яна киши борки, сенга дардини тўкиши учун келади. Ва яна шундай киши борки, мен билан келишиб олмаган. Мен улардан ўзларини олганман. Шу боис келиб кетишларининг сабаби маълум эмас. Шулар менинг меҳмонларимдир.

Шайх деди: Мавло таоло мени дилимга нидо қилиб буюрарди: — Мен тўрт нарса орқали сенга мурожаат этаман: дил, тан, тилу мол билан. Иккитасини менга бериб, қолганини қайтариб оласан, яъни тан билан тоат-ибодат қиласан, тил билан "Қуръон" ўқийсан, дилу молни менга бер! Агарда хоҳласанг ҳаммасини ҳам сенга қолдираман.

Шайх деди: — Мардларнинг жаҳди, саъй-ҳаракати қирқ йилдир. Ўн йил заҳмат чекиш лозим, токи тил рост бўлсин ва ўн йилдан кам вақтда тил тўғри бўлмас. Ўн йил яна азоб чекиш лозим, токи бизнинг танамизда ўсган бу ҳаром гўшт ўзимизники бўлсин. Дилни тил билан бир хил бўлишига ҳам ўн йил заҳмат чекиш лозим. Ким қирқ йил шундай қадам босиб яшаса унинг томоғидан чиқадиган нафасда ҳою-ҳавас бўлмаслигига умид қилса бўлади.

Асарни форс тилидан нашрга тайёрловчи

ШОДМОН ВОҲИД ХУСЕЙНЗОДА,  
тарих фанлари номзоди.



## МУШТАРИЙНИНГ ДИЛ РОЗИ

### НАЗОРАТ ЗАРУР

Сир эмаски, ойлик маошлар бундан 4 йил бурунгига қиёслаганимизда бир неча ўн, балки юз баравар ошди, нарх-наво эса... ундан ҳам кўпроқ ошди. Пул деганимиз ниста пўчоғидай бўлиб қолди. Бошқа товарлар нархини қўятурайлик-да, йўл ҳақи хусусида фикр юритсак. Ҳозир маошга кун кўраётган кишилар учун, очиғи, йўл юриши жудаям малол келяпти. Жумҳурият транспорт вазири матбуотда бир неча маротаба чиқиб, йўловчиларни қийнаётган мана шу йўл ҳақи ҳам ўзини қопламаётгани, аксинча, ҳукумат бюджетидан ҳар йили миллиардлаб сўм пул сарфланаётганини айтди. Хўп, бу факт дейлик. Лекин масаланинг яна бир жиҳати бор, буни ўйлаб кўриш керак.

Хўш, йўловчилар пулларининг қанча қисми бюджетга келиб тушаётганини давлат билармикин? Менимча, фақат йўловчиларнинг патта сотиб олганда кассага тўлаган пулларигина давлат чўнтағига тушмоқда. Поездлар ва шаҳарлараро қатнайдиған автобусларда назоратсизлик шу даражадаки, патта олсанг ҳам, олмасанг ҳам биров суриштириб ўтирмайди, олмасанг қайтанга шопир хурсанд бўлиб ўзи жой кўрсатади. Узоққа кетаятган бўлсангиз, 5000-6000 сўмингиздан кечиб ҳам юбораверади. Шундай бўлгач, патта сотиб олгиси келадими кишининг. Ҳатто бултур хизмат сафари билан Тошкентдан Самарқандга икки марта борганимда автобусга биронтаям йўловчи патта билан чиқганини кўрмадим. Тавба, буларда бирон назорат ёки тафтиши қилувчи мутасаддилар борми ўзи, ё йўқми? Автобус давлатники, ёқилги — давлатники, нега энди йўл ҳақи ҳайдовчиники бўлади? Нима, ҳукуматимиз шуни суриштиришдан манфаатдор эмасми? Эҳтимол, шу назоратсизлик туфайли давлатнинг ҳамёнига пул кам тушаётгандир ва шу сабабдан йўл ҳақи осмон баравар кўтарилиб кетаятгандир. Шаҳар транспортда ҳам худди шу аҳвол. Фақат метрогина бу борада тартиб билан ишлайди. Нима учун айнан метродаги интизомни бошқа транспортларга қўлай олмаймиз.

Бир гал Самарқандга жўнаётган автобус ҳайдовчиси мендан патта пулни тўланг, бир сўм ҳам патт тушмайман, деб туриб олди. Шунда мен:

— Ака, агар мен патта олганимда сизнинг чўнтагингизга бир сўм ҳам тушмасди-ку?, — дедим.

— Тўғри-ю, — деди у киши бир оз шашти паса-йиб, — ҳар бир эҳтиёт қисмини ўз ёнимиздан сотиб оламиз-да. Машинанинг бир ери бузилса, ўзимиз балогардон, то қуруғини тўламагунингча машина турган жойида тураверади. Бизга эса ишимизга қараб маош тўлашади, ҳаммада бола-чақа бор дегандай... Тўғри, ҳаммадаям фарзанд бор, лекин давлат бор-ку. Биз Ватан ҳақида кўп гапирармиз, роса мақтаймиз. Бироқ Ватан ўз нафсимиздан кўра устунроқ эканини унутиб қўямиз, шу боис унга хизмат қилишдан кўра у ҳақда оғиз кўпиртириб гапаршига ўрганиб қолганмиз.

Йўловчи ташувчи транспортлар соҳасидаги интизом-сизлик, хўжасизлик ҳам Ватанимизнинг, давлатимизнинг, қолаверса, ҳар биримизнинг катта айбимиз. Ҳолбуки, бу ерда миллионлаб эмас, миллиардлаб сўм давлатнинг пуллари ҳайдовчилар ва уларнинг хўжайинлари киссасига тушаёттир. Бу тартибсизлик, исрофгарчиликни давлат назорат кўмитаси, давлат йўл назорат бошқармаси, шунингдек, жумҳурият транспорт вазири эътиборга олса яхши бўларди.

Хўжаали ИМОМОВ,  
Тошкент шаҳри.

### ҲАҚИҚАТ ЧАЛА БЎЛМАСИН

"Ёшлик"да илгари "Қароқчилар босқин уюштирганди" сарлавҳали суҳбатни диққат билан ўқигандим. Унда муҳбир прокурорни аяб саволлар берганини англаб олиши қийин эмас. Жуда силлиқ, оддий саволлар берилган. Шундай қилиниши қайсидир маънода тўғри ҳамдир. Чунки бир томондан замон нозик. Йилт этган учкундан олов чиқиб кетиши мумкин. Қолаверса, катталарнинг қош-қовоғи деган гаплар бор... Аммо нима бўлганда ҳам мени бир нарса қизиқтиради: нега энди марказнинг манфур тажовузига келиб-келиб бизнинг жафокаш Ўзбекистонимиз нишон бўлди экан? Қайси қишлоғимиз Худого хуш келмади? Шу ўринда Хўжа Аҳмад Яссавийнинг қуйидаги мисралари хаёлга келайди:

Ҳақиқатдан сўзлар айтдим, эшитмадинг,  
Золимларнинг илгин узун қилдим мано.

Қарангки, бошимизга тушган қайғу-кулфатларнинг сабабини буюк бобокалонимиз бундан қарийб минг йил илгари очик-ойдин айтиб қўйган эканлар. Уша йилларни эсласам, биз чиндан ҳам ҳақиқатдан қочиб, авлодлар ботқоғида ботиб юрганимизни тан олмасдан илож йўқ. Бу ҳол фақатгина бизда эмас, балки зулм империясиининг ҳамма жойида ҳам устивор эдики, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтиши жоиз. Ҳозир эса ўзим гувоҳ бўлган бир-икки воқеани қаламга олай.

1981 йилнинг ноябр ойи.

Давлат имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, Тошкентдан қишлоғимга қайтман. Йўлнинг икки четида чексиз оппоқ пахтазор... Автобусдаги йўловчиларнинг ҳам руҳи кўтаринки. Кимдир, бу йил режа тўлиб, олти миллидан ҳам ошар экан, деб қувонса, орқароқдаги қария, ошиб-тошади, деди-ю, тагин "қоғозда", деб қўшимча қилди. Уша тобда уни кимдир маъқуллади, яна аллаким норози оҳангда тўнғиллаб қўйди. Уйга қайтиб бир-икки кун дам олгач, менга мактаб маъмурияси томонидан пахтадан қочган болаларни йиғиб, яна жойларига қайтиб оборши буюрилди. Болаларни олиб қўшни пахтазор туманига равона бўлдим. Бу ерда ҳам худди уша манзара. Йўлнинг икки чеккасида пахтазор чамандек очилиб ётибди. Аммо катта йўлдан ичкарилаганимиз сари пахта камайиб, охири қип-қизил гўзапояларга айлана борди. Қочоқ "пахтакор"ларни "эга"ларига топширдим. Муаллимларнинг айтишларича, далаларда пахта териб тугатилган, кесак ва тунроқ орасидан ҳар кун 2-3 кило падбор териб топширишаётган экан. Ҳукумат ҳам нормаларини пул тўлаб бажармоқда эканлар. Мен асфалт йўл четидаги оппоқ пахтазор ҳақида айтдим. Кейин маълум бўлдики, бу пахтазор казо-казоларда ҳам далаларда ҳосил кўп деган тасаввур уйғотиши мақсадида атайлаб тердирилмас экан. Ани шунда менинг кўз олдимга катта трасса чеккасидаги оппоқ пахтазорлар келди. Наҳотки шу рост бўлса, деб ўйлардим. Уша йилларда сурп топилмадан, бўз билан кафанлаб кўмилган марҳум (охиратлари обод бўлсин) ҳамқишлоқларим ҳам унсиз "рост-рост" дегандек хаёлимда жонланар эдилар.

Бундай ҳол эҳтимол, мен ўйлаганимчалик кенг миқёсда бўлмагандир. Аммо халқда "Бирники минга, мингники туманга" деган доно нақл бор. Нима бўлганда ҳам бўрилар энг аввало ҳимоясиз, адашган подага ҳужум қиладилар. Тан олиб айтиши керак, уша йилларда катта-кичик раҳбарлар халқдан анча-мунча узилиб қолган эдилар. "Партия ва халқ ягонадир" деган шиор эса туттуриғи йўқ, сийқа сўзлардан бошқа ҳеч нарса эмас эди. Халқдан узоқлашган раҳбар эса маъмурий-буйруқбозлик системасининг бош заволи бўлди. Бундай раҳбарнинг оёғи ердан узилган кишидек аҳволи омонат эди. Чунки уни халқ ҳеч қачон ҳимоя қилмас, аксинча, унга нисбатан нафрат-газаби уйғонарди.

Мен Гдлян ва Иванов тўдасининг Ўзбекистонга қилган ҳужумининг асл сабабларини ҳам ана шунда деб биламан. Чунки гуруҳларга бўлиниб, бирлашмаган халқнинг аҳволи бундан бошқачароқ бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Фикримни исботлаш учун қуйидаги кўчирмани келтиришни лозим топдим.

"...Мен Ўзбекистон партия Марказий Комитетининг пленумида қатнашиш учун бир неча кунга Тошкентга келдим. Мени меҳмонхонага жойлаштиришди. Таширфим шаҳардаги кўпчиликка овоза бўлиб, меҳмонхона атрофида одамлар тўплана бошлади. Улар мен билан гаплашиш учун рухсат беришларини талаб қилардилар. Албатта, йиғилганларни тарқатиб юборишга уриндилар. Аммо икки кун давомида олдимга кирмоқчи бўлганларнинг барчасини қабул қилишимни айтдим. Қўриқчимга бирон-бир кишини киролмасдан қолиб кетмаслигини назорат қилишни буурдим.

Биринчи бўлиб ДХҚ ходими кириб, бу ерда гуллаб-яшнаётган даҳшатли порахўрликлар ҳақида гапириб берди. Рашидовдан кейин, деди у, аҳвол ҳеч ўзгарган эмас, республиканинг янги биринчи секретари ҳам пора олишида ўтмишдошидан қолишмайди. Бу ходим Усмонхўжаевнинг фаолияти ҳақида бир неча жиддий ҳужжатларни топириб ёрдан сўради. Фақат Москва бирор чора кўриши мумкин, — деди у, — чунки бу ерда ҳар қандай ҳаракат нопок аппаратнинг қаршилигига учрайди. Мен унга ҳужжатлар билан батафсил танишишга, агар улар ҳақиқатан ҳам рост бўлса, юқорига билдириб қўйишга ваъда бердим.

Ундан кейин иккинчи, учинчи, тўртинчи одам кирди. Мен икки кун узунасига келувчиларнинг республика олий партия бўғинларидаги кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, аслида батамом содир этилиши мумкин бўлган порахўрликлар ҳақидаги ҳикояларини тингладим.

Бу ҳикоялардан мансабдор шахсларнинг қуйидан то юқоригача сотиш ва сотиб олишнинг пухта системаси ҳақида тасаввур ҳосил бўлар эди. Порахўрларнинг ушбу занжирига тушиб қолмаслик учун виждонли кишилардан ҳақиқий жасорат талаб қилинарди. Менинг ҳузуримга асосан ана шунақа кишилар киришди.

Ҳозирда мазкур "ишлар" ҳаммага яхши маълум. Ўша дамларда эса бу манзара менга ўзини йўқотулик даражада таъсир этганди. Мен булар ҳақида Москвага боргач Горбачёвга ҳаммасини айтиб беришга қарор қилдим.

Кетаётганимда яна бир аломат воқеа юз берди. Меҳмонхонада овқатланганим учун ҳисоб-китоб қилишларини сўрадим. Менга даъфатан: Ҳаммаси тўланган, дейишди. Қўриқчилар бошлиғига улар билан ҳазиллашмоқчи эмаслигини, ҳисоб-китоб албатта қилиниши лозим эканлигини меҳмондўст мезбонларга тушунтириб қўйишни сўрадим. У ҳайратланиб қайтиб келди-да, ҳисоб-китоб қозғоши йўқ, харажатлар республика партия Марказий Комитетининг Бошқармаси махсус ҳисобидан тўланганлигини, буни эса текшириб кўрганини айтди. Мен шунда ўзимни тўтиб тура олмадим ва деярли бақириб, ҳисоб-китоб варақасини талаб қилдим...

Москвага қайтиб келгач, мен берилган ҳужжатларнинг ҳаммасини диққат билан ўрганиб чиқдим ва Горбачёв ҳузурига кирдим. Ҳамма кўрган-билганларим ҳақида етарлича батафсил сўзлаб бердим. Охирида бу ҳолнинг олдини олиш учун қатъий чоралар кўриш, энг аввало Усмонхўжаев масаласини ҳал қилиш лозимлигини айтдим. Горбачёв бирдан хафа бўлди ва менга мутлақо ҳеч нарсани тушунмаганимни айтди. Усмонхўжаев — пок коммунист, фақат у рашидовчилик билан курашишга мажбур. Шу сабабдан ҳам эски махфия уни чақимчилик ва ёлғонлар билан обрўсини тўкишга ҳаракат қиляпти, деди. Мен: Михаил Сергеевич, у ердан яқиндагина келдим-ку, Усмонхўжаев Рашидов системасига жуда ўринлашиб олган, эски тизимлардан ҳам ўз манфаатини йўлида аъло даражада фойдаланяпти, — дедим. Горбачёв: Сиз чалғиб кетибсиз, умуман, Усмонхўжаев учун Егор Кузмич Лигачёвнинг ўзи кафил, деб жавоб берди. Мен унга ҳеч нима дейлмадим. Чунки партиядаги иккинчи мансабдор шахснинг кафолати ўша ерда катта гап эди. Охири мен Горбачёвдан бу ишларни яна бир бор текшириб кўришни сўрадим. Чунки бу жуда жиддий ишлар эди..." (Борис Ельцин. "Исповедь на заданную тему" Средне-Уральское книжное издательство, Свердловск, 1990г. 84-85-саҳифалар. Таржималар ўзимники).

Мен Ельцин билан Горбачёвнинг гаплари ҳақиқатга

қанчалик яқинлиги ҳақида баҳслашмоқчи эмасман. Аммо шуниси аниқки, республикамиздаги ур калтак-сур калтакларнинг авж олишида юқоридаги воқеанинг роли катта бўлган. Ундан кейин нималар бўлганлиги ҳаммамизга маълум. Бир-бирига ишонсизлик, алдоқчилик, ришват, мунофиқлик, гуруҳбозлик устивор бўлган юртда бундай воқеаларнинг юз бериши эртами-кеч тайин эди.

Бошинга не бало келса,

Бировданмас, ўзингдан кўр,

дейиладди машҳур қўшиқда. Келинг, озгина бўлса-да, ўзимиздан ҳам гинахонлик қилайлик. Бу ўзини камситиб, ерга уриш эмас, аксинча, ўтмишдан тўғри сабоқлар чиқариб, келажак сари ҳақ йўлни солиш бўлсин. Зеро, мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги эндиликда ўзимизга боғлиқ.

Ачинарлиси шундаки, бугунги кунда ҳам бош устида ўйнаб турган қамчининг ерга тушганини ҳис қилган юртдошларимиз "Ватан, миллат, истиқлол қайғуси бир ёқда қолиб, ўзларининг тор, худбин манфаатларини ўйлаёттирлар. Одамларни яна ўша аввалгидек мунофиқона алдаёттирлар. Яқинда телевидение орқали кўрсатилган "Шаҳар бедарвоза эмас" кўрсатувидида гапларни эшитиб, тавба деб, ёқа ушладим. Маълум бўлишича, айрим мансабдор шахслар республика ташқарисига чиқариш маън этилган молларни чеккага сотиш учун турли ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилишаётган экан. Мен аниқ ишонч билан айтишим мумкинки, шу хилдаги акахонларимиз турли минбарлардан президентни, мустақилликни мақтаб завқ-шавқ билан сайрайдилар. Газеталарга мақолалар ёзадилар. Аслида эса...

Устидан урамиз шонани,

Тагдан урамиз понани!

Улар эски хўжайинларга қанчалик садоқат билан хизмат қилган бўлсалар (албатта, ўз манфаатларини кўзлаб) эндиликда ўша даврдаги таомилларни ёппасига қоралаб чиқмоқдалар. Гўё фалон йилгача ҳаммаси оқ бўлган, фалон йилдан кейин қора бўлди. Фалончи салкам фаришта эди, пистончи эса иблис бўлган, қабилида. Хуллас, ҳар ким бўёқни ўзи хоҳлаганича ишлатяпти. Аммо унутмаслик керакки, ўртада халқ бор. У кимнинг ким эканлигига аллақачон баҳосини бериб қўйибди. У фаришта қилиб, осмонга ҳам чиқармайди, расво қилиб ерга ҳам урмайди. Ўз инсоний мезони билан ўлчайди. Шу маънода 30-йиллардаги қатағон қурбонлари билан 80-йилларда қамалганларнинг ҳам фарқига жуда яхши боради.

Шу маънода ўша суҳбатдан қаноат ҳосил қилмаганимни очиқ айтишим керак. Чунки, сизлар, ҳеч бўлмаганда ёзувчи ва журналистлар, ҳақиқатни чала айтишга асло ҳаққингиз йўқ.

Салом билан,  
ургутлик Худойберди КОМИЛОВ.





## БУГУНГИ ЁШЛАР

Лазиз ТАНГРИЕВ:

### "МУЪЖИЗАВИЙ КАМОЛАТ МАНБАИ"



Кечаги куннинг шаклу шамойили, мавжуд тартиб-қонушлар йўриғи ўзгача эди: гарчи, ёшлар номига, улар эркин билим олишлари ва жўшқин фаолият кўрсатишлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида баландпарвоз сўзлар кўп айтилса-да, аслида, ҳаётда бунинг тамоман тескарисига дуч келарди, киши. Мавжуд тузум ўз моҳият-эътибори билан ёшлар ҳаётда ўз овози ва ҳақ-ҳуқуқига эга бўлишга зид эди. Ҳолбуки, одил ва адолатпарвар жамиятларда ёшлар масаласи, уларнинг маънавияти ва орзу-интилишларининг қадр топиши энг масъулиятли вазифа сифатида ҳамиша диққат-эътиборда турган. Зеро, жамиятнинг нечоғлик яшовчанлиги ҳам ёшлар қандай тарбия топаётганига боғлиқ. Бугун бизнинг ҳаётимизга ҳам бозор иқтисодиёти ва бошқа кўпгина — кеча ёт ва шубҳали туюлган тушунчалар кириб келди. Ҳаёт аста-секин яхши томонга юз ўгирмоқда. Табиийки, бу ўзгариш ва тушунчалар ёшлар ҳаётига, уларнинг маънавиятига ўз таъсир кучини ўтказмоқда. Хўш, бугунги ёшлар қандай ўй-ниятлар билан банд? Уларнинг ҳаётга, қолаверса, эртанги кунга бўлган ишонч ва умиди нималар билан изоҳланади? Ҳаётга киритилган ва киритилаётган ислоҳлар уларни қониқтирадимиз? Ватан туйғуси, уни эъзозлаш деганда нималар англашинилади?

Муҳтарам жўрналхон!

Сиз шу каби кўпгина саволларга жўрналимиз саҳифасида янги ташкил этилган "Бугунги ёшлар" рукни остида бериб бориладиган турли соҳа ёшларининг қизиқарли мулоқотларидан жавоб топишингиз мумкин.

Қуйида эса, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий қўмитасининг матбуот хизмати бўлими масъул котиби Лазиз Тангриев билан суҳбат уюштирдик. Баъзи бир саволларимиз жавобсиз қолди. Лекин, барибир суҳбатимиз бақсли бўлди.

— Лазизжон, мана, сиз Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасида масъул лавозимда анчадан буён ишлайсиз. Бугунги кунда ёшлар номидан фаолият кўрсатаётган ушбу ташкилотнинг маъно ва моҳияти, ўз олдига қўйган мақсади, илгари сурган гоёси сизга яхши таниш. Айтингчи, бу ташкилотнинг бурунги комсомолдан қандай афзал жиҳатлари бор?

— Аввало, комсомол ва унинг ёшлар ҳаётида қолдирган изи тўғрисида ўзимнинг баъзи-бир мулоҳазаларимни айтиб ўтишни истардим. Фақат бу фикрларни тўғри тушунинг, чунки бугун ўртадан қўрқув ва таҳдид пардаси кўтарилган бир пайтда комсомол ва унинг фаолиятини қоралаш кишига қандайдир эриш ҳам туюлади...

Хўш, комсомол аслан қандай ташкилот? У илгари сурган гоё ва мақсаднинг туб моҳияти нималарда бўртиб кўзга ташланади? Ўз ордиган эргашган ёшлар турмуш тарзига қандай таъсир этди у?

Бугун бу каби саволларга жавоб излаб топиш бир томондан жуда осон бўлса, иккинчи томондан қийин. Қийин жиҳати шундаки, бу саволлар комсомол таъсирида кечган кечаги кунни беихтиёр кишининг ёдга солади, кўнгилда аламли ҳижиллик уйғотади. Бойси, мен тенги ёшларнинг турмуш тарзи ва дунёқарашига ҳам комсомол қолдириб ўтган асорат йўқ, дея олмайман.

Эркинлик шабадаси баралла эсиб турган бугунги кунда ҳеч кимга сир бўлмай қолдики, комсомол ўз тузуми ва даврининг муҳим ҳамда зарур "винт"ларидан бири эди. Унинг бош ва асосий вазифаси жамиятдаги ёшларни қаттиқ назорат остида тутиб туриш, уларнинг онги ва ҳаётига ҳукмрон мафкура сиёсатини кўр-кўрона сингдириш ва ўзгача, айтайлик, мавжуд тартиб-қонушлар тизимига зид фикрлашдан сақлаш эди. Шуни бемалол айтиш мумкинки, ўша даврда комсомолнинг фаолиятисиз комфирқанинг бир томони шубҳасиз кемтик бўлиб қоларди.

Хуллас, комсомол ва унинг фаолияти тўғрисида бугун шунга ўхшаш талай фикрларни айтиш мумкин. Бироқ, биз бир нарсани тўғри тушушимиз лозим. Комсомол комфирқа ҳукмронлик қилган тузумда пайдо бўлган ташкилот эди. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари аёвсиз топталган бундай жамиятда

комсомолга ўхшаш бир ташкилотнинг фаолият кўрсатиши зарур ва шарт эди. Чунки, ҳар қандай мустабид мафкура шунга ўхшаш ташкилотлар орқали ўзини ихоталашни, урини чўзишга уриниши табиий ҳол. Тарих саҳифаларини varaқлаб кўрсак, бунга истаганча мисол топишимиз мумкин.

Тўғри, комсомол ўз фаолияти давомида амалга оширган баъзи бир хайрли ишлардан ҳам кўз юмиб ўтиш инсофдан эмас. Аммо бу ҳам уни тўла оқлашга ҳуқуқ бермайди, деб ўйлайман.

Энди айна кунда ёшлар номидан иш юритаётган Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ҳақида гапирадиган бўлсак, у барча мустақил давлатларда бўлгани сингари ҳар қандай сиёсий тазйиқ ва зўравонликдан ҳоли эркин уюшмадир. У ёшлар ҳаётида янгича бурилиш ясашни, уларни етук шахс бўлиб вояга етишида яқиндан туриб кўмак беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ёшлар Иттифоқи ҳеч кимни дабдалаби ваъдалар бериб ўз ортидан эргаштирмайди. Балки, ҳар бир йигит-қизнинг истақ хоҳишини ҳисобга олган ҳолда, ўз фаолиятини олиб боради. Шундай ташкилотнинг фаолият кўрсатишига бугун ҳаётини зарурат борми, деган саволингизга қатъий қилиб, албатта, бор деб жавоб бераман. Иттифоқимиз номига баландпарвоз мақтовлар айтишдан қочиб, оддийгина ёшларни сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этадиган, уларнинг кўнгил тубида ётган ўй-дардларини тинглайдиган, ижодий лаёқатлари бекаму кўст юзага чиқиши учун зарур имкониятларни яратиб берадиган қандайдир ёшлар бирлашмаси фаолият кўрсатиши жуда муҳим эканини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя бўлса керак. Айниқса, Ўзбекистон мустақиллик йўлидан энди-энди қад ростлаётган бир пайтда ёшларни Ватан равнақи йўлида бириктириб турадиган ушбу иттифоқнинг ўрнини ҳеч нарса билан инкор этиб бўлмайди.

— *Сизнингча, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи бугунги кун ёшларини истақ-хоҳиши, орзу-умиди ва интилишларини тўла ўзида мужассамлаштирганми?*

— Агар сезган бўлсангиз мен юқорида мана шу саволга жавоб берган эдим. Қўшимча қилиб айтадиган бўлсам, жамиятда шундай ижтимоий тузилмалар бўладикки, агар улар давр талаби ва ўз соҳаси эҳтиёжларига жавоб бермаса, манфаат келтирмаса, уларни ҳаётнинг ўзи четга суриб қўяди. Ҳамма нарсанинг тақдирини вақт ҳал этади, деган гапда жон бор... Ким билади, эҳтимол баъзи-бир кимсаларнинг назарида ташкилотимизнинг иш юритиши хиёл сустроқдек туюлгандир. Аммо, мен шуни ишонч билан айтаманки, Иттифоқимиз эҳтимол баъзи бир ёшларнинг ҳаётига тўла кириб бормаётгандир, бироқ у ҳеч кимнинг йўлига тўғаноқ бўлмайди.

— *Биз яқин-яқинда фуқароси саналган (аслида, фуқаро-мидик?) социализм тузумида шундай тартиб-қоида ҳукмрон эди: ёшлар ҳали мактаб партасиданоқ оммавий равишда октябрят, пионер, комсомол ва ниҳоят, (бахта қарши бу ташкилотга аъзо бўлиш кўпчиликка ҳам насиб этавермасди) компартия сафига қабул этиларди. Бу ташкилотларга аъзо бўлиш сиртдан ихтиёрий бўлиб кўринсада, аслида мажбурий тарзда амалга оширилди. Яширишининг ҳожати йўқ, ўша мурғак октябрятларнинг ҳам ўз жазо усуллари мавжуд эди. Бугун вазият ўзгарди. Ўзбекистон мустақилликка эришди. Лазизжон, адашмасам, сиз ҳам бир пайтлар октябрятдан комсомолгача бўлган "шарафли" йўлни босиб ўтгансиз. Айна кунда эса, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасида ишляпсиз. Шубҳасиз, сизда ҳам қандайдир гоёлар ўзгариши рўй берган... Шу жараён қандай кечди? Ўзингиздан кўнглингиз тўладики?*

— Бироз оғирроқ савол бердингиз. Рост, мен ҳам барча тенгқурларим қатори октябрятдан тартиб комсомолгача бўлган "шарафли" йўлни босиб ўтганман. Илож қанча, ўша даврнинг


талаби, мавжуд тартиб-қонунларнинг йўриғи шундай эди. Ундан тониб ҳам, қочиб ҳам қутулиб бўлмасди-ку! Бунинг устига мактаб формасида юрган ўсмир сиёсатнинг бундай томонларини қаёқдана тушунарди дейсиз. Бугун бошдан дўппини олиб, атиги икки йил муқаддам қандай тузум бағрида яшаганимизни, ҳақ-ҳуқуқимиз нималарга етишини бундай ўйлаб кўрсак, шубҳасиз, даҳшатдан юрак орқага тортиб кетади. Албатта, биргина тузумнинг ўзгариши, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши у кунларда назаримизда, темирдан қаттиқ ва букилмас туюлган қонун ва гоёларнинг барини чипакка чиқарди, ҳамма-ҳамма нарсанинг шаклу шамойилини ўзгартириб юборди. Шу инқилобий жараён таъсири ўлароқ оддий фуқародан тартиб раҳбар шахсларгача — барча қандайдир руҳий ва гоёвий ўзгаришларни бошидан кечиргани аниқ. Бугун ҳаётнинг талаби буткул ўзгача, кечаги қараш ва тасаввурлар билан бугун ишлаб бўлмайди. Мабодо, шундай кишилар айна кунларда иш ўринларини банд этиб турган бўлса, ҳеч шак-шубҳасиз, ҳаётнинг ўзи уларни чеккага суриб қўяди.

Мен инсоннинг ҳақ ва адолатга бўлган ишончу интилиши қанчалик зулму истибдод кўрмасин, барибир сўнмаслигига, абадий ёлқинланиб туришига ишонаман. Агар умри ёвузлик ва қоронғулик чанғалида кечган кишига эрк ва озодлик тўғрисида хушхабарни етказсангиз, шубҳасиз, унинг нурсиз кўзларининг туб-тубидан севинч ва ҳаяжон учқунлари порлаганининг гувоҳи бўласиз. Биласизми, зим-зиё тунда дард тутган киши дори-дармон қабул қилишдан кўра тезроқ тонг отишини кутади. Зеро, ёруғлик, мусаффолик, поклик инсон руҳига куч-қувват, шижоат, мўъжизавий камолат бахш этади. Бизнинг халқимиз ҳам айна кунда худди шундай сурурли ҳолатни бошидан кечираётгандек туюлади менинг назаримда.

Шахсан ўзим эса, тагин катта кетаяпти деб ўйламангу, нима учун хизмат қилаётганимни, мақсад ва ниятим нима эканини жуда яхши англаган ҳолатда ҳар куни эрталаб ишхонага кириб келаман...

— *Лазизжон, мана Сиз бу ерда ишлаш билан бирга ТошДД журналистика куллитини тугаллаш арафасида экансиз. Ҳамкасб сифатида саволим: нега матбуотда ижодингиздан намуналар кам кўзга ташланади? Ёки яхши от кейин чопади қабилда ёзганларингизни бир четга олиб қўйяпсизми?*

— Бу ижодий ишга эринчоқлигимдан бўлса керак. У-бу нарсаларни қоралаб қўяману, охирига етказишга баъзан вақт тополмайман. Шу боис, матбуотда камдан-кам чиқишлар қилиб тураман. Кейин ёзганларимни ҳаммага кўрсатишдан тортинаман.







## БЕҒАРАЗ ПАНД

Абдурахмон ИБРОҶИМ

# ЕТМИШ ЙИЛЛИК ҲИЖРОН

Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан

Бугун — рўзи душанба. То пайшанбагача фақир кўнглига бетоқатлик ханжарин суқиб дору дароз яна уч лайлинаҳор турибдурки, ҳеч вақт камина наздида шабу рўз бул қадар чўзилмаган эрди. Умр итмомига келиб белдан қувват, кўздан нур кетган, хотиротлар кўзгусига бир газ чанг ўтирган маҳал, навжавон пайтимда бу ғариб бошдан кечган камтирона муҳаббат мижросининг Адам саҳросига ҳайдалган ингичка ҳислари тўсатдан барқ янглиғ такрор чақнаб, тийра рўзғоримни бир зум чароғон этмасинму! Туш мисол олачалпоқ хотирда қолган шабоб айёми хаёлотига ғарқ ўлмоғлик ва рўзи пайшанбани интиқлик ила кутмоқлик сабаби ушбуди:

Кеча, рўзи яшанба, намози бомдоддан сўнг, кўча ба кўча сайри-саёҳат айлаб қайтсам, камтир дилбузардаги ишқ-муҳаббат томошасига мўлтираб, обидийда қилиб ўлтирибдур. Фақирнинг чизи жаҳлим чиқди, дедимки: "Авалло, дилбузар кўриш — гуноҳ. Иккиламчи, бул шарму ҳаёсиз бепарҳез замонада ишқ-муҳаббатдан заррача топдингмики, чашми хуморингни намлайсан? Қариган чоғингда кўй, бунга ағрайма, "Дурил-мажолис"дан ўқий, эшит", деб китобни кўлга олган фурсатимда, ташқаридан каминани йўқлаган овоз эшитилиб, маҳалла-кўйда бирон издиңгмики, деган мулоҳазада йўлакка юрдим. Эшикда икки нотаниши киши турган эркон, салом-алиқдан сўнг бири сўрадики: "Бизга Калвак Маҳзум домла керак эдилар", деб. "Жанобингиз хизматингизда", дедим. Шунда бирдан икковининг мотамсаро юзи ёришиб: "Худога шукр, саломат экансиз, қани, келинг, ота қадрдонимни бир бағримга босай", деб иккиси бирин-бирин кучоқлаб, фақирни кўп андишага қўйдилар. Ўйлардимки, булар кимдур, деб. Бироз суҳбат баъдида маълум бўлдики, бул иккови фақир бирла ёшликда мадрасайи Бегларбегида ҳамсабоқ бўлган мулла Султон Сўяр деган кимсаннинг фарзандлари эрмиш. Аммо фақир ҳарчандки тиришсам ҳам ул зотни эслай олмадим, дедимки: "Воллоҳу аълам, орадан ақин саксон йил ўтибдур, камина эрса кеча тановвул айлаган таомни хаёлдан фаромуш этурман. Ўртада борди-келди йўқ, унутилар экан, қиблагоҳ ўзлари саломатмилар?" Ул фарзанди аржумандлар бир зумда ғоят ғамнок ўлишиб, надарлари бундан тўрт кун бурун дорилбақога риҳлат этганларини арз-дод айлаб, фақирни кўп хижолатга қўйдилар. Юзимга фотоҳа тортиб айтдимки: "Агарчандки, сизларга оғир бўлса ҳам яна бир карра отангизни ёдимга солишга уришиб кўринг-чи, наҳотки шундоқ зотни эслаёлмасам?" "Новзада боғ ҳовлимиз бўларкан, ойимни айтишларича, бизниқига бориб отам билан хўп улфатчилик қилар экансиз, ўшаларни эсломайсизми, тақсир?"

Бирдан жонбаҳи насим кўзғолиб, хотиротлар қатини тўзғитиб юбормасинму...

Толибул илм вақтим, биринчи уйланишимдаги анвоий ташвишу хатарнок рўзу шаблар ортда қолиб, яна мадрасага кўчиб, илм уммонига ғаввос янглиғ шўнғиган,

волидаи меҳрибон тағин эшикма-эшик, кўча ба кўча қулчиликда юрган пайтлар ёдимга тушмасинму! Дарҳақиқат, ўша замонда аҳли тужжорлардан бўлмиш бир зотнинг фарзанди фақир бирла ҳамсабоқ эрди ва ниҳоятки, даҳанаки дўстлик изҳор айлаб юрса ҳам, азбаройи бош мударриснинг арзанда писари бўлганим ваҳҳидан гоҳ-гоҳида Новза мавзесидаги жаннатмакон боғларига таклиф этиб турар эрди. Алқисса, бир ғал боғу ишқомларни томоша айлаб юрган кезимда, кўшни боғдан булбулни ҳам доғда қолдирадиган майин-ёқимли сир овоз масмуим бўлиб, йигитлик завқим жўш урганидан гуноҳлигидан ҳайф этмай девор оша мўраламдан тийилиб туролмадим. Кўрдимки, балх тутга осилган арғумчоқда этакларию қирқ кокилини ҳилпиратиб бир нозанин паризод кушдек парвоз этмоқда. Ўнг ёноғи қоп-қора дона хол бирла зийнатланган ул моҳипайкарнинг чеҳраи тобонига кўзим тушдию "Оҳ" деб беҳуш ҳолда орқага йиқилдим. Ўзимга келиб қарасам, боғ эгаси — дўстим бошимда бағоят ғуссага ботиб, деворга ёпишган норин табоқдек таппи (дар истилоҳи чорпони тезаги) бирла фақирни елиб ўлтирибдур. Кўз очганимни кўриб, азбаройи хурсандлигидан қаҳ-қаҳ уриб, ул париду карашмасидин пажмурда бўлиб йиқилгонимни жумла оламга овоза қилди. Туфроқда ётиб тепамга қарасам, кўшни боғдаги арғумчоқ арқони тебранмай бир жойда туриб қолибдур. Э, воҳ, дедим, наҳотки кўпиб, яна деворга тирмашганимда, дўстим енгимдан тортиб: "Бировни боғига кўз олайтирманг, тақсир!" деб мазаммат қилди...

Шул фурсатда биродаримнинг бадбуруш апти кўз ўнгимда ялт этиб кетмасинму, ҳаттоки чап иягидаги тиртиғи ҳам ёдимга тушди. Бундоқ қарасам, ҳамон икки киши "Жуғули" машинасига суялиб, фақирга термулиб туришибдур. "Узр, андак хаёл олиб қочди, — дедим, — отангизнинг сўл иякларидан..." Ҳа, топдингиз, даҳанларини чап томонда икки энли чандиқлари бор эди", деб улар бирдан суюниб жонланишди. "Ҳа, энди оз-оз эсга келяпти. Дарвоқе, Новза боққа кўп меҳмон бўлганмиз, — дедим, — ҳа, у вақтлар ажойиб замонлар эди..."

Бу орада ишқ оташи зўрайгандан зўрайиб, сабоқларни ҳам ямлашга бошлади. Кеча-кундуз ҳужрада кўксимни заҳға бериб ул ҳўбонни, унинг юзига буюк наққош битган холини ўйлайман, кўлимдан Хўжа Ҳофиз тушмайди. Ҳижрон ўтидан жизғанақ куйган кунлардан бирида ул паривашга ишқ оташида қовурилган юрагимни ҳавола айлаб, дарду аламларни тўкиб бир ишқий мактуб ёдим ва ёрнинг ҳамсояси мадрасага келиши биланоқ: "Шафтолихўрликка қачон даъват қилурсиз, биродар?", дедим. "Боринг, еб келасиз, тақсир", деди... Кўшни боққа ағрая-ағрая хом-хатала шафтолулардан бағоят оршиқча тановвул қилиб кўйгонимдан юрасим дам, кўнгил беҳузур, бул таширфдан кўзланган муродим ҳосил бўлмай, ёр ҳовлисидан оқиб чиққан ариқ бўйида ғамга ботиб ўлтириб

эдим, Султон Суяр қошимга чўнқайиб тиржайдики: "Ҳа, тақсир, олтин балиқчани кутяпсизми?", деб. Мазамма-тидан дилми оғриди, эркаклик гурурим чил-чил синиб, уялмай дийдамга ёш олдимики: "Сиз менга дўстми ё душман? Наҳот ҳижрон азобидан адо бўлган бир бечорани муродига етказишга қўшиш этиш шунчалик оғир?" Кўксимга муштлаб, шаммави изҳоримни айтган, дўстимнинг раҳми келдим, баҳарҳол мутабассум айлаб: "Шу тунда сизни ўша париваш билан учраштирмаган номард, аммо барзанги акалари бор, сезиб қолишса ўзингиздан", деди. Ул дилбарнинг зулфидек тийра тун чўкиб, нозанин абру ҳилол фалакка қалқиган маҳали, фақир ёр васлидан бедор ётган супа қошига алланималарни қўлтиглаб олган дўстим писиб келиб айтдики: "Кўчадаги ёнғоқ тағига туринг, мен ул ойжамолни қақираман, мактубни бериш ёдингиздан чиқмасин". Ялиндимки: "Мулла, ёнғоқни паёи беҳосият жой, бошқа бирон ерда ёр васлига доҳил ўлсам, чунки фақир гўдақликдан кечкурунлари ёнғоқ остидан ўтишга кўрқадурман". Султон Суяр гоятда баджаҳл, тажанг йигит эрди, кўнмади, тез боринг, мен қизни хабардор этай, деб илдамлаб кетди. Кўйинида ёрға битилган мактуб, гўё қаҳратонда қолган яланғочдек аъзойи-баданимни ларзага тушиб, баҳайбат ёнғоқ тағига келдим. Бир пайт паранжи-чачволи кўланка кўриниб, юрагим ҳаққириб пешвоз юрдим ва айтдимки: "Тун зулмати ҳар қандай ҳижобдан аъло, чачволини кўтаринг, ой юзингизни, қора холингизни бир кўрай, жоним, — десам, ёввойи оҳудек ҳўрқиб нари қочди. — Ҳеч бўлмаса дилимни ёрган шиқномани олинг, жавобини ҳамсоянгиз Султон Суярдан бериб юборарсиз", дедим. Ул париру ошиқ-мошиқларни бир-биридан жудо этгувчи бул золим кажрафтор фалак дастидан ниқ-ниқ йиғладиму, шафтоли танг қилган дам қорнимнинг гулдирашини эшитиб кулдиму, ҳайтовур, фақир ҳаяжон зўридан англамай қолдим. Моҳинайкар тезгина мактубни юлқиб олиб, лочин чангалидан қочган кўмри мисол бир зумда кўздан қошиб бўлди. Шу аснода тўсатдан уч қора дөвдек кўланка осмондан тушидиму, фақирни кимсан, нимасан деб суриштирмай, чунонам дўппослаб кетдиларки, одамзод насли ҳеч бундоқ калтак емаган, десам, муболага бўлмас! Афтиму қорним, кетим демай тушиб турган мушту тепкиларнинг аччиқ зарбидан гиря оғоз қилай, десам, яна буни ул моҳитобон эшитиб баттар ғам-андуҳга ботмасин, деб бул азобларга тишини-тишга кўйиб чидар ва товуш чиқаришга кўрқар эдим. Ишқ йўлида бундоқ балоларга мубтало бўлиб, рамақижон ҳолатда муттасил бир ой ҳўжрадан чиқмай дард чекиб ётдим. Оллоҳга шўкрки, падари бузруквор ҳам, волида ҳам фақирнинг ёлгон важ-қарсонига инониб, меҳрибончиликларини дариг тутмадилар. Гоҳиди хаёлга келур эрдик, каминани аямай дўппослаганлар одам наслиданму эди ё жинларму эди, паранжи ёпиниб пешвоз чиққан ўшал барно қизму эди ё мўминларни йўлдан ургучи ажина-алвасти эдим? Агар ул ҳўбон бўлганда наҳот мактубимга бир сатр ҳам жавоб йўлламади? Султон Суяр ўртада туришдек дўстона кори ҳайра бевафолик айлаб, яна кўп вақт фақрни масхаралаб кулиб юрдик, охири ундан ҳам кўнглим совуди. Ундан ўзимни тортиб юришга мажбур эдим, азбаройи ишқ дастоним дору дароз гуфтигу бўлишидан ва падари бузрукворнинг қўлоқларига етишидан чўчир эрдим. Аммо кейин матолум бўлдики, ул сакбачча дўст эмас, билакс, шайтону лайинга дарс берадургон маккор экан, бизлардек муллаваччалар тугул, мударрису ҳаттоки бош мударрис падари бузруквор устидан ҳам турли тўхмату бўхтон сўзлар тўқиб, уларни Мачаловдек миришабларга етказувчи наммома эркон Сирри фош бўлгач мадрасадан қувилди, амгарчандки, фақир ул харомзода баҳона моҳинайкарнинг васлидан ажралган эрсам-да, логикин мадрасадек пок жой бир бепарҳездак тозаланди. Бу орада падари бузруквор охираат сафарига чиқдилар-у, мусибатлар дарди ишқ отагини ўчириб, хаёлдаги ёр аксини кул босди. Султон Суяр харомзода болшевоиларга қўшилиб, калпадум саҳтиён камзул кийиб, баланд мансабга миниб, ўзи бирлан ҳаммадраса бўлган қанча-

дан-қанча уламо ва фузалоларнинг бошига етиб, жуванмарг қилдики, ҳар бир аҳли иймон ундан шайтондан қочгандек қочар эрди.

Баъдаз он, хаёл ботқоғидан базўр кутулиб, меҳмонларга қарадимки: "Агар хотирим панд бермаса, падарингиз ўрганда ишлаган эдиларми?", деб. "Ҳа, — деди саладек оқ сочли бирови, то пенсиягача ўша ерда ишладилар. 4-5 йилдан буён гап-сўз, қўл-оёқ йўқ, ётиб қолган эдилар. Худонинг қудрати, ўлимдан бир ҳафта бурун тилга кириб, қутиларида сақлаб келган хат-ҳўжжатларни эга-эгаларига қайтаринглар, деб васият қилдилар. Кўни арабча экан, уларни ойимга ўқитдик. Улар орасида кимгадир ёзган сизнинг ҳам бир хатингиз бор экан. Ойим ўқиб кўриб, ёшликлари эсларига тушиб кетди, негадир хўп ўқиб-ўқиб йиғласалар бўладими, аранг овутибмиз, денг. Шу омонатни топшириш учун ҳам сизни ахтаришини тўхтатмадик, мана, олинг", деб илвиллаган бир қоғоз узатди. Фақир не кўз билан кўрсинки, бу ўша — маҳубамга ёнғоқ остида тутқазган мактубим эрди. Не сабабдан буол мактуб Султон Суяр хонадониди пайдо бўлибдур ва унинг аёли қандай беандиша эканки, бировнинг ишқий номасини ўқиб ва яна ҳўн-ҳўн йиғлаб нола қилибдур, каминани кўҳна муҳаббат достонини варақлаб, фақирни жўмла олам наздида рўй барзамин қилибдур. Чизи аччиқ бирла сўрадимки: "Онангизни эскичадан саводлари борми ўзи?", деб. "Ҳа, ойимиз отинлар, — дейишди, — ўз исмлари қолиб, ўнғ ёноқларидаги чиройли холлари баҳона Холдор отин деб аташади, эҳтимол, эшитган чиқарсиз?"

Бирдан фақирни кўзи тиниб, дар сари по титроқ тутиб, аранг эшикка суяниб қолибдурман. Меҳмонлар каминани аҳволотидан саросимага тушиб: "Сизни ҳам толиқтириб қўйдик, домла. Пайшанба отамизни бош хадимлари, ойимиз сизни қаттиқ тайинлаганлар, ўша куни эрта билан ўзимиз окетамиз", деб хайр-хўшлашиб жўнашди. Фақир эс-хушдан бегона, уйга кириб, ҳаттоки қадимий номани ҳам очиб кўришга мажолим етмай, ўринга чўзилибдурман. Кампир тушмагур эрса чакаги тинмай жаврагани-жавраган эрди, нима эмиш: "Бериши бир тугунчада тўртта нон-ку, намунча чолимни узоқ гапга тутмаса булар-а!" Эҳ, бу туршакдек буришган, ишқ-муҳаббат кавсаридин ташна зор қалбини қайдин тушунсин!

Дилда минг турли шубҳаю андеша бирла рўзи пайшанбани сабрсизлик ила кутгувчи:

### КАЛВАК МАҲЗУМ ШОШИЙ.





## ҚАЛБ МАНЗАРАЛАРИ

Турон МИРЗО

### ТАРАДДУД ЗАРУРАТИ

Инсон янгликка ўч. Орзунинг қули. У орзуларини янглик билиб, унинг рўёбини истайди ва шу йўлда гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора интилиб, руҳий-жисмоний заҳмат чекади. Азобланади. Оромланади. Буларнинг барини руҳий олам эҳтиёжидан деб қараш инсон руҳияти нечоғли бой ва нозиклигидан далолат. Бир хилдаги ҳолатлар, бир йўлдаги такрор ва ўзгаришлар интилишлар уни зўриқтиради. Ана шунинг учун ҳам табиат эркатойи ва жабрдийдаси янгликка ташна, ўсиш, улғайишга мойил ва журъатли, ўлимга маҳкумдир, эҳтимол.

Шу руҳий интилишлар ранг-баранглиги ва уларнинг муайян нуқтада муштарак собитлик касб этиш жараёнида эътиқод шаклланса не тонг!

Ҳозирги ўзбекларнинг аجدодлари бир вақтлар дунёда энг хушвақт одамлар бўлишган, дейишса ишонаверинг. Қачонлардир "олтин давр"да яшаганлари ҳам ҳақиқатга яқин. Улар барча замонларда бирдек мунаввару мукаррам саналиши лозим бўлган эътиқод соҳиблари эдилар. Бугунги ва келажакга ишонишарди. Бугун-чи, бугун? Нега шундай экан-а...

Мозийдан сўз очиб хайрлик дейишади. Келинг, сўзни яқин ўтмишдан бошлайлик. XIX аср охирига келишимиз. Ўзбеклар кўп йиллик тутқунликдан қутулишга интилув журъатини ҳаёл қила бошлаган пайт. Нимадир ўзгариши керак бўлган — аср алмашаётган давр. Қадим Туронзаминда ҳам хушҳол шабадалар энди эсаётганди...

Бу вақтда яқин ўрис заминда ҳам қўзғалиш бошланган. Кўпроқ қимирлашларни аллақачоноқ ёш, ҳаракатчан Володя Ульянов билан боғлашга мойил эди. Унинг ўнг қўлида "Правда" газетаси кўринмас-да, чап қўлини чўнтагига солиб, ниманидир яшириб, кимнидир алдашга улгурган, тўғма каллигини кўз-кўз қилишга анча одатланиб қолганди. Нитше: "Буюкликка интилувчи одамлар моҳиятан ёвуз одамлар, бу ўзига иродали бўлишнинг ягона усулидир" деб ёзганди. Фаҳимча, буюкликнинг ёвузлиги — ўзига-ўзи чидашнинг оғулигида, фақат ёвузлар — орзунинг батамом қулларигина чидаши мумкин бўлган чексиз ва лаззатли заҳматида бўлса керак.

Лекин асли ёвуз бўлмаган. (Ёвузларда ленинчилик одми куйинчаклик, содда эътиқод бўлмаса керак). Эҳтимол, қисман бўлган ҳамдир. Бу эзгулиги буюк бўлишини муқаррар қилиб қўйса-да, моҳиятан тўла-тўқис ифодалай олмайди. Зеро, барча нарса-қодисалар нисбат бериб аниқланади, шарҳланади, яъни биргаликда жамики мавжудот нисбатан мавжуддир. Шу маънода Ленин ё эзгу қалб билан ёвузлик истаган, ёки ёвуз қалб билан эзгуликка интилган. Бу — табиий. Чунки ҳар ўзини билган одам бисотида бўлмаган нарсага интилади, шунга талпиниб яшайди. Гўё ўзидан — тасарруфидан ташқари мавжудлик унинг учун таққиланган-дек, етиб бўлмасдек туюлади. Чекланган нарса эса, ҳар доим инсон назарида сирли, қизиқ, у шунга интилиб яшайдан сира чарчамайди. Кўп беъмаънигарчиликлар қилишимиз ҳам шундан. Лекин шахси ва фаолиятига баҳо бериш даҳони кўрган ва кўрганларни билган авлодларга муносиб эмас. Бунга мен-да, Сиз-да бир қадар ожизмиз. Ҳақиқатга яқин деб топиладиган баҳони барчамиздан-да катта ва одил бўлган вақт беради. Ҳар қандай бўлмасин, мен ёш Володяга ҳавас билан қарайман. Ачинаман!

Ленин. Эътиқодсизлик. Қўрқоқлик. Бу учала тушунча тарих чархпалагининг муайян даврида муштараклик касб этади. Ленин динни, яъни инсоннинг сизинишга бўлган мойиллигини қондириши керак бўлган Худони рад этиб, фақат ўзига сизинишни тарғиб қилдики, бу янги эътиқод

— эътиқодсизлик эътиқодининг шаклланишига сабаб бўлди. Эътиқодсизлик қўрқоқлик билан бир-бирини тўлдириб, тақозо қилиб бирга яшайди. Бизга эътиқодсизликнинг ўзига хос кўриниши янгича тузум — советлар истилоси билан бошланган. Одатда ижтимоий ҳаётда кечадиган салмоқдор ўзгаришлар халққа тез таъсир ўтказди. Бу жараён, айниқса, қулликни ўзида кўп борсинаб кўрган — кўраётган, ҳатто баъзан хотиржамланишга ўргатган туркистонликларда фавқулодда тез таъсирлашуви керак эди. Ва шундай бўлди. Даҳшатли Сталин деган эътиқод пайдо бўлгач, жараён тагин-да фаоллашди. Бу эътиқод — қўрқоқлик эътиқоди. Аввалгидан моҳиятан — мазмунан фарқлар, шу ҳақда жиддий фикрлашиш, шунингдек, фикрлаш таққиланган, демаски, эркинлик бўғилган эди. Шу тарихда Сталин ҳам барчанинг эътиқодига айланиб, унинг маскани юракка ўзи тимсолидаги қўрқунинг темир ҳайкалини ўрнатди. Ҳайкал вақт ўтгани сайин табиат хулқи билан занглаб, атрофини ҳам таъсирлай бориши муқаррар эди ва шундай бўлди.

Эътиқод — табаррук тушунча. Бундай дейиш ҳам ортиқча. Зотан, буни ҳар ким ўз ботиний қувваси билан кашф этмоғи керак. Бу инсон қалбини нурафшон этиб турадиган соф илоҳий ҳодисаки, ўз қалби, виждони истагини жоҳилларча пайҳон қилишни истаб қолганлар қилиглари қурбони бўлиши тайин. Тавба дейин-у, Яратганинг иродасидир эҳтимол, инсон эътиқодсизлиги учун жисман маҳв қилинса бўлади. Сталин даври ёзувчиларининг бир қисмида комил эътиқод бўлган. Ва баъзан сўнгги вақтларда эътиқодларига қарши борганларини эсласак — бу фожияларнинг муқаррарлиги фош бўлади. Назаримда, улар ўлишга арзирди. Кимлардир ўлиш учун туғилса, яна бировлар ўлик туғилади. Бемаврид шохид бўлганлар деяётганларимиз чала ўликлар экан. Қолаверса, бу дунёдаги ҳар яхши ишимиз ўлимга рабаддир.

Қўрқоқлик шу қадар жирканч иллатки, у ҳақда ёзаётиб нафрат ҳаяжонидан қўлим қалтираб кетши керак бўлади!

Бугун Сталин тимсолидаги ҳайкал ва ҳайкалчалар йўқ. Қулагани рост бўлсин! Аммо унинг қалб жароҳатлари ва меросхўрлари ҳануз қутқу солиб туради. Мен 70 йиллик тарихимиз устида ўйлаб шунга амин бўлдимки, Сталин даҳо бўлмагани каби фавқулодда ҳодиса ҳам эмас, у эътиқоди субтисизлашаётган инсоний қиёфаларга табиатнинг одил жазоси экан. Сталин табиий эҳтиёж фарзанди. Табиат — исёнкор, табиат — қасоскор, табиат — мададкор!

Қўрқоқ одамлар нималар ҳақида ўйлайди? Бир йўла барча нарса ҳақида деб жавоб бериш мумкин. Фақат ўзи-ўзлиги устида ўйламаслиги, ўйлай олмаслигини истисно қилган-да. Менинг ота-онам, буваму бувимлар, ҳатто кўпгина танишларим ҳам қўрқоқлар. Хешларим доим "Болам... қўрқаман!" деган аянчи формула билан гапиришади. Бувам тракторчи бўлган эса-да, Сталин истибодидан роса заҳарланган. Тракторни севишга ўрганиб, шунинг ўғли — отамга ҳам юқтирган. Отам ҳақида онамнинг айтганлари: биласиз, баҳорда пахта экиш учун ер ҳайдалади. Бу қарийб бир ойга, баъзан бир ярим — икки ойга чўзилар, отам шу давр мобайнида бирор мартаба ҳам уйга келмас, далада ишлар, далада ухлар экан. Бор меҳри тракторга аталган. Эмишки, отам уйга келса, тракторни укувсиз бирортаси бошқариб, бузиб қўярмиш. Фарзандларидан ҳам азиз туюлган тракторга нафратим бор. Ўша кезлари мен отамни бир ой давомида жуда соғиниб, ғамгин юрар эдим. Империя қурбони бўлаётган инсон ўғлининг аҳволи шу экан-да. Айтганим қурбони бўлаётган инсон ўғлининг аҳволи шу экан-да. Айтганим бу сифатлар қондан ва қўлдан ўтган. Мен эса отамнинг боласи...

Азалиятнинг абадий занжири иллат ташияпти. Афсус! Бу менда тўхтармикин?

Мени онам далада туққан. Унинг ҳам ўйлагани пахтазор. Хаёли шунда. Бизни шундай боқади. Ҳатто бизни заҳри қотил макони бўлган пахта даласига ҳайдашдан ҳам тоймайдилар. Уғлини заҳарлаш! Онажоним шунини биларми-канлар. Меҳрибоним ўйлагани — пахта эксам, йиғиб берсам. Яна эксам, яна терсам, яна... яна... Уф, худойим-эй, бу бемаъни чархпалак қачон тўзим топаркан-а...

Советларнинг шиори шундай эди: ҳамма нарсани сев, қадрига ет. У техника бўладими, пахта даласими ёки бир парча етозми, аҳамиятсиз, фақат ўзингни, ўзлигингни ўйлама, севма. Шу билан барча нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун дея ардоқланар, бироқ инсондек тангилиб, ўйлашга йўл бермай ўзлиги унутиларди. Бу инсоният тарихида кам учрайдиган фожиа — Оллоҳга беадад шаккокликнинг классик намунаси эди.

Энди ўйласам одамнинг ожиз томони вақт ўтиши билан ҳар нарсага кўникишга мойиллиги экан. Мустамлакачиликнинг кенг ёйилишига инсондаги айнан шу сифат ҳам боис бўлса ажаб эмас. Биз эзгинликини шу қадар хушлаб, рағбатлангирдикки, қуллик фазилатга айланаёзди. Инсоният кўп ҳам қулликни қоралайвермайди. Қуллик — ўзликни унутиш — маиший одамга айланиш... Қаранг, халқа юксакликка элтаяпти. Маиший одамда нима ҳам бўлсин. Гами ҳирсида. Айтнинг-чи, бир қулга яна нима керак. Одамларга саволим бор: бутун умр ички тугёнлар азобида қоврилиб изтироб чекиб яшаган афзалми, ё ҳирс-нафс бандасига айланиш?

Табиатнинг ҳеч бир ҳодисасини ўзгартириш, офатни баргараф қилиш ёхуд эзгулик рўёбини беармон тезлаштириш қийин, ҳатто, ўйлашимча, мумкин эмас, бироқ бизга мумкиндек, кундалик турмушимизда шунга эришаётганимиздай туюлади: нега, ахир, инсон ҳеч қандай табиий жараёнга монелик қилолмайди, дедик-ку! Тўғри, бироқ бу ўринда инсон ўзини аврайдди, алдайди, яъни маълум табиий жараёнга ўзини яқин тутиб, шунга журъатли бўлиб, ўзида истамагани — тобелик ҳис этадики, бу бўлажак офат ёхуд қўрқувни бир қадар юмшатгандай туюлади. Бу ҳам инсонга хос бўлган кўникувчанликнинг бир кўриниши.

Бугун эслаш жуда оғир. Миллий руҳимиз сўна бошлаганди. Миллийлик таназулга юз тутиб, совет деган оломон — халққа айландик. Шаклан миллий, мазмунан социалистик махлуқ пайдо бўлди. Совет халқи дунё тарихи кўрмаган даражада антиқа бўлган. Унда на ўтмиш ва на миллий қадрият бор эди. Бугун бўлган, холос. Ва шундай бўлди. Фақат бугунни — бугунги ўзни ўйлаш шундан қолган иллат бўлса ажаб эмас.

Ҳозирги кунда барча соҳаларда бўлгани каби адабиётда ҳам уйғониш тараддуди табиий жараён сифатида қаралмоқда. Маълумки, адабиёт ижтимоий ҳодиса эмас, балки соф илоҳий-руҳий ҳодисадир. Талантнинг ўз олами, дунёси, ҳаракат майдони бўлади. У шунда яшайди. У учун ижтимоийлик йўқ. Шундай экан, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларнинг адабиётга таъсири устида эҳтиётроқ бўлиб сўзлаган маъқул. Яна бир тоифа талантлар борки, улар ижтимоийликка бевосита алоқадор. Айримлар ўзини "биз" деб атайди: "Биз ундай қилдик, биз бундай қиламиз"... Улар гапида ҳам жон бор. Чунки кўплар ташқи ва ички қиёфадан иборат бўлишади. Ҳатто ўзини бир вужудга мансублигига шубҳа қиладиганлар ҳам анча. Бошқача қилиб айтганда, бу тоифа одамлар "мен" ва "сен"дан иборат бўлишади. "Мен"нинг "сен"и вужуднинг ўзгаларга аталган қисмидир. Ҳар ким олдида бошқа қиёфага киришимиз ўша суҳбатдошга ҳам аталган "сен"имиз борлигидан далолат. Айримларга "мен" устунлик қилиб "сен"га эътибор сусайса, улар оддий-одатдаги одамлар назарида телбага айланишади. Икки қисмдан иборат бўлган талантларда "мен" ўзлик бўлса, "сен" — шахсияти ҳисобланади. Унинг шахсияти ерда, маиший одамлар, ижтимоий ҳодисалар қуриовида яшайди. Бундайларнинг ўзига хос фожияси шундаки, талант кучининг бир қисми "сен"ига сарфланиб, комил "мен" даражасига кўтарилолмай ўтиб кетишади. Кўпгина ёзувчилардан ранжишимиз ҳам шундан.

Одам қачон адабиётга эҳтиёж сезади? Ҳар доим. Бу айниқса, руҳий тугёнлар даврида аниқ сезилади. Катта заруриятга айланади. Ўзликни англаш йўли машаққатли. У кўпларни гангитиб, йўлсиз аҳволга солиб қўяди. Шундай

пайтлар адабиёт — руҳият ойнаси ёрдамга чоғланади. Биз унда ўзимизни кўраимиз, ўз дардимизга адабиёт кўмагида четдан — дардан ташқарида туриб нигоҳ ташлаймиз. Шу маънода кичик насримиздаги ўзгаришлар оромбахшир.

Дарвоқе, ўзбеклар руҳий ором топиши учун ўзбек адабиёти бўлиши шартми? Жаҳон адабиёти деган чексиз уммон ҳам бор-ку. Зотан адабиёт моҳиятан умуминсоний саналади. Тўғри. Аммо биз ўзбекона лутфга интизормиз. Қодирийни бот-бот эслаб, қўмсашимиз ҳам шундан. Қолаверса, миллий уйғониш даври эҳтирослари миллий адабиётнингни кўриб қувонишга ундаркан-да. Биз катта адабиёт яратишга арзигулик халқмиз.

Кортасарнинг адабиётга ҳеч қандай вазифа юклаб бўлмайди, деган машҳур гапи бор. Бу фикр менга танниш. Менга ёқади. Менинг қарашларим ёзувчи эътиборига бир қадар беҳурматликдек туюлиши мумкин. Назаримда, буни ҳар иккала томондаги номукамаллик билан боғлаш керак, соф адабиётга кучли танқидчигина реал муносабатда бўла олади.

Хўш, нега шакл-шамойил, айтиш мумкин бўлса, қиёфадаги ҳикоялар пайдо бўлмоқда? Назаримда, буларнинг бари айтганимиз бўшлиқни руҳий-маънавий эҳтиёжларни, шай-долик шавқини топиш йўлидаги камтарона уринишлар. Нега айнан Лотин Амриқоси адабиётдан таъсирланаётгани масаласини очик қолдирсам. Эҳтимол, тасодифдир... яхшиши кейин. Зеро, бу ўз қиёфасини ярата олсагина қизиқ. Алоҳида урганишга арзирлик...

## ИККИ ҚАЙД

Томас ВУЛФ,

Амриқо адаби.

## Ён дафтарлардан

Ўттизга киргунимча нечта амриқоликни учратаман:

кунига 1000 = йилига 365.000


x

8

29220000-етарли эмас.

\* \* \*

Замонавий ёшлар учун кутубхона:  
Афлотун "Федон"и, Ҳёте "Италияга сая-  
ҳат"и, Достоевский "Телба"си, Херодот "Йил-  
нома"си, Клейст "Пентесилея"си, По ҳикоя-  
лари, Ибсен "Пер Гюнт"и, Золя "Жерминал"и,  
Гарди поэмалари, Шекспир "Ҳамлет"и, Жойс  
"Улисс"и, Балзак "Сағри тери тилсими", Ҳёте  
"Фауст"и, Стрэчи "Қиролича Виктория"си,  
Суинберн шеър ва балладалари, Стриндберг  
"Ота"си, Роллан "Жан Кристофер"и, Рабле  
"Гаргантюа тарихи", Франс "Пингвинлар  
орол", Байрон "Дон Жуан"и, Голсуорси  
"Моллараст"и, Филипп Супо "Ник Картернинг  
ўлими", Шпенглер "Оврупонинг охири", Ҳейне  
лирикаси, ака-ака Гримм эртаклари, Томас  
Манн "Будденброклар"и, Кнут Гамсун "Очлик"и,  
Георг Кайзер "Октябр куну".



## МИНГ БИР АМАЛ

### ҚАРОҚЧЕНИ ЕНГАН РОҲИБ

...Йўлда келаётган ёлғиз роҳибни кўрган қароқчилар жонланиб қолишди. Мана кўп йилларким шаҳар ва қишлоқлардан садақа йиғувчи, бошлари тақир қирилган Будда хизматчилари улардан қўрқиб қаршилик кўрсатолмас, ўзларини ҳимоя қилишга уринсалар, дарров бирёқлик бўлишарди. Уларни бирёқлик қилиш пашшани ўлдиришдан ҳам осон эди.

Лекин бу роҳиб буталар панасидан отилиб чиққан қуролли одамларни кўрганда мутлақо қўрқмади. Жаранглашидан талайгина ақчаси бор йўл халтасини оёғи остига қўйиб, ўзи томон ошқора, ёмон ният билан келаётган тундбашара шахсларга қўрқмай ўгирилди. Шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. Улардан бири роҳибнинг таъзирини бериб қўйиш учун қилчичини ўйнатиб яқинлашганда даҳшатли қичқириб, четга учиб тушди. Бири қиллич, бири пичоқ, бири сўйилни маҳкам ушлаган қароқчилар роҳибнинг атрофини ўраб олдилар. Йўлда кўтарилган чағ олишаётган кишиларни ўткинчилар назаридан яширди. Фақат зарба товушлари ва инграш эшитилиб, бир неча дақиқадан сўнг буткул сукунат чўкди. Чағ тарқалди, йўл устида эса атрофида чўзилиб ётган жасадларни кузатиб бир роҳибнинг ўзи турарди. Йўл халтасини олиб, эҳтиёткорлик билан жасадлар устидан ўтди. Йўлда давом этаркан, қадрдон Шаолин билан бўладиган учрашувни ўйлаб ҳаяжонланарди.

### "СОҚОЛЛИ ЁВВОЙИ"

VI аср ўрталарида Хитойда мутлақо хитойларга ўхшамаган қалин соқолли галати бир одам пайдо бўлди ва ўша заҳоти "Соқолли ёввойи" лақабини олди. Бодхидхарма номли бу одам собиқ ҳинд дойиси расмий Будданинг 26-патриархи (отахони) бўлиб, чен (японча, дзен) мазҳабига асос солди. Буддани ўз талқини бўйича тарғиб қилиш учун Хитойга келган. Бодхидхарманинг таржимадаги номи "Равшан зеҳн" бўлиб, Вэй хоқонлигининг ҳокими билан жанжаллашиб қолганлиги туфайли кичикроқ Шаолин ибодатхонасидан маскан топди. Ривоятда келтирилишича, ибодатхонага келгандан сўнг биринчи қилган иши, 9 йил мобайнида оқ девор қаршисида ўлтириб, фикр юритиш ва ўз-ўзини англаш бўлган.

Маҳаллий ҳокимият билан Бодхидхарма орасидаги можарога сабаб унинг таълимотининг моҳияти бўлиб: расмий Будда таълимоти ҳамдардлик, раҳм-шафқат ила гуноҳлардан покланиш бўлса, зен-будда — ўзликни такомиллаштириш, фикрлаш, ўз-ўзини англашни тарғиб қилиб, ҳақиқатни англаш мақсадида тан ва руҳни мустаҳкамлаш динига айланган эди.

У Шаолинда яшовчиларга янги таълимотни ўқита бошлади. Биринчи сабоқларданоқ талабаларнинг руҳан ва жисмонан заифлигини, яна дарсларда ухлаб қолишларини пайқади. Бунинг устига ибодатхона ва роҳибларга қароқчи ҳамда талончилар ҳужум қилиб турар эди. Бодхидхарма роҳибларга "18 архатқўл ҳаракати" (архат — авлиё) номли руҳий-жисмоний машқлар усулини ўргатишга қарор қилди.

Бу усуллар у-шу ва бошқа мактабларнинг деярли ҳаммасида асосий амалиёт негизига айланган.

Таниқли рожанинг ўғли бўлган Бодхидхарма қадим замонлардан бери Ҳиндистонда тараққий этиб келаётган жанговор санъатни ёшлик чоғларидан ўргана бошлаган. Ривоят қилишларича, Будда даражасига кўтарилган Сиддхартха Гаутаманинг ўзи ҳам қўл жангида моҳир бўлиб, малика Ясударанинг муҳаббатини қозонган. Шу сабабли қуролсиз олишувларнинг ҳар хил турлари мамлакатда кенг тарқалган бўлиб, Ҳиндистонга юриш қилган Искандар Зулқарнайн жангчилари фойдаланган юнон қўл курашидаги улоқтириш, чалиб йиқитиш, ушлаб қолишларнинг ҳам маълум таъсири бор. Айниқса Бодхидхарма эгаллаган "вадрамушти" кураши машҳур эди.

Очигини айтганда қўл жангининг турлари у Хитойга келгунча ҳам мавжуд эди. Миллоддан олдинги уч мингинчи йилларнинг ўрталаридан хабар берувчи йилномаларда "го-ти" кураши тўғрисида маълумотлар бўлиб, бу курашнинг пайдо бўлишига миллоддан олдинги 2674 йили "Сариқ Ҳоким" Хуанди билан баҳайбат маҳлуқ — шохдор Ци-ю орасидаги мислсиз жанг туртки бўлган. Бу жанг бир неча кун давом этиб, охир-оқибатда Хуанди баҳайбат маҳлуқнинг шохидан ушлаб бўйинини қайириб ташлаган.

Го-тининг моҳияти — яккама-якка курашувчилар шлём-махсус қалпоққа мустаҳкам ўрнатилган учлари ўткир шохларни бошларига кийиб рақибга санчиши ёки шохидан ушлаб ерга йиқитишдан иборатдир. Кейинчалик шохлар қалин чарм арчалари билан алмаштирилгач, го-ти анча кам қон тўкилувчи мусобақага айланган. Шуниси қизиқки, қатор Хитой вилоятларида го-ти рақс шаклида шу кунларгача сақланган. I асрга тааллуқли йилномаларда эса, қандайдир княз Куок номи билан бошлиқ "узун қўл санъати" тилга олинган, лекин бу санъат нимадан иборатлиги номаълум. Бироқ истеъдодли табиб Хуа-то (2-3 аср) ишлаб чиққан усул яккама-якка кураш ва табибчиликка улкан ҳисса қўшиб, бизнинг кунларимизгача етиб келган.

Сарой табиби Хуа-то турли ҳайвонларнинг одат ва ҳаракатларини диққат билан ўрганиб қуш, айқ, йўлбарс, маймунларга тақлид қилиш асосида "беш ҳайвон" бадантарбиясини яратди. Бу бадантарбиядан даволаш ва жанговар мақсадларда фойдаланиш мумкин. Афсуски, Хуа-то меросининг жуда ҳам кам қисми сақланган бўлиб, у ифво натижасида қатл этилган, асарлари тарих қаърида ғойиб бўлган.

Чнао-ти-шу, сяңцу ва бошқа якка курашларни мавжудлигига қарамай айнан Бодхидхарма у-шунинг яратувчиси ҳисобланади. Чунки вақт ўтиши билан унинг "18 архат қўл ҳаракати", яъни 18 та оддий "тўсиқ-зарба" комбинацияларидан ҳар хил мураккабликдаги кўп минг комбинацияларнинг бутун бир системасига айланган.

Кўп ўтмай, бошқа масканлардаги роҳиблар ҳам Шаолин сари кела бошладилар. Чунки Шаолиннинг шуҳрати бутун Осмоностига ёйилган эди. Тўғри, мамлакатни қамраб олган қатор деҳқонлар кўзғолонидан кейин IX асрнинг бошларида 845 йили буддага қарши қарор чиқди ва кўплаб ибодатхоналар роҳиблар кўзғолончиларни қўллагани учун вайрон этилди. Шаолинни ҳам бундай қисмат четлаб ўтмади, лекин кўп ўтмай у қайтадан тикланди ва ҳамма нарса яна ўз ҳолига қайтди. Ҳатто олдингидан ҳам юқори поғонага кўтарилди, роҳиблар


Бодхидхарма машқлари асосида олдин 72 та, сўнгра 170 та элемент яратдилар. Ҳайвонларнинг ҳаракатига тақлид қилувчи усуллар: "йўлбарс" (кучлик зарба), "Қоплон" (сакраш ва чаққонлик), "Илон" (силлиқ эгилувчан, юмшоқ ҳаракат) "турна" (кенг қулочли ҳаракат) ва "Аждарҳо" (бунда олдинги усулларнинг ҳамма элементлари қўшилган) пайдо бўлди. Энг муҳими Шаолинда жангчилар тайёрлашнинг улкан системаси яратилган бўлиб, буларга тенг келадигани бўлмаган.

Дунёвий кишига ибодатхонанинг жанговар санъат мактаби ўқувчиси бўлиш осон эмас. Бунинг учун ўзининг самимийлигини, садоқатини кўрсатиб, у ана шундай олий шарафга сазоворлигини исботлаши керак, фақат шундагина ибодатхона эшиклари у учун очилади. Лекин ибодатхонадан чиқиш бундан ҳам қийин. Шаолинда яшовчилар роҳиб-жангчиларни деҳқон болаларидан гуруҳ-гуруҳ қилиб йиғар эдилар. Сўнгра дарвозалар 15-20 йилга баъзан бутунлай ёпиларди. Фақат маҳорат эгаси бўлиб, ибодатхонадан чиқиш мумкин эди. Ўқиш муддатини ҳамма ҳам охирига етказа олмасди — бири қазо қилар, иккинчиси ўлар ҳолатга етар, учинчиси ақддан озар, машаққатли ибодат, бундан кам бўлмаган машаққатли хўжалик ишлари билан алмашар, машқлар эса шундай олиб борилардики. Бунга жуда ҳам қудратли одамгина чидаши мумкин эди.

Ўқувчилар тош ва ёғоч бўлаклари ёрдамида зарбаларни меъёрига етказишар, натижада баданнинг зарба берувчи қисми бир неча йилдан сўнг темирдан ҳам мустақкам бўларди. Машқлар осилган ходаларда бажариларди (маҳорати ўсишига қараб ходалар ингичкалашиб ва баландлиги борарди — 10 м гача) шу билан бирга қаттиқ олишувлар ўтказишар, улкан масофалар — ўнқир-чўнқир жойлардан чопиб ўтишарди. Малакани анча тез аниқлашга имкон берувчи тренажёр ва саволлар ишлаб чиқилган. Масалан, шуғулланувчиларнинг бири майда тошларни отади, иккинчиси эса қўл ва оёқлари билан уриб қайтаради. Манекен сифатида шохларини қолдириб қирқиб олинган дарахт танасидан фойдаланилган: ғўла маҳкамлаб қўйилади ва ўқувчи шохларнинг орасидан ғўлани танасига ўтиб боришга мажбур, агарда ғўла эркин айланса зарба билан "жавоб бериши" мумкин.

Бўлажак жангчиларни қуролни тутишга ўргатишда, кезиб юрувчи роҳиблар ёнида олиб юрадиган 18 та жисм — пичоқ, ҳасса, ёмғирпўш, елпиғич, товоқ ва бошқалардан фойдаланиларди. Моҳир жангчи ёрдамида битта ёки бир нечта қилич билан қуролланган одамларнинг ҳужумини қайтарибгина қолмай, ҳатто уларни енгарди. Агарда қўлига ҳассани олса, яхшиси дарров раҳм-шафқат сўрагани маъқул — Шаолин талабалари ундан шу даражада моҳирона фойдаланадиларки, ҳасса уларнинг қўлида қанот чиқариб учади, зарбалари эса қайтариб бўлмас даражада хавфлидир. Фақат темир қопланган ҳасса билан қуролланган 40 та шаолинлик роҳиблар Хитой сарҳадига бостириб кирган японларнинг йирик гуруҳини тирқиратиб қочиргани ҳақида воқеа маълум.

Ўқишни битирганларни жанговар санъатнинг назария ва тарихи, фалсафаси ва мураккаб манекен ҳамда тузоқлар қўйиб жиҳозланган ер ости лабиринти — илон изи, эгри-бугри йўлни босиб ўтишдек жиддий имтиҳонлар кутарди. Имтиҳон қилинувчи ерга терилган у ёки бу қаттиқ жисмга оёқ қўйганда жиҳозлар ҳаракатга келтирилари. У ҳар лаҳзада турли томондан ҳалокатли зарбага йўлиқиши мумкин. Буткул зулматда қандайдир олтинчи туйғу билан зарбани сезиб, чап берган ёки қайтарган одамгина соғ қолар эди. Лекин нақл қилишларича, бу ўн шогирддан биттасига насиб бўларди. Яна шу нақлга кўра имтиҳондан соғ-омон чиққан киши ўта қудратли одамга айланиб, бир ўзи юз ва минг душманга қарши чиқа оларди. Уни енгил амалий жиҳатдан амри маҳол.



АЙГИР ҲАРАКАТ



## ОДАМ, ОЛАМ

### ФЕЪЛИНГИЗ АФТИНГИЗДАН МАЪЛУМ

*Физиогномика — киши характерини ташқи белгилари, овози ва шунга ўхшаш нарсаларига қараб аниқлаш санъатидир. У минг йиллардан бери мавжуд. Қадимги Гретсияда унга ўта муҳим соҳа сифатида қарашган.*

*Аристотелнинг физиогномикага оид баъзи ҳикматлари ҳанузгача сақланади... Мана улардан баъзилари:*

Кимнинг бўйни тўла бўлса — юраги кучлидир. Кимнингки бўйни жуда калта бўлса — айёрдир. Кимнингки лаблари қалин ва баландиси туртиб чиққан бўлса — у аҳмоқдир.

Кимнингки бурун тешиклари деворини қалин бўлса — у оқкўнгилдир.

Кимнингки бурни ўрқачли бўлса ва у пешонасидан бошланса — уятсиздир.

Товуқбурун кишилар жуда шаҳватпарастдирлар.

Юзи қуруқ кишилар — эҳтиёткордирлар.

Кимнингки юзи кичкина бўлса — зиқна кишидир.

Юзи катта одам танбал бўлади.

Кичиккўз кишининг қалби тордир.

Кўзи ботиқ одам — золимдир.

Кимнингки кўзи туртиб чиққан бўлса — аҳмоқроқдир.

Ўзи сариқ, кўзи кўк — Худойимнинг бергани,

Ўзи қора, кўзи кўк — Худойимнинг ургани.

Пешонаси кичик инсоннинг ҳам бир нўхати кам бўлади.

Пешонаси ҳаддан ташқари катталар овсар бўлишади.

Манглайи дум-думалоқларнинг ҳам эси камроқ бўлади.

Пешонаси тиришган кишилар ғурурли бўлишади.

Пешонаси текис инсонлар — доимо хушомадгўйдирлар.

### ҚОН ГУРУҲИ... СЕВГИ ДАРАЖАСИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Яқинда Фарангистонда "Қон гуруҳингизнинг сирлари" китоби чоп этилди. Муаллифи Жан-Луи Дегандензи. Севги бобида сиз ёки жуфти ҳалолнингиз асли ким эканини мана шу китобни

ўқиғач, билиб оласиз. Биз мазкур асардан баъзи парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Қони биринчи гуруҳ бўлган кишилар

Улар аҳолининг 45 % ни ташкил этадилар.

**ЭРКАК.** У бирор нарсага бошқаларни қизиқтириб, йўлдан уриш бобида устаси фаранг. Ҳатто у бировни бошқага олабўжи қилиб кўрсатиб, бутунлай кўнглини совутиб юбора олади. Бу хабар шу даражада кутилмаган бўлиб чиқадики, эшитиб эсингиз оғиб қолиши мумкин. У аёлдаги куттириш, орзиқтириш феълени жуда хуш кўради. Бироқ у ўз нафси оворасидан халос бўлгач, аёлнинг бундан кўнгли совимайди, аксинча, дунёда бундан-да дилхуш эр йўқ бўлса керак деб ўйлайди.

**АЁЛ.** Бундай аёлга қўллари темирдай мустаҳкам, қучоқлаганда қудрати сезилиб турадиган эркак керак. Жозибали, шу билан бирга рашкчи аёл. Унинг эри ҳатто шунчаки ўткинчи аёлга кўз қирини ташлаб қўйсаям чидай олмайди. Унинг эри билан доим бирга бўлиш хоҳиши бор. Бу қадар қизганчиқлик эр шўрликнинг кўп қийнаса-да, кўпинча кўнгли тўқ юради.

Иккинчи гуруҳ қонига эга кишилар. Улар аҳолининг жами 35 %ни ташкил этишади.

**ЭРКАК.** У ўта уятчан, ўз муҳаббатини нигоҳлари ёки секин келиб бармоқларни силаш орқали билдиради. Тез бир қарорга келувчи инсон. Оилавий ҳаётда жуфти ҳалол мудом унга содиқ эканини исботлаб турсагина унга ишонади, бахтли қилади. Бундай эркаклар оналик меҳрини кўп нарсадан устун қўядилар. Ва шунинг учун кўпинча ўзларидан ёши катта бўлган аёлни хотинликка танлайдилар.

**АЁЛ.** Бу хил аёллар ўта китобий феълли бўлишади. Кўпинча ўзларини чучмал рўмонларнинг қаҳрамонлари деб ҳис этишади. Ориятли, шунингдек, шубҳаланаверадиган феълли бўлади. У анча муддат севишмай юришга тоқат қилиши керак. Лекин севиб қолса, дарров ўзини топшириб қўймасин. Муносабатлар ойдинлашгач эса, у ажойиб хотин бўлади: эрини суйиб эркалайдиган, садоқатли. Ва тез орада китобийликни тарк этади.

Учинчи гуруҳ қон эгалари. Аҳолининг 13 фозиди.

**ЭРКАК.** Гарчанд у ўзини хотинбоз қисобламаса-да, ҳамма унга хотинбоз сифатида муносабатда бўлади. У севгидан жуда қўрқадиган ва шунинг учун қам кўп ёлгон гапирди.

Лекин бу йўл билан яшаб бўлмайди-ку! Ҳаётининг қаеридадир, нимадир бузилиб бораётганини ўзи ҳам сезиб қолади. Ноз-карашмалардан бутунлай воз кечилади! Шундай қилиб,

у тузуккина эрга айланади, шундаям аҳён-аҳёнда эрлик садоқатини бузиб қўяверади, бироқ барибир унга суянса бўлади.

**АЁЛ.** У ўзининг аллақандай галати қилиқлари орқали севгисини яширади, лекин садоқатли аёл бўлади. Ҳушёр бўлинг! Агар, танлаган қайлигинингизнинг қон гуруҳи учинчи бўлса севги масаласида ташаббусни ўз қўлингизга олишингизга тўғри келади. Ҳа, севиб-севилиш, эркалашиб ўтириш унинг учун асосий иш эмас. У аввало эридаги жинсий майлини ўзига қаратиб олмоғи керак. Мабодо у бунинг уддасидан чиқса ва эрини хурсанд қила олса, эрининг ўзи шундай хотини борлигидан ўзини бахтли ҳис қилиб юради.


Тўртинчи гуруҳ қон эгалари. Улар аҳолининг атиги 7 фоизини ташкил этади.

**ЭРКАК.** Бундай эркаклардан аёлларни ўзларига тез оғдириб ва мафтун этиб олиш қобилияти бўлади. Ўзи ҳам аёллар гаштагида қатнашишни хуш кўради. Буткул аъзои бадани ўз-ўзидан севги ҳақида сўз очаверади, гарчанд тили гапирмасда. Туйғулари ўта чуқур эмас, шундай бўлса-да доимий севишиб юриш истейдоди бор. "Бугунча сабр қил, жоним, эртага..." деган куниеқ хотини унга душман бўлиб кўринади...

**АЁЛ.** Бундай аёллар ҳам тезда эркакларнинг назарига тушишади, лекин ўта қаттиққўл ва талабчан бўлганлари боис уларни измларига бўйсундиролмайдилар. Агар ўзи хоҳлаган эркакни измига бўйсундирар экан, фақат ва фақат ўзи ҳақида ўйлашга мажбур қилаверади. Эркак кўп тоқат қилса, хўбу хўп, бироқ шўрлик жуфтани ростлаб қолса-чи...

## ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

### "ФУТБОЛ ЮЛДУЗЛАРИ"



Жавоблар белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзилади.

1. Уч бор жаҳон чемпиёни, "футбол қироли".
2. Испаниялик тўпурақ футболчи.
3. Англиялик таниқли дарвозабон.
4. Ўзбек футболчиси, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони.
5. Аргентиналик футбол юлдузи, жаҳон чемпиёни.
6. Бразилиялик ҳужумчи, миллий терма жамоа ўйинчиси.
7. Голландия терма жамоасида ўйнаган футболчи.
8. Португалиялик олтишинчи йилларда машҳур ҳужумчи.
9. Таниқли франсиялик футболчи.
10. Энг кўп тўп киритган украиналик ҳужумчи.
11. Пеле билан бирга ўйнаган бразилиялик ҳужумчи.
12. Саксонинчи йиллар охирида танилган москвалик футболчилардан бири.
13. Югославиялик ҳужумчи.
14. Италияда бўлиб ўтган 1990 йилдаги жаҳон биринчилигида ҳал қилувчи тўпни киритган футболчи.

Фозилжон Орипов.

1993 йил 7-9 сондаги "Шукрулло шеърятини" муаммономаси жавоблари:

Очқиқ: 1. Ҳада. 2. Кенг. 3. Маъқул. 4. Томчи. Буюк. 5. Йулдош. Мисол. 6. Хазина. Бир.  
 Тўртлик:  
 Майли, зарраларга айлансин юрак,  
 Меҳри дўстлик бўлиб сингсин ҳар танга.  
 Шеър юрак менга не учун керак,  
 Яхшилик қилмаса агар инсонга!

Шукрулло.



**ТИЛ УНУТИШ ДАРСЛИГИ**

Кўзбойлогичлик: оламга у-бу нарсани шундай отиб юборгинки, у кетидан ўзингни ҳам тортиб кетолмасин.

\* \* \*

У жумлаларни худди тухумдек қўяди, аммо уни босиш кераклиги хаёлидан фаромуш бўлади-да?!

\* \* \*

У ҳаммасини қайтадан бошламоқчи эди. Аммо унинг боши қаерда?

\* \* \*

Мен борман. Мен йўқман. Инсониятнинг янги ҳисоб усули.

\* \* \*

Сўзамоллар биринчилар қаторида мункиллаб қолишади. Аввал сифатлари қариса, кейин феъла навбат келади.

\* \* \*

Нияти йўқ одамгина эркиндир. Шундай экан, эркин бўлмоқ ниятининг зарурати борми?

\* \* \*

Тил унутиш дарслиги.

\* \* \*

У ҳали ҳеч ким чайнамаган жумлани қидирмоқда.

\* \* \*

Абадийлик бекор қилинди. Кимнинг яшагиси келади?

\* \* \*

У ўзига ҳалақит бериш учунгина яшайди.

\* \* \*

Узоқ умр хавфи: нима учун яшаётган эдинг, ёдингдан чиқади.

\* \* \*

Бирон-бир уруш кейингисининг олдини ололмайди.

\* \* \*

Кўп ўйла. Кўп ўқи. Ҳар бир нарса ҳақида ўз фикрингни билдир, аммо ташқинга чиқарма.

\* \* \*

Унинг оғзида тиш ўрнида сўзлар ўтирибди. Чайнайдигани шу. Булар ҳеч қачон тушиб кетмайди.

\* \* \*

Янглишмовчилик туфайли адабиёт тарихига кириб қолдим. Бунга энди қиртишлаб ҳам ўчириб бўлмайди.

Нашрга тайёрловчи  
 Дилшод НУРУЛЛОҶ

**Рассом Аслиддин Калонов**

Манзилмиз: 700017, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй. Телефонлар: Бош муҳаррир — 33-40-83, Бош муҳаррир ўринбосари — 33-06-63, Наср ва назм бўлими — 32-27-52

Босишга 10.02.94 й.да рухсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8. Шартли босма табоқ 4,2. Нашриёт ҳисоб босма табоғи — 4,0. 45.000 нусхада чоп этилди. Буюртма 2602.

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© "Ёшлик" №1, (138) 1994й.

**Мундарижа**
**Муҳаррир минбари**

Собир ҲНАР. Умидим шулки . . . . . 1

**Етмишинчи йиллар авлоди.**

Нурали ҚОБУЛ. Руҳида илоҳий исён бор. . . . . 2

**Назм**

Алишер НАРЗУЛЛО. Юракдан узилган юлдузлар . . . . . 6  
 Туроб НИЁЗ. Самога санчилган гулларим . . . . . 10  
 Анвар ОБИДЖОН. Эътиқодим — умрлик севгим . . . . . 16

**Наср**

Ражаббой ОТА ТУРК. Осмоннинг эгаси. . . . . 5

**Танишув**

Турсунбой МАХАЕВ. Кўнгилдадир фақат фароғат . . . . . 8  
 Маҳфират ЖЎРАЕВА. Мангуликдай шошқин фасллар . . . . . 9

**Аслият**

Курт ШВИТТЕРС. Тескари алифбо . . . . . 11  
 Луи АРАГОН. Ўз жонига суиқасд . . . . . 11

**Мозийдан садо**

Д.ХОЛМУРОДОВ, З.ДАРХОНОВ. Зиё гўшаси . . . . . 12

**Акс садо**

Адолф Гитлер тирикми? . . . . . 14

**Муштарийнинг дил рози**

Х.ИМОМОВ. Назорат зарур . . . . . 20  
 Х.КОМИЛОВ. Ҳақиқат чала бўлмасин . . . . . 20

**Боқий қадриятлар**

Шайх АБУ-Л-ҲАСАН-ХАРАҚОНИЙ. Нур ул-улум . . . . . 18

**Адабий сабоқ**

Муҳсин ЗОКИРОВ. Гар тарих эврилса шуҳрат тожини . . . . . 4

**Одам, олам.**

Феълингиз афтингиздан маълум . . . . . 30  
 Қон гуруҳи... севги даражасини белгилайди . . . . . 30

**Топқирлик машқи**

Футбол юлдузлари . . . . . 31

**Беғараз панд**

Абдураҳмон ИБРОҶИМ. Етмиш йиллик ҳижрон. . . . . 24

**Қалб манзаралари**

Турон МИРЗО. Тараддуд зарурати . . . . . 26

**Икки қайд**

Томас ВУЛФ. Ён дафтарлардан . . . . . 27

**Минг бир амал**

Айғир Ҳранлий. Шаолин сирлари . . . . . 28

**Бугунги ёшлар**

Мўъжизавий камолат манъбаи . . . . . 22

**Тўқ мағиз**

Элиас КАНЕТТИ. Тил унутиш дарслиги . . . . . 32

# Мўйқалам соҳиблари:



МУСАВВИР ҒОФИР ҚОДИРОВ

Жўрналнинг 4-муқовасига кўзингиз тушгандир... Му-  
саввир уни «Хотира» деб номлаган.

Хотира — бу оқ ва қора, эзгулик ва ёвузликнинг аба-  
дий зиддияти тажассуми...

Хотира — бу...

«Хотира»ни кўраркансиз, уни изоҳламоққа беҳисоб  
ташбеҳлар излайсиз, тасвир сизни асло бефарқ қолдир-  
майди...

Мўйқалам соҳиби ўз асари-ла мухлисларни фикрлаш-  
га, суратдаги тасвир билан боғлиқ хотираларни тик-  
лашга ундайди, ўз тасаввурдаги чизгилар томошабин-  
нинг қалбида ҳам ажиб ҳислар уйғотишига интилади.

Ғ. Қодиров. «Оила».

